

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АКМАЛЖОН ТУРСУНОВ

**НЕМИС АДАБИЁТИДА ШАРҚНИНГ
БУЮК СИЙМОЛАРИ**

(монография)

Тошкент – 2021

УЎК: 821.112.2.09:929(5)

КБК:

Турсунов Акмалжон Ҳамиджонович

Немис адабиётида шарқнинг буюк сиймолари.

А.Ҳ.Турсунов. – “_____” 2021 й. – ____ б.

Масъул муҳаррир: *Халлиева Г.И. филология фанлари доктори, профессор*

Такризчилар: *Содиқов З.Я. филология фанлари доктори, доцент*

Дарвишев И.Ў. филология бўйича фалсафа доктори, доцент

Монографияда жаҳон цивилизациясининг XVI аср охири ва XVII аср бошларидаги тарихий-ижтимоий тараққиёти, Ғарб маданиятида Шарқ тарихи, адабиёти, санъатини билиш ва уни ўрганишга бўлган эҳтиёж ва қизиқишнинг ривож топиши, дунё адабиётшунослигида шарқнинг буюк сиймолари образининг бадиий адабиётдаги талқини ҳақидаги фикрлар атрофлича ёритилган. Шунингдек, немисзабон бадииятларга Шарқ адабий анъаналарининг таъсири, уларнинг тадрижий тақомили, шарқнинг буюк сиймолари талқинини алоҳида тадқиқот асосида ўрганилиши натижасида чиқарилган хулосалар ўрин олган.

Монография олимлар, тадқиқотчилар, талабалар ва, умуман, жаҳон адабиёти, хусусан, немис адабиётига қизиқувчилар, унинг ихлосмандларига мўлжалланган.

Монография Наманган давлат университети Кенгашининг 2021 йил 10 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишида нашрга тавсия этилган. (Баённома № 4)

*Марҳум падари бузрукворим ҳамда
волидаи муҳтарамамнинг порлоқ
хотираларига бағишлайман.*

МУҚАДДИМА

Жаҳон цивилизациясининг XVI аср охири ва XVII аср бошларидаги тарихий-ижтимоий тараққиёти Ғарб маданиятининг Шарқ тарихи, адабиёти, санъатини билиш эҳтиёжи ва қизиқишининг ривож топиши билан характерланади. Ғарб санъатининг адабиёт, рассомчилик, мусиқа ва бошқа турларида Шарқ дунёсини акс эттиришнинг ўзига хос бадиий шакллари ривож топди. Ғарбда Шарқ маданиятига чинакам қизиқиш натижасида А.Дантенинг “Илоҳий комедия”, К.Марлонинг “Буюк Темур”, Ж.Байроннинг “Шарқ оҳанглари”, В.Гюгонинг “Шарқ шеърляти” каби жаҳон адабиёти дурдоналари юзага келди.

Дунё адабиётшунослигида шарқнинг буюк сиймолари образининг бадиий адабиётдаги талқини масаласида кўплаб тадқиқотлар олиб борилаётгани алоҳида аҳамиятга моликдир. Хусусан, ал Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Бобур Мирзо ҳаёти, фаолияти ва илмий меросига бағишлаб кўплаб асарлар яратилган. Уларда буюк аجدодларимизнинг дунё илм-фани, маданияти, адабиёти ва санъати ривожига қўшган ҳиссаси юксак баҳоланган. Жумладан, немисзабон халқлар адабиётида яратилган “Темур ва Боязид”, “Ғарбу Шарқ девони”, “Қўшиқлар китоби”, “Ибн Сино”, “Илм гулшанида”, “Йўқдан бунёд бўлган салтанат”, “Ғарбу Шарқ”, “Бобур – Йўлбарс” каби кўплаб асарлар фикримизнинг ёрқин далили бўлиб, уларда буюк алломаларимизнинг тарих ва жаҳон адабиётида тутган ўрни юксак эътироф этилган.

Мамлакатимизда кечаётган маънавий тикланиш жараёнида буюк аجدодларимиз ал Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Бобур Мирзо ҳақидаги бадиий ижод намуналарини аниқлаш ҳамда адабий, қиёсий-тарихий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш эҳтиёжи юзага келди. Бундай асарларда акс этган ғоялар ёш авлодни буюк аجدодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялашда муҳим амалий аҳамият касб этади. Зеро, “Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг юксак гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий

ва диний илм-фан тараққийига улкан ҳисса бўлиб қўшилгани дунё жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда”¹.

Дунё адабиётшунослигида Ғарб ва Шарқ маданиятлараро мулоқоти, адабий анъаналарнинг ўзаро таъсири, бадиий маҳорат ва услуб масаласида бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, И.Гёте, К.Броккелманн, Ҳ.Вамбери, Э.Захау, Н.Конрад, В.Томашек, В.Жирмунский, Г.Штротмайер, А.Шиммель, Ш.Конерманн, М.Хартманн, К.Мартенс, Л.Левинсон, С.Пфайфер, Х.Лей, М.Правдин, Т.Нагель, З.Клайнмихел, И.Балдауф каби олимларнинг илмий изланишларида Ғарбу Шарқ адабий алоқалари, шарқнинг буюк сиймолари тасвири таҳлил ва талқин қилинган².

Ўзбек адабиётшунослигида Шарқнинг Ғарб илм-фани ривожига таъсири, Ғарб адабий контекстида буюк сиймолар талқини каби масалалар Ф.Сулаймонова, Н.Комилов, Ш.Каримов, Ҳ.Кароматов, М.Холбеков, Н.Отажонов, Ҳ.Болтабоев, У.Муҳибова, У.Сотимов, Б.Эрматов, Ф.Жўрақулов, О.Дадабоевлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ўз аксини топган³. Хусусан, Ф.Сулаймонова ва Н.Комиловлар ўз тадқиқотларида Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари, грек адабиётида Марказий Осиё мавзуси, буюк адиб Данте ижодига шарқнинг таъсири масалалари ҳамда мусиқа, рақс, меъморчилик соҳасидаги алоқалар, Европа адабиёти ва санъатида соҳибқирон Амир

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 04.08.2018.

² Hartmann M. Chagataisches. Materialien zu einer Geschichte der Sprachen und Literaturen des vorderen Orients. – Heidelberg: 1902, Brockelman K. Kaschgaris Wortschatz. – Leiden: 1928, Goethe J.W. Gedichte. – Moskau: Progress, 1980, Конрад Н.И. Запад и Восток. Статьи. – Москва: Наука, 1972. – 520 с, Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Ленинград: Наука, 1979. – 497 с, Pfeifer C.B. Heine und islamische Orient. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1990, Roemer H. Biruni in Deutschland. In: The Muslim East: studies in honour of Julius Germanus. – Budapest: 1970, Sachau E. Chronologie orientalischer Völker von Al-Biruni. – Leipzig: Otto Harrassowitz, 1923, Schimmel A. Im Reich der Großmoguln. C.H.Beck, – München: 2011, Conermann S. Das Mogulreich. – München: C.H.Beck, 2011. Strohmaier G. Al-Biruni. In den Gärten der Wissenschaft. – Leipzig: Reclam-Verlag, 1991, Strohmaier G. Avicenna. Broschiertes Buch, Auflage 2, – München. Beck, 2006, Martens K.K., Levinson L.S. Deutsche Literatur. – Moskau: Proswestschenie, 1971, Tomaschek W. Zentralasiatische Studien. – Wien: 1880. Ley H. Ibn Sina. In: Erhard Lange, Dietz. – Berlin: 1982.

³ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997, Комилов Н. Тафаккур қарвонлари, – Тошкент: Маънавият, 1999, Каримов Ш. Немис адабиёти тарихи. – Тошкент: 2010, Караматов Х. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии Кристофера Марло “Тамерлан Великий”. дисс...кан.фил.наук. – Ташкент: 1990, Холбеков М. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в аспекте перевода, критки и восприятия). дисс... канд. филол. наук. – Ташкент: 1991, Болтабоев Ҳ. Хорижда Бобуршунослик. –Тошкент: 2008. Мумтоз сўз қадри. – Тошкент: Адолат. 2004, Жўрақулов Ф. Абу Райхон Берунийнинг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросининг ғарб олимлари томонидан тадиқ этилиши. Фал.фан.ном. дисс... – Тошкент. 2007, Эрматов Б.С. Амир Темур Ғарбий Европа адиблари нигоҳида. – Тошкент: 2017, Дадабоев О. Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини. Фал.фан.док. (PhD) дисс... – Тошкент. 2019.

Темур образининг яратилиши, темурийлар ижодининг дунё адабиётидаги ўрни борасида кузатишлар олиб борганлар⁴.

Таъкидлаш лозимки, немисзабон адабиётларга Шарқ адабий анъаналарининг таъсири, уларнинг тадрижий такомили, немис адабиётида шарқнинг буюк сиймолари талқини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Қолаверса, Ибн Сино, ал Беруний, Амир Темур ва Бобур Мирзо ҳақида ёзилган тарихий-адабий, илмий, бадиий асарлардаги буюк алломалар образини яратиш йўлида тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин масаласини холисона ёритиш долзарб масалалардан биридир. Ўйлаймизки, ушбу монография бадиият илми оламидаги ана шундай бўшлиқларни имкон қадар тўлдиришига умид қиламиз.

⁴Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 415 б., Комилов Н. Тафаккур қарвонлари, – Тошкент: Маънавият, 1999. – 279 б.

I БОБ.

БАДИЙ АДАБИЁТДА ҒАРБ ВА ШАРҚ МУНОСАБАТЛАРИ ГЕНЕЗИСИ

Х-ХII асрлардаги Шарқ ва Ғарб маданий алоқалари таъсирида Ўрта аср Европа Уйғониш даври маданияти шаклланди ҳамда ривожланди. Бундай тараққиётда Шарқ фалсафаси, илм-фани ва маданияти катта ўрин эгаллади.

Шарқ ва Ғарб адабий таъсир масалалари хусусида сўз кетганда, йирик шарқшунос олим В.М.Жирмунскийнинг фикрларига суяниш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Олим ўрта асрлар Ғарб адабиётининг шаклланишида бевосита Шарқ адабий анъаналарининг таъсирини алоҳида эътироф этган.⁵ Жумладан, муаллиф икки қутб ўртасида азалдан шаклланган иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва маданий алоқаларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, ўзаро таъсир жараёнлари нафақат иқтисодий, ҳарбий-сиёсий, балки адабий йўналишда ҳам амалга ошганлигини В.М.Жирмунский инкор этмайди.

Шарқ илмий-маданий ютуқларини тарқатишда, аввало, савдогарлар, Шарқ ва Ғарб ўртасида воситачилик қилувчи яҳудийлар ва арманлар, шунингдек, мусулмон мамлакатларидаги христианлар ҳам муҳим рол ўйнаган. Шарқ илм-фани, адабиёти ва маданияти таъсирининг Ғарбда тарқалишида асосий омиллардан бири Араб Испанияси – Андалусия ва Сицилияда мусулмон маданиятининг оммалашуви бўлса, иккинчиси Европада XI асрнинг охирларида бошланган салб юришлари натижасидир.

Немис адиби Фирдрих Шиллер салб юришлари Ўрта аср зулмати, жаҳолатининг маҳсули бўлиш билан, шу жаҳолатни бартараф этувчи “дастлабки нур”, деган фикрга келади. Шоирнинг фикрича, салб юришлари ортидан савдогарлар йўлга тушадилар ҳамда “Ғарб ва Шарқ ўртасида кўприк ҳосил қиладилар”.⁶

⁵ Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Ленинград: Наука, 1979. – С. 55-56.

⁶ Schiller F. Ueber Voelkerwanderung, Kreuzzuege und Mittelalter, Bd, XIV. – Leipzig-Wien: 1895. – S. 208.

1.1. Немисзабон адабиётда Шарқ адабий анъаналарининг тадрижий такомил

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар адабий жараёнларнинг ривожланишига ҳам замин ҳозирлади. “Минг бир кеча”, “Калила ва Димна”, “Тўтинома” сингари насрий асарларнинг таржима этилиши испанча, итальянча дидактик китоблар яратилишига, новелла жанрининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатди.

Немис олими Х.Хердер эса Шарқ адабиётининг Ғарб адабиётига таъсири борасида шундай дейди: “Ҳинд ва Эрон афсоналаридан араблар ва улардан христиан халқлари романларига ўтган парилар образи, “1001 кеча” қиссалари, ғарбликларга нозик маъноларни, ҳақиқатни ҳаёлий либосга ўраб ифодалаш, ҳаётий ҳикматларни заргарона тарашлаб тақдим этиш, завқ-шавқли дамларни бекорга ўтказмаслик йўлини ўргатди”.⁷

Германияда Ўрта асрлар адабиётининг равақ топиши 1170 йилдан 1230 йилгача бўлган даврга тўғри келади, чунки бу даврда немис халқининг Ҳайнрих Фелдеке, Готфрид Страсбург, Вольфрам Эшенбах, Хартман фон Ауе, Вальтер фон дер Фогельвайде каби машҳур адиблари яшаганлар ва ижод қилганлар. Айнан шу даврда немис адабиёти шаклланди⁸ ва уларнинг “Эней ҳақида қўшиқ” (Ҳайнрих Фелдеке), “Тристан ва Изольда” (Готфрид Страсбург), “Парцифал” (Вольфрам Эшенбах), “Бечора Ҳайнрих” (Хартман фон Ауе), “Миннезанг” (Валтер фон дер Фогельвайде) каби ўлмас асарлари яратилди.

XII асрнинг охирида эса рицарлик адабиёти, куртуаз романлар ёзиш тараққий эта бошлади. Бу усулдаги романларнинг илк намуналари дастлаб Францияда яратилган эди. Жанубий Франция ўша даврда Ғарб мамлакатлари орасида ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланиши билан олдинги қаторларда турарди. Бу юрт адабиётининг таъсири Германияда феодал жамият билан биргаликда рицарлик шеъриятини ҳам шакллантирди. Жанубий ва шимолий Франция рицарлик шеърияти ўзининг мазмуни ва шаклини биров ўзгартирган ҳолда немис шеъриятига кириб келди.

Рицарлик адабиёти, шу жумладан, рицарлик шеърияти даставвал Провансда шаклланган бўлиб, шоирлар асар тили ва услубига катта аҳамият берадилар ва шеърда вулгаризмлар ишлатмайдилар. Бу ўлка

⁷ Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Тошкент: 1999. – Б. 62.

⁸ Каримов Ш. Немис адабиёти тарихи. – Тошкент: 2010. – Б. 27.

шоирлари трубадур ёки трувер деб аталганлар, асарларининг асосий мазмунини махбубанинг гўзаллиги, олий инсоний хусусиятлари, ошиқ шоирнинг дард-аламлари, садоқати, дўстлик ғоялари ташкил этади. Шундай қилиб Шарқ шеърлятига хос мотивлар ва сюжетлар аввал Франция сўнг Германияга йўл топди.⁹ Адабий таъсир натижасида рицарлик шеърлятида ҳам ишқ-муҳаббат бош мавзуга айланди.

XII-XIII асрларга келиб рицарлик адабиётида сарой поэзияси (муҳаббат қўшиқлари) ривожланди, унинг ўзига хос тармоғи рицарлик поэзияси бўлиб, бу немис адабиётида миннезанг (Minnesang) деб аталади. Миннезанг немис халқ қўшиқлари ва жанубий Франция трубадур шеърляти асосида яратилди. Илк миннезенгерлар трубадурлар бўлиб, улар Франциянинг жанубий ўлкаларида пайдо бўлдилар. Кейинроқ эса шимолий Франция ўлкаларида Труверлар қўшиқлари яратилди. Трубадорлар ва труверлар таъсирида немисзабон ўлкаларда аввалига рицарлик, сўнг миннезанг қўшиқлари яратилди.

Фикримизча, миннезанг қўшиқларида севги-муҳаббат, маъшуқага содиқлик каби инсоний ҳис-туйғулар куйлангани учун ҳам немис поэзиясига Шарқ адабиётининг таъсири айнан миннезанг қўшиқларида ёрқин намоён бўлган, деб айтиш мумкин.

Фозила Сулаймонованинг тадқиқотларида ҳам Шарқ илм-фани, фалсафаси фақат Испанияга ўз таъсирини ўтказибгина қолмай, унга чегарадош Жанубий Францияга ҳам ўз таъсирини ўтказганлиги таъкидланади.¹⁰ Ўша давр ғарб ўлкаларида Шарқнинг таъсири фақат илм-фан, фалсафадагина эмас, адабиётда ҳам анча сезиларли бўлган. Европада дунёвий мазмундаги адабиёт даставвал Испанияда, аввал араб тилида, кейинчалик муламмаъ (Муламмаъ андин ибораттурким, шеърнинг бир қисми бир тилда ва бошқа қисми ўзга тилда бўлур¹¹) турида шаклланади. Бу шеърлар кўпинча зажал ва мувашшах жанрларида яратилган бўлиб, айниқса, зажал кенг ривож топган.

М.Пидалнинг фикрига кўра, шеъринг жанрининг бу тури X-XII асрларда Испания, Италия ҳамда Францияда кенг тараққий этган. Биринчи трубадур шоирлар Гилом IX, граф Пуату, герцог Аквитанский зажал жанридан баҳра олиб, ижод этганлар. Араблар боргунга қадар лирик шеърнинг бу тури Ғарбий Европада бўлмаган.¹²

⁹ Martens K.K., Levinson L.S. Deutsche Literatur. – Moskau: 1971. – S. 28.

¹⁰ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: 1997. – Б. 6.

¹¹ Атоуллоҳ Хусаиний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: 1981. – Б. 92.

¹² Менендес Пидаль. Избранные произведения (Испанская литература средних веков и эпохи Возрождения). – Москва: Иностранная литература 1961. – С. 484.

Ф.Сулаймонованинг фикрича, XVII-XVIII асрларда яшаб ижод этган европалик олимлар миллий тил ва дунёвий мазмундаги энг қадимий шеърият – провансал шеърияти араб Испаниясида кенг тарқалган шеърият таъсири остида шаклланган деган фикрни илгари сурадилар. А. Хюе “Оригинал романслар” 1693, Массис, “Француз поэзияси тарихи” 1739, Куадрио “Шеърият тарихи” 1749, Андре, “Адабиёт тарихи” 1808, Сисмонди, “Франция адабиёти тарихи” 1814, Женгене, “Италия адабиёти тарихи” 1811, ва Уартонларнинг “Инглиз шеърияти тарихи” 1824 каби асарларида Европада энг қадимий деб тан олинган прованс трубадурлари шеърияти ва цивилизацияси тўғридан-тўғри испан араблари таъсири остида келиб чиққан.¹³ Олима Шарқ ва Ғарб маданий алоқаларига оид тадқиқотлари ва кузатишлари натижасида прованс-рицарь шеъриятида ишқ-муҳаббат мавзуси Ибн Синонинг “Рисолаи фи-л-ишқ” асари таъсири остида юзага келганини, трубадурлар шеъриятида рицарлар шеърияти каби қайноқ ишқ-муҳаббат, жонли туйғу эмас, балки ақл билан уйлаб чиқарилган сунъий муҳаббат куйланганини, Прованс шеърияти Сицилияда худди шу даврда шаклланган маҳаллий тилдаги шеърият билан бир қаторда, шимолий Италияда вужудга келган “Янги ёқимли услуб” мактабига, кейинчалик эса буюк Алигъери Данте ижодий камолотига замин ҳозирлади. Данте эса, ўз навбатида, Европа халқлари адабиётининг кейинги даврларидаги ривожига туртки берганини таъкидлайди.

Бунинг ёрқин мисоли сифатида XIII асрнинг охирларида Провансда яратилган “Рисолаи ишқ” достонини олишимиз мумкин. Достон 34000 мисра бўлиб, муаллифи Матфре Эрменгау эди. Эрменгау достонида Ўрта асрлардаги табиат, дин, ахлоқ ҳақидаги тушунчаларни Ибн Синонинг рисоласида тсвирланган руҳий ва жисмоний ишқ ҳақидаги таълимот асосида баён этади. У Ибн Сино фикрини такрорлаб: “ишқ инсон танасининг эмас, руҳининг маҳсули”, - дейди. Муаллиф Ибн Синога эргашиб, жисмоний ишқ наботот ва ҳайвонот дунёсида ҳам бор. Агар шундай булмаса, ҳаёт тўхташи муқаррар эди, ишқ бутун борлиқ манбаи, уни ҳаракатга келтирувчи куч - ишқнинг олий тури руҳий (ахлоқий) ишқдир.¹⁴ Ҳақиқатан, Ибн Сино ишқнинг беш тури ҳақида ёзар экан, унинг энг олий тури “илоҳий руҳга эга бўлганлар ишқи” (яъни руҳий яқинлик бўлган шахслар ўртасидаги муҳаббат) деб таъкидлайди.¹⁵ Немис олими Г. Лей

¹³ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Б. 8.

¹⁴ Шишмарев В.Ф. К. Истории любовных теорий... – С. 203.

¹⁵ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Б. 336.

ҳам “Ишқ тушунчаси, ишқни руҳий ва жисмоний турларга ажратиш” Авиценнанинг “Ишқ рисоласи” таъсирида шаклланган, – деб ёзади.¹⁶

Прованс шоирларининг фикрича, ошиқ одам ҳеч қачон ёмон ниятлар ва ёмон ишларни қилмайди, аксинча, ҳамма вақт олийҳиммат бўлишга интилади. Бу жиҳатдан прованс трубадурларининг ишқ фазилатлари ҳақидаги фикрлари Шарқ файласуфлари қарашларига ҳамоҳангдир. Шунинг учун ҳам трубадурлар шеърятининг севгига садоқат, беғараз ва фидойи ишқ, вафо ва олижанобликни улуғлаш каби ғоялари – Шарқ адабиётидан илҳом олган, деб бемалол айта оламиз.

Шарқ шеъряти анъаналарининг ғарб адабий анъаналарига таъсирини француз адабиётшуноси ва шоири Анри Делю ҳам таъкидлайди. Унинг фикрича, Ўрта Осиёнинг шеърӣ анъаналари араб шарқи, кейинчалик араб-андалуз ва галисия-португал шеъряти орқали Ғарбий Европа цивилизациясининг бешиги бўлган Провансга келган, уни трубадурлар ривожлантирган, бойитган ва кейинчалик ғазал Каталония, Сицилия, Бургундия ва ундан кейин Германия, Бавария, Австрияда миннезанглар¹⁷ ижодида намоён бўлган.

Юқоридаги фикрларга таяниб, прованс трубадурлари ишқӣ лирикасининг мазмуни, шакли, услуби Шарқ шеъряти асосида шаклланган, десак, муболаға бўлмайди. Провансдаги рицарлик шеъряти, кейинроқ немис миннезанг кўшиқлари араб шеъряти қонуниятлари асосида шаклланди. Буни қуйидаги миннезанг кўшиғида кузатиш мумкин:

Wohl mich der Stunde (Walter von der Vogelweide)¹⁸

Glücklich die Stunde, als sie in mein Leben gekommen,
die mich an Körper und Seele bezwungen,
die all mein Denken und Fühlen genommen
und mich hat mit ihrem Wesen durchdrungen,
dass ich allein ohne sie nicht bestehen kann.
Das hat ihre Schönheit und ihr inneres Wesen gemacht
und ihr roter Mund, der so lieblich lacht.

Таржимаси:

Ҳаётимга кириб келганида у
Бутун борлиғимни банд этди,
Туйғуларим, хаёлимни асир этди у,

¹⁶ Лей Г. Очерки истории ... – С. 227

¹⁷ Правалов И. Узбекские газели до Прованса. – Богемии: Литературная газета. 1991, №23.

¹⁸ Vogelweide W. praesentiert von www.minnesang.com

Тану жонимиз уйғундир бугун,
Ҳаётимга кириб келганида у.

Усиз энди яшамоқ мушкул.

Сурати ҳам сийрати-ла маҳв айлади

Ол лаъли табассум қилганда буткул.

Ich habe Herz, Mut und Sinne gewendet

hin an die Reine, die Liebe, die Gute.

Dass es uns beiden im Glück werd' vollendet,

was ich auch wage zu hoffen von ihrem beständigen Mute.

Was ich an Freuden nur auf dieser Welt je gewann,

das hat ihre Schönheit und ihr inneres Wesen gemacht

und ihr roter Mund, der so lieblich lacht.

Таржимаси:

Софлик, эзгуликка чулғанди,

Юрагим, ақл, туйғу бардошим.

Севгилим қолгайдир шундай бокира,

Яшармиз икковлон дунёда мамнун.

Сурати ҳам сийрати-ла маҳв айлади

Ол лаъли табассум қилганда буткул. (Таржимон – Ў.Нурматов)

Шеърнинг вазни, шаклидан қўшиқ қилиб айтишга мослангани кўриниб турибди. Шеърнинг биринчи мисрасида ёрга ошиқлик, бутун бир вужуд билан эканлиги куйланса, иккинчи мисрада эса рухий(илохий) ишқ гавдаланмоқда. Шеър нақоратида лаблар табассуми – қирмизи гулдек тасвирланмоқда. Бу каби мотивлар, албатта, Шарқ шеърлятига хосдир. Бундай ташбеҳлар рицарлик адабиётида авваллари учрамаган, олдинроқ рицарлик адабиётининг асосий, бош ғоялари бу – рицарнинг кучи ва ғалабасини ифодалашга қаратилган туйғулардан иборат бўлган.

Шарқ адабий анъаналарини немис халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам учратишимиз мумкин. XII асрда рицарлик адабиёти билан параллел равишда немис қаҳрамонлик эпослари ҳам шаклланиб борди. Немис халқининг “Нибелунглар кўшиғи” номли қаҳрамонлик эпосида учрайдиган айрим мотивлар Шарқ халқлари эпосларидаги тасвирларни эслатади.

В.М.Жирмунский Шарқ ва Ғарб қаҳрамонлик достонлари ўртасидаги ғоявий уйғунлик, сюжет ва мотивлар муштараклиги ҳақида тўхталар экан, асосий эътиборни немисларнинг “Нибелунглар кўшиғи” ва ўзбекларнинг “Алпомиш” достонларидаги умумий жиҳатларни тегишли мисоллар ёрдамида кўрсатиб беради. “Ҳинд-

Европа халқларида Зигфрид, Ахил – Фирдавсий “Шоҳнома”сидаги Исфандиёр образлари ҳатти-ҳаракатлари ўхшашлигини мисоллар ёрдамида очиб беради. Жумладан, ғайритабiiй туғилиш, ғайриоддий улғайиш, болаликдаги илк қаҳрамонликлар, бўлажак умр йўлдошини ахтариб узоқ сафарга отланиш, ўз юртини ёвуз душман тажовуздан ҳимоя қилиш қаҳрамонларнинг барчасига бирдек тегишли бўлган характерли ҳолатлардир”.¹⁹

Немис олими Т.Фрингс “Нибелунглар қўшиғи” ва “Алпомиш” достонидаги мотивларни тадқиқ²⁰ қиларкан, у ҳар икки достонда учрайдиган совчиликка бориш мотиви айнан бир хил эканлигини ва бу мотив Ғарб достончилигига бевосита Шарқдан кириб борганлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, шарқона совчиликка бориш шакли Россия орқали бир томондан қуйи Рейн ўлкаларига, иккинчи томондан эса Рейннинг жанубий ўлкаларига кириб борган ва Рейн ҳавзасида вужудга келган қаҳрамонлик эпослари сюжетида унинг олган. Бўлажак қаллиқни бу йўсинда қўлга киритиш XII аср немис қаҳрамонлик эпосларида кенг тарқалган.

Тадқиқотчи Элмира Зиятдинова ҳам немис ва ўзбек халқлари қаҳрамонлик эпосларидаги ўхшаш мотивларни таҳлил қилар экан, “Нибелунглар қўшиғи” ва “Алпомиш” достонидаги қаҳрамонларнинг асирга тушиши, ёлғон таклиф ва совчиликка бориш каби мотивлар айнан ўхшаш эканлигини кўрсатиб беради.²¹

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, немис адабиётига Шарқ адабий анъаналарининг кириб бориши ҳам оғзаки, ҳам ёзма адабиётда айнан XII асрлардан, яъни “Нибелунглар қўшиғи” ва рицарлик адабиётидан бошланган дейиш мумкин.

Тарихдан маълумки, Германия XVIII асрга қадар 350 дан ортиқ феодал давлатларга бўлинган эди. Миллий бирликнинг йўқлиги миллий адабиётнинг ривожланишига ҳам монелик қилар эди. Немис адабиётида XV асрнинг иккинчи ярмидан том маънода уйғониш даври бошланди. Худди шу даврда З.Брант, У.Хуттен, Э.Роттердам, М.Лютер каби немис адабиётининг илғор вакиллари ижод қилдилар. XVI асрда Мартин Лютер (Martin Lueter, 1483-1546) ўзининг тилга оид ислохотлари билан немис адабий тилига асос солди.

Маълумки, адабий жанрлар орасида эртак барча халқлар адабиётида, хусусан, немис адабиётида ҳам кенг тарқалган. Немис

¹⁹ Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – С. 56.

²⁰ Frings T. Die Entstehung der deutschen Spielmannsepen. 2. Auflage. – Leipzig: 1940. – S. 86.

²¹ Ziyatdinova E. Vergleichende Untersuchungen Nibelungenlied und zum zentralasiatischen Epos Alpamys. Inaugural-Dissertation zur Erlangung der Doktorwurde. – Bonn: 2005. – S. 337.

адабиётида эртак алоҳида адабий жанр сифатида, асосан, XVIII асрга келиб шаклланди. Бу жараён бевосита “Минг бир кеча” тукумидаги эртакларнинг француз тили орқали олмон тилига кириб келиши ва омма орасида катта қизиқиш уйғотиши билан изоҳланади.

Немис эртакшунос олими Макс Лютининг фикрича, шарқона ҳикоялар (эртаклар) салб юришлари оқибатида Византия ва Испания орқали Европага кириб келди. Ҳинд эртакларидан “Панчататра” ўзининг арабча “Калила ва Димна” номи билан бутун Европада машҳур бўлди. Бундай ҳикоялар Ўрта асрлар Европа адабиётига кескин таъсир ўтказди. Улардаги ҳаёлий севги-муҳаббат ҳақидаги тушунчалар рицарлик кўшиқлари ва Артур ҳақидаги эпосларда акс эта бошлади. Шарқ эртакларига хос бўлган сеҳрли туғилиш, сирли ғойиб бўлиш, хавфли топшириқ, беғараз ёрдам, тақдирлаш, жазолаш, таъқиқ ва унинг бузилиши каби мотивларни кўплаб Европа эртакларида ҳам учратиш мумкин.²²

“Минг бир кеча” эртаклари Европа тилларига, дастлаб 1704-1706 йилларда Жан Антуан Галланд томонидан француз тилига таржима қилинган ва омма орасида катта шов-шувга сабаб бўлган. Бу асарнинг нечоғлик муваффақият қозонганлигини унинг тез орада бутун Европа бўйлаб тарқалганлигида яққол кўриш мумкин. Асар 1706 йилда инглиз тилига, 1711 йилда Таландер таҳаллуси билан танилган Август Бохзе томонидан олмон тилига таржима қилинган. Сўнгра асар итальян тилига (1722), голланд тилига (1732), дания тилига (1745) ва рус тилига (1763) таржима қилинади. Тадқиқотчи Зоҳид Турсуновнинг фикрига кўра, Галанд бу эртакларни XIV асрга тааллуқли араб қўлёзмасидан ҳамда бир суриялик кишидан ёзиб олиб таржима қилган.²³

Шарқ халқ эртакларининг олмон эртакларига таъсирини ака-ука Гриммлар эртакларида учрайдиган мотивларда ҳам кўришимиз мумкин. “Олтин соч бола” (“Goldhaarige Junglinge”), “Бременлик машшоқлар” (“Bremer Stadtmusikanten”) каби халқ эртаклари ўзининг образлар тизими, сюжети ва мотивлар силсиласи бўйича ўзбек халқ эртакларига ўхшаб кетади. Масалан, немисларнинг “Бременлик машшоқлар” (Bremer Stadtmusikanten)” эртагидаги аксарият образлар ва уларнинг сюжет чизиғидаги вазифалари ўзбекларнинг “Сусамбил” эртагига кўп жиҳатдан мос келади. Немис эртагидаги эшак ва хўроз образлари ҳар икки халқ эртагида ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг

²² Luethi M. Maerchen. Neuente Auflage. – Stuttgart: J.B.Metzler 1996. – S. 44.

²³ Турсунов З. Немис ва ўзбек халқ эртакларида муштараклик (Мақолалар тўплами). – Наманган: 2003. – Б. 136.

душмандан кутулиш мотивидаги функцияси бир-бирига ўхшаб кетади. Ва, энг муҳими, ҳар икки халқ эртагида ҳам ҳайвонлар ўзлари билмаган ҳолатда душманни жазолайдилар. Шу тариқа дўстлик ва ҳамжиҳатлик зулмни енгиши кўрсатилади.

В.М.Жирмунский эртакларнинг бир халқдан иккинчисига ўтиб боришини бир томондан жуғрофий ва тарихий нуқтаи назардан мустақил шаклланишга эга бўлган сеҳрли ва ҳажвий эртаклар мазмунининг ўзига хослиги билан изоҳласа, иккинчи томондан унинг ўзига хос мослашувчан ҳикоя қилиб бериш услуби билан асослайди. Айниқса, Европа ва Осиё халқларининг сеҳрли эртаклари, ҳайвонлар ҳақидаги эртаклари ва ҳажвий эртаклари сюжетлари халқаро характер касб этишини таъкидлайди.²⁴

Фикримизга кўра, немис ва Шарқ эртакларининг ўхшаш томони ҳар икки халқ эртакларининг мавзу ва образлар тизими уйғунлиги, воқеабандлиги, воқеаларнинг ривожланиши, ечими, қаҳрамонларнинг феъл-атворлари, фантастик тўқимада намоён бўлади. Фарқли томони шундаки, икки халққа хос анъана ва миллий колорит фалсафий-эстетик қарашларда намоён бўлади. Бир-биридан жуғрофий ва маданий жиҳатидан йироқ халқлар ҳикояларидаги бундай ўхшашликларнинг замирида, албатта, Шарқ ва Ғарб ўртасида азалдан шаклланиб келган маданий ва иқтисодий алоқалар ётади.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, Германияда маърифатпарварлик ҳаракати вужудга келди ва бу даврда немис халқининг Г.Лессинг, Й.Гёте, Х.Хайне, Ф.Шиллер каби буюк адиблари ва драматурглари яшаб ижод қилдилар. Улар немис адабиётининг шаклланишига улкан ҳисса қўшдилар. Хусусан, Й.В.Гёте ўзининг “Фауст” (“Faust”, 1831), “Ёш Вертернинг изтироблари” (“Die Leiden des jungen Werther”, 1774), “Ғарбу Шарқ девони” (“West-Oestlicher Diwan”, 1819) каби асарлари билан нафақат немис адабиёти хазинасига, балки жаҳон адабиёти хазинасига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Бизга маълумки, немис шоири Й.В.Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони” том маънода Шарқ адабиётининг Ғарб адабиётига яққол таъсирини кўрсатиб берган бадиий асардир. Гёте шеъриятига шарқнинг Ҳофиз, Низомий, Фирдавсий, Саъдий каби буюк шоирлари сезиларли таъсир кўрсатган.²⁵ XVIII асрда Ҳофиз Шерозий шеърларининг шуҳрати Шарқдагина эмас, Европада ҳам кенг тарқалган эди. XVIII асрнинг

²⁴ Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – С. 66-68.

²⁵ Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. – Тошкент: 1987. – Б. 75.

охирларида Ҳофиз шеъриятининг ҳаётбахш оҳанглари Европагача етиб бориб, шоирлар, файласуфларнинг диққатини ўзига жалб этади.

Ҳофиз ғазалларида тараннум этилган инсонпарварлик, мавжуд ижтимоий тузумга ғазаб-нафрат, гўзалликка, яшашга муҳаббат, ҳақиқий инсоний севги Гётега кучли таъсир этади ва натижада у 1814-16 йилларда “Ғарбу Шарқ девони” (“West-Oestlicher Diwan”) номи билан алоҳида асар яратади. Гёте ўз девонидан ўрин олган шеърларида Ҳофиз яратган образлардан ҳамда унинг ижтимоий-фалсафий фикрларидан кенг фойдаланди. Девондаги бўлимларнинг деярли барчасида Ҳофиз шеъриятининг таъсирини кўриш мумкин.

М; “Зулайҳонома”да

Haett ich irgend wohl Bedenken,
Balch, Bochara, Samarkand,
Suesses Liebchen, dir zu schenken,
Dieser Staedte Rausch und Tand?
Aber frag einmal den Kaiser,
Ob er dir die Staedte gibt?
Er ist herrlicher und weiser;
Doch er weiss nicht, wie man liebt.²⁶

Агар менда бўлсайди Балх, Бухоро, Самарқанд,
Совға қилган бўлардим сендек гўзалга.

Лек сўраб кўрчи ҳукмдордан, берармикин шаҳарларин

У доно ва ақлли, лек билмас қандай севишни. (*Таржима бизники* – А.Т.)

Юқоридаги тўртликдан немис шоирини Ҳофизга тақлидан шеърлар ёзганлигини англаб олиш қийин эмас.

Н.Комилов таъкидлаганидек, Гёте буюк форс шоирининг машҳур ғазалларини мутоала қилиб, ниҳоятда таъсирланганидан ўзини Шероз булбулининг муриди, деб эълон қилади. Унинг наздида Шарқ шеърляти, Фирдавсий, Румий, Саъдий, Ҳофиз ижоди – “Хизр чашмаси”. У ҳамиша мусаффо ва равон, ундан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Бу руҳ ва ижод манбаи, севги ва қўшиқ салтанати... У Ҳофиз орқали бутун Шарққа бир умр муҳаббат боғлаб, ўз девонида дунё бирлигини куйлайди.²⁷

²⁶ Goethe J.W. Gedichte. – Moskau: 1980. – S. 249.

²⁷ Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Б. 13.

Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий ижодининг немис адабиёти ёхуд немис адиблари ижодига таъсирини Ҳайнрих Ҳайне ижодида ҳам кузатишимиз мумкин.

Х.Ҳайне XIX аср немис адабиётининг йирик намояндаси, романтизм адабиётининг фаол тарғиботчиси хисобланади. Унинг “Қўшиқлар китоби” (“Buch der Lieder”, 1827), “Харц саёҳати” (“Harzreise”, 1826), “Германия қиш эртаги” (“Wintermaerchen Deutschland”, 1844)” каби шеърӣ тўпламлари немис поэзиясига салмоқли ҳисса қўшган.

Х.Ҳайне талабалик йилларидаёқ Ҳофиз шеърларини мухлисига айланади ва унинг ижодидан озиқланади. Форс шеърӣти мотивларига хос бўлган Гул ва Булбул жуфтлиги Ҳайне шеърларининг бош образи саналади. Гул ва булбул образи орқали воқеликнинг образли ифодалаш Ҳайненинг нафақат шеърларида, балки бутун бир ижодида, драмаларида ҳам намоён бўлади. У ўз асарларида жуфтлик образи орқали сиёсий, диний ва адабий жараёнларни тасвирлайди. Гул ва булбул образида гўзаллик, муҳаббат, киноя, ҳазил, уйғониш ва янгиланиш каби ғояларни илгари суради.

Шарқ мамлакатлари ва, айниқса, аёлларининг гўзаллиги, хулқ-атвори Ҳайне ижодидан муносиб ўрин эгаллаган ва уни ҳар доим ўзига ром этган. Ҳофиз ва Ҳайне ижодларида гул – аёл образи, унинг тақдири муҳаббатга тўла ифодаланади. Бу образ орқали улар аёл қисматини тасвирлашади.

Шоир ҳар доим Шарқ мамлакатларига саёҳат қилишни ва у ерда яшашни орзу қилган. Унинг Шарқ ўлкаларига сафари ҳақидаги орзулари 1824 йил январь ойида дўсти Мозерга ёзган хатида яққол кўзга ташланади. Шоир бу хатида, ўзининг немис шоири эканидан ҳафалиги, немис тилида ёзишдан чарчаганини, форс шоири бўлишни истагини ва бу қисматдан норози эканини ёзади. (Das Licht ist tief herabgebrannt, es ist spaet, und ich bin zu schlaefrig, um deutsch zu schreiben. Eigentlich bin ich auch kein Deutscher, wie du wohl weißt. Ich wuerde mir auch nichts darauf einbilden, wenn ich ein Deutscher waere. Es gibt nur drei gebildete, zivilisierte Voelker: die Franzosen, Chinesen und die Perser. Ich bin stolz darauf, ein Perser zu sein. Das ich deutsche Verse mache, hat seine eigene Bewandtnis... Ach! Wie sehne ich mich nach Ispahan! Ach, ich armer bin fern von seinen lieblichen Minaretten und duftigen Garten!)”²⁸ Шоирнинг юқоридаги сўзларидан унинг Шарққа

²⁸ Pfeifer C.B. Heine und islamische Orient. – S. 7.

қанчалик меҳр қўйганини, ҳаттоки ўзини форс шоири деб аташида кўришимиз мумкин.

Ҳ.Ҳайне соф инсоний муҳаббатни, самимий ҳис-туйғуларни, гўзал табиатни юксак маҳорат билан тараннум этган. Халқчиллик, инсонпарварлик, бадиийлик унинг шеъриятига хос хусусиятлардир.

XVIII-XIX асрга келиб Германияда илм-фан, санъат, адабиёт ривожланиб борди. Ҳудди шу даврда немис олимлари ўртасида Шарқ илм-фани ва адабиётини ўрганишга катта аҳамият берилди бошланди. Энди Шарқ мавзуси немис адабиётининг барча соҳаларида кўзга ташланарди.

XVIII асрда Германияда нафақат шарқшунослик, балки туркология ҳам шаклланди. Бу йўналишда Й.Б.Падеста (1625-1703), Я.Валленбург (1763-1806), И.Бреннер (1772-1849), В.Розенцвайг (1791-1865), А.Аколутус (1654-1704), Й.Клодиус (1676-1704) ва бошқа кўплаб олим ва шоирлар фаолият олиб бордилар. XIX асрда Лейпциг туркология мактаби шаклланди. У ерда Шарқ тиллари мутахассислари форс, араб, турк ва қадимги ҳинд тили билан шуғулланганлар ва ижод қилганлар. Улар Марказий Осиё буюк алломаларининг илмий меросини ўрганишга киришдилар. Айниқса, бу жараён XIX асрнинг иккинчи ярмидан яна кенг қамровда давом этди. Хусусан, Э.Захау, Х.Вамбери, В.Радлов, А.Зайдел ва бошқа немисзабон адабиёт вакиллари, нафақат Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий илмий меросини, балки туркий халқлар адабиёти ва маданиятини ўргана бошладилар. Улар немис ўқувчиларига шарқ адабиёти, хусусан, ўзбек адабиёти намуналарини аслиятда ўқишга ундадилар ва туркий тилларни ўрганиш учун дарсликлар яратдилар.

Немисзабон ўлкаларда туркий халқларни танитишда, шубҳасиз, венгер олими Ҳерман Вамберининг хизматлари беқиёсдир. Вамберигача Европада ўзбек тили ва адабиётига оид мукамал асар яратилмаган. Олим 1867 йил Лейпцигда “Чигатой тили дарслиги” (“Chagataische Sprachstudien”) ²⁹ни нашр эттиради. Бу китоб тадқиқот, хрестоматия ва луғат қисмлардан иборат.

Маълумки, Вамбери 1862-1865 йилларда Марказий Осиёга, хусусан, Бухоро, Хоразм, Самарқандга саёҳат қилади ва саёҳати давомида маҳаллий халқларнинг ҳаёти, турмуш-тарзи, маросимлари, урф-одатлари ва расм-русумларига оид кўплаб материаллар тўплайди. Ҳерман Вамбери “Чигатой тили дарслиги”нинг (Ўзбек-турк тилини

²⁹ Vambéry H. Chagataische Sprachstudien. – Leipzig: 1867.

Вамбери чигатой тили деб атайди ва олимнинг бу хатоси немисзабон адабиётларда 20-асрнинг бошларигача ўзбек тилини шундай аталишига сабаб бўлади - А.Т) кириш қисмида бу асарни асосан ўзининг Ўрта Осиёга қилган саёҳати пайтида тўплаган ва Европага олиб кетилган қўлёзмалар ва материаллар асосида чигатой тилини ўрганишни истаганлар учун ёзганини таъкидлайди. Мазкур китобда туркий халқлар ҳаётига оид мақолалар ва фикрлар келтирилади. Чигатой тили дарслигида “Юсуф билан Аҳмад”, “Бахши китоби”, “Зарқум”, “Тоҳир ва Зухра”, “Ойсанам – Шоҳсанам”, “Хурлиқо ва Ҳамро”, “Ошиқ Ойдин”, “Хирмон Дали”, “Саид баттол”, “Абу Муслим” каби бадий ва бир қатор тарихий асарларга умумий тавсиф берилади, бир қанча туркий халқлар (ўзбек, туркман, қозоқ) ижодига доир айрим адабий парчалар қиёсий текширилади. Китобда кўплаб ўзбек халқ мақоллари ва шеърларининг таржимаси берилади. Бир сўз билан айтанда, Ҳерман Вамберининг мазкур китоби ўзбек тилини Европада, айниқса, Германияда танилишида асосий қўлланма бўлди.

Ҳ.Вамберидан кейин ҳам немисзабон ўлкаларда ўзбек тилига оид дарсликлар яратиш анъанаси давом этди. 1880 йил австриялик шарқшунос олим В.Томашек “Марказий Осиё сабоқлари” (“Zentralasiatische Studien”) ³⁰ номли китобини, 1902 йил эса М.Хартманн ўзбек тилини ўрганувчилар учун “Чигатой тили” (“Chagataisches”) ³¹ дарслигини чоп эттирди. Мазур дарсликлар туркий тилда яратилган бошқа кўплаб адабиётларни ўрганиш учун асосий манба сифатида хизмат қилди.

XX асрнинг бошларида ислом фалсафаси, араб, турк ва форс филологияси мутахассиси Карл Брокельманн Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғат ат-турк” асарини немисзабон халқларга етказиш учун “Кошғарий луғати” (“Kaschgaris Wortschatz”) ³² номли қўлланма яратди. Китобнинг хрестоматия қисмида грамматик ва услубий қоидаларни мустаҳкамлаш учун “Девони луғат ат-турк”дан кўплаб намуналар берилган. Олим ижодий фаолияти давомида туркий тилларда тўплаган тил ва адабиётга оид материалларини жамлаб, 1954 йил “Ўрта Осиё ислом адабий тилининг шарқий турк тили грамматикаси” (“Osttuerkische Grammatik der islamischen

³⁰ Tomaschek W. Zentralasiatische Studien. – Wien: 1880.

³¹ Hartmann M. Chagataisches. Materialien zu einer Geschichte der Sprachen und Literaturen des vorderen Orients. – Heidelberg: 1902.

³² Brokelman K. Kaschgaris Wortschatz. – Leiden: 1928.

Literaturesprachen Mittelasians)“³³ номли асарини немис халқига ҳавола қилди.³⁴

Бугунга келиб замонавий немис шарқшунослигида Шарқ мамлакатлари илм-фани ва адабиётига қизиқиш, уларни кенг тадқиқ этиш ишлари тобора авж олиб бормоқда. Бу соҳада заҳматкаш олима Анна Мария Шиммел хонимнинг хизматлари беқиёсдир. Шиммел хоним машҳур исломшунос олима, у талабалик йилларида ўзбек тилини ҳам ўрганади. Олима ўз фаолияти давомида Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Покистон мусулмонлари маданиятини ўрганиб, улар ҳақида кўплаб асарлар яратган ва таржималарни амалга оширган. Унинг “Жонон менинг жонимда”, “Муҳаммадун Расулоллоҳ”, “Буюк Бобурийлар салтанатида”, “Ғарб ва Шарқ” каби асарлари Шарқнинг Ғарбга таъсирини яққол намунасидир. Олима ҳамиша Шарқнинг Ғарбга таъсири катта бўлганлигини таъкидлайди. Бу борада олиманинг дўстлари билан бўлган кичик бир суҳбатни келтиримоқчимиз. – “Биласизми? араблар бўлмаганда бизда мана бу диван (олмон тилида “зофа”, араб тилида “суффа”) ҳам, агар турклар бўлмаганда қаҳва ҳам бўлмасди. Ва агар кечкурун ётаётганингизда “пижама”нингизни кийсангиз, билингки, бу сўз форсча “пойжома”дан ясалган. Шарқнинг асарлар давомида Европага таъсири тўғрисидаги мисолларни ҳали кўплаб келтиришим мумкин. Шарқона расм-русмларга биноан сизга бир пиёла лимон шарбати (лимонен сорбет)дан куйиб берайми? Зеро, лимон ҳам, шарбат ҳам бизга Шарқдан келган”³⁵

Фикримизга кўра, Германияда яратилган дарсликлар, тарихий-адабий ва бадий асарлар натижасида немислар, биринчидан, шарқ халқлари, хусусан, туркий халқлар адабиёти намуналарини аслиятда мутоала қилиш ва ўрганиш имконига эга бўлдилар, иккинчидан, немис тили лексикаси диван (Sofa), қаҳва (Kafee), ғазал (Gazel), ҳарам (Harem) каби кўплаб сўзлар билан бойиди, учинчидан, Шарқ мавзусига бағишланган илмий-адабий асарлар ва бадий таржималар орқали немис адабиёти “Ғарбу Шарқ девони” (Й.Гёте), “Алмонзор” (Ҳ.Ҳайне), “Бобур – йўлбарс” (Ф.Вёртле), “Жонон менинг жонимда” (А.Шиммел), “Илм гулшанида” (Г.Штромайер), “Шарқ халқлари хронологияси” (Э.Захау), “Тошкентлик севишганлар” (А.Шпехт томонидан таржима қилинган Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”

³³ Brokelman K. Osttuerkische Grammatik der islamischen Literaturesprachen Mittelasians. – Leiden: 1928.


³⁴ Тоджиходжаев М. Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. – Тошкент: 2016. – Б. 13.

³⁵ Мозийдан садо. – Тошкент: (9) 2004. – Б. 23-24.

романининг немисча номи), “Буюк мўғуллар” (Ш.Конерманн) ва бошқа юзлаб асарлар билан бойиди.

XX асрни Ғарбу Шарқ адабий алоқаларининг юксак чўққиси деб аташ мумкин. XX асрга келиб Шарқ халқлари илм-фани, адабиёти, санъати, турмуш тарзини ўрганиш барча Европа мамлакатларида авж олди. Хусусан, французлар, инглизлар ва, албатта, немислар ҳам бу борада арзирли ишлар олиб бордилар. Германия (Бонн)да шарқшунослик бўйича илмий марказлар (Беруний илмий маркази), илмий текшириш институтлари (Лейпциг, Берлин)да туркология бўлимлари ташкил қилинди, махсус журналлар(Tuekische Turfantexte, Islamica) чоп этилди. Бу даврга келиб Шарқ адабиёти, айниқса, туркий халқлар адабиёти намуналарини ўрганиш, уларни немис тилига таржима қилиш ва янги асарлар яратиш ишларига алоҳида аҳамият қаратилди. Бу борада М.Хартманн, Х.Рўмер, Ф.Шварц, П.Зелигер, А.Габайн, Я.Экманн, Я.Таубе, В.Штаммлер, К.Райхл, К.Шёниг, Б.Келлнер, З.Клайнмихел, И.Балдауф, Б.Хайнкеле, А.Шиммел, М.Кирхнер, С.Конерманн, Ф.Торма, М.Эрдал ва бошқа кўплаб олимлар самарали илмий ишларни олиб бордилар. Улар юртимизнинг буюк алломалари асарларини, халқимизнинг оғзаки ижод намуналарини ўз тилларига таржима қилдилар. Олиб борган тадқиқотлари натижасида илмий ва бадиий асарлар, рисоалар яратдилар. Бунда қуйидаги ижтимоий-иқтисодий, адабий алоқалар, экспедициялар, вақтли матбуот, ташкил қилинган шарқшунослик марказлари ва туркология бўлимлари каби омиллар муҳим рол ўйнади.

Шарқ адабиёти анъаналарини немис адабиётига таъсирини кўплаб мисолларда кўрсатиш мумкин. Статистик метод натижасида немисзабон адабиётда Шарқ адабий анъаналари таъсирида яратилган асарларнинг хронологик кўрсаткичи (XII-XXI асрлар) тузилди ва қуйидаги диаграммада ифодаланган. *1-диаграмма*. Бу диаграммага кўра XIX-XX асрларда энг кўп асарлар яратилган.



1.2. Тарихий бадиий прозада Марказий Осиёнинг буюк сиймолари

Маълум бир миллат қўлга киритган маданий бойлик шу миллатнинг ўз ҳудудида қолиб кетмасдан, балки турли воситалар, шароитлар, муносабатлар тақозасига кўра бошқа бир миллат маданий мулки ёки меросига ҳам айланиши мумкин. Маданий-адабий алоқалар туфайли дунё халқлари ғоявий жиҳатдан бўшлиқларни тўлдиради ва миллий муҳитга, миллий эҳтиёжга мослаб қайта яратади. Худди шу жараёнда миллий маданиятлар орасида ўхшашлик юзага келади. Ўзаро маънавий, ғоявий, адабий, маданий алоқалар ва адабий айрибошлаш жаҳон халқлари орасида қадимдан бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий алоқаларга боғлиқ.

Ғарб (немис) ва Шарқ халқлари ўртасидаги адабий алоқалар юқорида айтганимиздек, Қуйиўрта аср(ХII-ХV)лар бошларига тўғри келади. Буни немисларнинг “Нибелунглар кўшиғи” ва “Рицарлик романлари”да кузатишимиз мумкин.

Тадқиқотлардан маълумки, Ғарбда ХIХ асрнинг охирларига қадар Марказий Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини ислом фани, ислом маданияти, ислом олами деб аташган. Кейинги олиб борилган тадқиқотлар натижасида туркий тиллар, туркий халқлар маданияти деган тушунчалар пайдо бўла бошлади.

Европа мамлакатларида, хусусан, немисзабон халқларда Марказий Осиёнинг Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк шахслари ва улар яратган бебаҳо асарларни ўрганиш ХV асрлардан бошланади. Бу жараён илк бор Италия ва Францияда намоён бўлди. Улар салб юришлари натижасида араблар ихтиёридаги ўлкаларни забт этдилар ва бу ўлкалардан моддий бойликлар қаторида кўплаб маънавий бойликларни ҳам олиб кетдилар. Ушбу маънавий бойликлар ичида буюк алломаларимиз томонидан ёзилган фаннинг кўплаб соҳаларига тегишли асарлари ҳам бўлган.

Ўрта Осиё уйғониш даврининг қомусий олими, файласуф, тиб илмининг султони Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980-1037) ўзининг бой ва сирқирра илмий мероси билан нафақат Шарқ илм-фани ва маданияти, балки бутун инсоният маданияти, дунё фани хазинасига катта ҳисса қўшган. Жаҳон фани тарихида Ибн Сино қомусий олим сифатида тан олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Олим ўз асарларини ўша вақтдаги Яқин ва Ўрта Шарқнинг

илмий тили бўлган араб тилида, шеърлари ва бадий асарларини эса форс тилида яратган. Ибн Синони Шарқда “Шайхур-раис”, Ғарбда эса “Авиценна” деб аташган.

Тарихдан маълумки, Ибн Синога жаҳон миқёсида шуҳрат келтирган асари бу беш китобдан иборат бўлган “Ал қонун фи-т-тиб”дир. “Қонун” Ибн Синогача Шарқ, Греция ва Римда яратилган тиббиёт ҳақидаги илм ва шахсий тажриба якунигина бўлиб қолмай, бу фанни ўз даври учун ҳайратомуз юқори даражага кўтарган асардир.

Фанда исботланишича, “Қонун” XII асрдаёқ Толедода Дерардо томонидан араб тилидан лотинчага қисқартирилиб таржима этилган. Дерардо “Аш-шифо”ни ҳам лотин тилига ўгирган. 1279 йили Натан Меати Римда “Қонун”нинг тўлиқ нусхасини яҳудий тилига таржима қилади. Яҳудий таржимон “Ибн Сино” номини яҳудий вариантыда “Абен Сена” деб берган. У бора-бора оғзаки тилда “Авен Сина”га, бу вариант лотин транскрипциясида “Авиценна”га айланган. Олим асрлар давомида бутун Оврупо мамлакатларида шу ном билан машҳур бўлган.³⁶

Ибн Синонинг тиббиётга оид “Тиб қонунлари” асари Ғарб олами тиббиёти учун илмий асос вазифасини ўтаган. У бир неча асрлар давомида, XVIII асргача Европанинг бир қатор университетларида тиббиёт фанидан асосий дарслик сифатида эътироф этилган.³⁷

Немисзабон адабиётларда Ибн Сино илмий мероси юзасидан тадқиқотлар олиб бориш, асосан, XIX асрнинг охирларидан бошланди ва XX асрда кенг қамровда ўрганилди. Бу борада А.Мюллер, М.Хортон, К.Заутер, Х.Шэдер, Э.Блох, Х.Лей, М.Мутрайх, А.Дитрих каби олимлар самарали ишлар олиб бордилар.³⁸

1906 йили немис олими Макс Хортон томонидан Ибн Синонинг “Китоб аш-шифо” асари инглиз тилидан немис тилига таржима қилинди.³⁹ Мазкур илмий асар таржимаси орқали Германияда Ибн Сино ҳақида тасаввур пайдо бўла бошлади ва шундан сўнг немис адабиётида олимнинг меросини ўрганиш кенг тус олди.

³⁶ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Б. 231.

³⁷ Islamische Enzyklopedie. Avicenna. www.islamwissenschaft.de

³⁸ Ernst Bloch: *Avicenna und die aristotelische Linke*. Leipzig 1949; 1. Auflage, Rütten & Loening. – Berlin: 1952, Hermann Ley: *Ibn Sina*. In: Erhard Lange, Dietrich Alexander: *Philosophenlexikon*. Dietz. – Berlin: 1982, Das Buch von der Genesung der Seele. Eine philosophische Enzyklopädie Avicennas. Übers. und erläutert von Max Horten. – Bonn: 1906, Michael Muthreich: *Theoretische Grundlagen im Gottesbegriff bei Avicenna*. Universität Gießen. – Gießen: 1999 (Dissertation).

³⁹ Das Buch von der Genesung der Seele. Eine philosophische Enzyklopädie Avicennas. Übers. und erläutert von Max Horten. – Bonn: 1906.

Немис шарқшунос олими Херман Шэдер (1928) Ибн Сино ҳақида шундай фикрларни билдирган: “Ибн Сино атоқли давлат арбоби, қомусий олим, амалиётчи табиб сифатида, фалсафа ва тиб илмига оид кўплаб энциклопедиялар, қўлланмалар, ҳикматлар, шеърлар ва сўфийликка оид шарҳлар яратган. Унинг фалсафаси ўзининг ажабланарли даражада мантикий аниқлиги ва асосланганлиги билан ажралиб туради” (... als geschickter und skrupelloser Staatsmann, als universal gebildeter Gelehrter und praktisch taetiger Arzt, daneben allen sinnlichen Genuessen hemmungslos froenend, hat er die erstaunliche Zahl seiner philosophischen und medizinischen Enzyklopaedien, Kompendien, Lehrgedichte, mystische Traktate geschaffen)”.⁴⁰

Германияда чоп этилган ислом энциклопедиясида Ибн Синога қуйидагича таъриф берилган: “Ибн Сино ўз даврининг машҳур шахслари сирасига кириб, ўзининг фалсафий асарлари ва шеърлари орқали айрим сўфизм тарафдорлари томонидан сўфий деб тан олинган бўлса-да, у Ғарб оламида машҳур исломшунос олим сифатида эътироф этилади”.⁴¹

Ибн Синонинг руҳ ва тана уйғунлиги ҳақидаги фикрлари ва бу борадаги фалсафий қарашлари немис олимлари томонидан юксак эътирофга эга. “Ибн Сино руҳ ва тана муносабатини аниқлаб, мусиқа беморнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатишини исботлаган. Ибн Сино Ўрта асрлардаги руҳий таҳлил ва руҳий муолажа асосчиларидан саналади. Унинг бемор томир уришига қараб ташхис қўйиши бунга яққол мисол бўла олади”.⁴²

Ибн Сино нафақат тиббиёт соҳасида, балки юқорида айтиб ўтганимиздек, фалафа соҳасида ҳам кўплаб ишларни амалга оширган ва бир неча асарлар яратган. Ғарбда Ибн Сино фалсафасига турли даврларда турлича ёндашувлар бўлган. Европацентризм вакиллари Ибн Синони Аристотелнинг давомчиси, унинг таълимотини ўзлаштирган ва ҳеч қандай янгича алоҳида қарашларга эга бўлмаган олим сифатида эътироф этишган. 1525 йилларда Ғарбда олимнинг асарлари Параселсус (1493-1541. немис тиббиёт олими ва файласуфи) томонидан қора рўйхатга киритилади. Немис олими Н.Хассенинг фикрича, Ибн Сино барча соҳаларда Авероис (Авероис - Ибн Рўшд, Ибн Синонинг шогирди, унинг ишларини давомчиси ва ривожлантирган олим, файласуф – А.Т)нинг лотин тилидаги ишларини

⁴⁰ Strohmaier G. Avicenna. – Muenchen: Beck, 2006. - S. 6.

⁴¹ Avicenna. Ibn Sina. – Enzyklopaedie des Islam. 2009.

⁴² Ernst Bloch: Avicenna und die aristotelische Linke. Leipzig 1949. – S. 6.

такрорлаган. У барча соҳаларда адашган, ҳеч нарсани ўзи бошламаган, балки Аристотелга эргашган.⁴³

Албатта, бундай ноҳолис фикрларни кўплаб Ғарб, хусусан, немис олимлари ҳам инкор этишган. Жумладан, Александр Койренинг маълум қилишича, Ибн Сино эътиқодли шахс, олим, у шунчаки Аристотель асарларини шарҳловчиси эмас, ўз мулоҳазаларига эга, антик ва Ўрта асрларга хос фалсафий қарашларни аъло даражада талқин эта олган олим. Ибн Сино қарашлари шу даражада ўзига хоски, у “Авиценнизм” деган алоҳида атамага лойиқ.⁴⁴

XX асрнинг таниқли фалсафа тарихчиси А.Гуашоннинг фикрича, Европа Ўрта асрлар фалсафасида Ибн Сино таълимотига ўз муносабатини билдирмаган бирон-бир файласуфни топиш амри маҳол. Ибн Сино қарашларининг таъсири шу қадар кенг эдики, ҳеч ким у каби Ўрта асрлар Ғарб фалсафий қарашлар ғоясини қандай бўлишини айтиб бера олмас эди.

Рус олими Роман Овчаренко Ибн Сино фалсафасини юқори баҳолайди. Унинг қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқ: “Ибн Сино фалсафаси бирон бир фалсафа мактабига боғлиқ бўлиши мумкин эмас. У Аристотелдан фақатгина атамашунослик ва фалсафий тасдиқлар асосини ўрганган, лекин улардан фарқли ўлароқ ўзининг фалсафий тизимини яратган. Бу тизим шаклан Аристотель фалсафасига ўхшасада, унинг моҳияти умуман бошқача эди. Ибн Сино дунёқарашига нафақат Аристотель, балки эллин, араб ва византия каби бутун Шарқ олами таъсир кўрсатди. Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарбнинг илдизлари чамбарчас боғлиқ эди”.⁴⁵

Бизга маълумки, шу кунгача Ғарб мамлакатларида Ибн Синони араб мусулмон олими ёки форсий олим деб аташади, лекин рус олими Роман Овчаренко илк марта Ибн Синони туркий олим эканини исботлайди: “По происхождению ибн Сина был тюрком (данное утверждение выдвигается автором впервые). И хотя до недавнего времени было принято причислять его то к персам, то к арабам, мы заявляем о полной несостоятельности обоих вариантов, и на это есть свои причины, а также доказательства ложности этих высказываний”.⁴⁶

⁴³ Avicenna, Hasse N. www.google.de 2006.

⁴⁴ Койре А.В. Очерки истории философской мысли. (О влиянии философских концепций на развитие научных теорий). – Москва: 1985. – С. 67

⁴⁵ Овчаренко Р. Авиценна, его жизнь, система взглядов и влияние на западную средневековую философию. Автореферат кан... дисс. – Сергиев Посад: 2009. – С. 14.

⁴⁶ Овчаренко Р. Автореферат кан... дисс. – С. 9.

Л.Гудманнинг фикрича, “Ибн Сино метафизикаси мантиқ оламига ёндашувда муҳим манба саналади. Унинг қарашлари қалб эркинлиги ва абадийлиги, замонга боғлиқ ва боғлиқ эмаслик каби фалсафий масалаларни тушунишда муҳим аҳамият касб этади” (Avicennas Metaphysik bleibt eine beständige Quelle der Einsicht in die Logik von Notwendigkeit und Kontingenz und in die immerwährenden philosophischen Probleme von Freiheit und Unsterblichkeit, Zeitlichkeit und Zeitlosigkeit).⁴⁷

Ғарб илм оламида Ибн Синонинг илғор фикрларидан нафақат фаласафа, тиб олами вакиллари, балки адабиёт соҳаси вакиллари ҳам фойдаланганлар, улар ўз ижодларида унинг номини ҳурмат билан тилга олганлар, хусусан, буюк италян адиби Данте Алигъери (1265-1321) ижодида ҳам буни кузатишимиз мумкин. Унинг машҳур “Илоҳий комедия” асарида Ибн Сино номи бир неча бор тилга олинади.

Кўзимни узоққа югуртдим шунда:

Ҳисобдон Эвклид, Батлимус, Гален,

Гиппократ, Ибн Сино, Ибн Рушд пайдо —

Янги ғояларни тарғиб этган чин.

(“Дўзах”, IV, 142. Абдулла Орипов таржимаси)

Олим Н.Комилов таъкидлаганидек, Данте Афлотунни файласуф сифатида улуғлаб, унинг асарларига чуқур эътиқод билан қарайди. Аммо барча асарларида ҳам юнон мутафаккири ёнида Ибн Сино ва Ибн Рушд номини санайди. Уларнинг асарларидан иқтибослар келтириб, бошқа олимлар билан муқояса этади.⁴⁸

Ибн Сино илмий меросини ўрганиш ва олим ҳақида рисоалар ёзиш анъанаси ХХІ аср замонавий немис адабиётида ҳам давом этмоқда. Хусусан, проф. Готхард Штромайернинг 2006 йил иккинчи бор нашрдан чиққан “Авиценна”⁴⁹ номли илмий-оммабоп рисоласи фикримизнинг ёрқин далилидир. Мазкур рисола 12 бобдан иборат бўлиб, улар 50 та бўлимни ўз ичига олади. Муаллиф ўз асарида Ибн Сино ҳаёти ва фаолияти, унинг асарлари ва уларнинг Ғарб илм-фани ва фалсафасига кўрсатган таъсири ва аҳамияти ҳақида қимматли фикрлар ва маълумотларни ёритиб берган.

Мазкур асар қуйидаги қимматли фикрлар билан бошланади: “Ўрта асрларнинг бирон бир мусулмон олими Ибн Синочалик Ғарб

⁴⁷ Strohmaier G. Avicenna. – S. 7.

⁴⁸ Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Б. 72.

⁴⁹ Strohmaier G. Avicenna. – S. 182.

фалсафасининг бир қисми бўла олмаган. Унинг изланишлари орқали Аристотелнинг ишлари Ғарбий Европага қайтди. Олимнинг қомусий “Китоб аш-шифо” асари Буюк Алберт ва Томас Аквуинлар ижодига ижобий таъсир кўрсатди” (Kaum ein anderer nicht-christlicher Denker des Mittelalters ist so sehr Teil der abendländischen Geistesgeschichte geworden wie der persische Muslim Avicenna (um 980–1037). Durch seine Vermittlung gelangten die Werke des Aristoteles wieder nach Westeuropa. Sein enzyklopädisches Hauptwerk „Buch der Genesung der Seele“ hatte prägenden Einfluß auf Albert den Großen und Thomas von Aquin. Gotthard Strohmaier schildert das abenteuerliche Leben Avicennas, gibt eine Einführung in sein Werk auf dem neuesten Stand der Forschung und skizziert Avicennas Bedeutung für das abendländische Denken).⁵⁰

Г.Штротмайер мазкур рисолада Ибн Синонинг саргузаштларга бой ҳаётини тасвирлайди, унинг асарлари тадқиқига замонавий ёндашади ва Ибн Сино илмий меросини Ғарб фалсафаси ва тиббиёти учун аҳамиятли бўлганлигини кўрсатади. Рисолада Ўрта асрлар араб илм фани, Бухоро, Исфаҳон саройи, Шарқда юнонлар фалсафаси, Аристотель қарашлари, Қуръони карим мазмун-моҳияти, шеърят, хатлар, руҳ ва тананинг соғломлиги, касалликлар, касалликларни даволаш, табиий фанлар, тиббиётга оид фанлар, аниқ фанлар, геодезия, геология, минералогия ва бошқа фанлар ҳақидаги Ибн Сино қарашлари ва уларнинг аҳамияти ҳақида мушоҳадалар юритади ва керакли ўринларда шарҳлар келтиради. Хусусан, асарда Бухоро ҳақида шундай дейилади: “Бухоро саройи ўша даврнинг таниқли тарихчилари, шоирлари ва турли соҳа олимлари жам бўлган маданият марказларидан бири эди. Бу ерда форс тили янада шаклланган. Худди шу жамиятда Ибн Сино туғилди ва ўз фаолиятини бошлади.”⁵¹

Китобда Ибн Сино ўлимидан сўнг мусулмонлар орасида унга бўлган муносабат, “Тиб қонунлари”нинг тарқалиши, файласуфларнинг ўзаро муносабатлари, сўфийлик таълимоти, Ибн Сино илмий меросини Ғарб университетларида ўқитилиши, тиббиёт факультетлари, олим асарларининг лотинча таржималари ва унинг Ғарб олимлари ижодига таъсири, Дантенинг “Илоҳий комедияси” ва Алгазел (Абу Ҳамид ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий, 1058-1111) ҳақида ёзилади. Асар сўнгида Ибн Сино саёҳатлари харитаси, жадваллар, адабиётлар рўйхати ва глосарий берилган.

⁵⁰. Strohmaier G. Avicenna. – S. 2.

⁵¹. Ўша асар. – Б. 12.

Немис олими Г.Штромайернинг мазкур асари Ғарб илм аҳлини Шарқнинг буюк қомусий олими, аллома Ибн Сино даҳосига бўлган юксак эътирофидир. Бу унинг қуйидаги фикрларида яққол кўзга ташланади: “Бугунги кунда ҳам мутахассислар орасида Ибн Синонинг инсон ақл идроки борасидаги метафизик қарашлари ҳали ҳам эътиборга молик, деб ҳисоблайдиганлар топилади. Олим ўз даврида юнон тиббиёти ва илм-фанини мукаммал ўзлаштирган ислом оламининг йирик мутафаккири эди. Бу билан у антик давр илм сарчашмаларидан узилиб қолган Ғарб дунёси илмий муҳитини қайта уйғонишида алоҳида аҳамиятга эгадир. Айнан мана шу хизматлари билан Ибн Сино, шубҳасиз, Ғарб ва Шарқ олами маданий-тарихий тараққиётидаги феноменал сиймога айланди. Олим қадимги юнон фалсафаси ва илм-фанининг оламшумул аҳамиятини бутун дунёга намойиш этган, у худди Авероис каби юнон ва араб дунёси илмий қарашларини уйғунлаштириб асосли хулосалар чиқарган йирик мутафаккир сифатида абадиётга дахлдордир.”⁵²

Бизга маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб Ғарбда европацентризм деб аталган оқим пайдо бўлди. Мазкур оқим вакиллари Шарқ файласуфлари, хусусан, Ибн Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмийларни юнон фалсафаси, юнон илм-фанининг ўзлаштирувчилари деган даъвони илгари сурдилар. Кейинчалик бундай даъволар ноҳолис эканлиги Г.Штромайер, Э.Захау, В.Халбфас, Х.Рўмер каби олимлар томонидан исботланди.

XI асрда Юнон илм-фанининг ислом оламида қўлланиши Византиядаги каби одатий ҳолга айланиб қолганди. Боғдодда имл-фан шу даражада гуллаб яшнадики, у ерда ислом олимлари бошқа дин вакиллари (насронийлар каби) билан бирга хушмуомалалик билан биргаликда ижод қилардилар. Бундай плуралистик жамиятнинг ёрқин вакили бу, албатта, Ибн Сино бўлиб, унинг бу жамиятдаги ўрни беқиёс эди. Грек олимлари Аристотель ва Платон ҳақида гап кетганда бир насага эътибор қаратиш лозим. Ибн Сино грек илмининг давомчиси сифатида ўз фалсафий қарашлари ва ғоялари билан Платонга шу даражада яқинликка эришдики, ўз даврида Платон Аристотелга бу даражада яқинликка эришмаган эди.⁵³

Фикримизча, Ибн Синонинг ҳаёти ва ижоди, қолаверса, кейинги ҳаётини маданий-тарихий аспектда ёритиш ҳозирги замон Ғарб шарқшунослари ва европацентризм вакиллари ўртасидаги тортишувли

⁵² Strohmaier G. Avicenna. – S. 18.

⁵³ Ўша асар. – S. 159.

мавзуга айланиб қолди. Зеро, бухоролик файласуф ўз вақтида турли миллат ва элатлар урф-одати ва маданиятидан ташкил топган ислом маданиятининг етук вакили сифатида Ғарбга Европа меросининг бир қисмига айланган Юнон илм-фанини дунё миқёсидаги ўрнини ва греклар илмий мероси фақатгина ғарбликларга тегишли эмаслигини тушунишга туртки берди.

Немисзабон адабиётда Ибн Сино ҳақида бадиий асарлар яратилмаган бўлса-да, лекин Германияда Ибн Сино даҳосига атаб бадиий фильм ишланган. 2013 йил инглиз ёзувчиси Ноа Горданнинг “Табиб” романи асосида немис режиссёри Филипп Штўлсл “Der Medicus (Табиб)” номли фильмни⁵⁴ суратга олди. Мазкур филм 2013 йил 25 декабрда немис кино экранларига чиқди ва мутахассилар томонидан юксак баҳоланди. Фильмнинг томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинганлигини уни дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларида ҳозиргача намоёиш қилинаётганидан ҳам билиб олиш мумкин.

Мазкур фильмда XI аср Шарқ тиббиёти Европа қитъаси тиббиётига қараганда бир мунча илгарилаб кетганлиги тасвирланган. Фильм воқеалари Англия ва Исфаҳонда юз беради. Фильмда ўндан ортиқ персонажлар иштирок этади. Филмнинг бош қаҳрамонлари англиялик ўспирин Роб Коул ва Шарқнинг буюк сиймоси Ибн Синодир. Фильмда етимликда катта бўлган Коулнинг ҳаётий кечинмалари ва унинг тиббиётга бўлган қизиқиши, кейинчалик Исфаҳонга келиб Ибн Сино ҳузурида бўлиши ва тиббиёт илмини олиши тасвирланади. Роб Коулнинг болалигида онаси фалаж касалига чалиниб вафот этади. Бу вақтда Коул ҳали жуда ёш эди. У ўз онасининг касалига даъво топилмаганидан жуда изтиробга тушади ва унда шу вақтдан бошлаб тиб илмига бўлган қизиқиш пайдо бўлади. Шундан сўнг Коул маҳаллий табиблар илмини ўргана бошлайди ва секин-аста мустақил равишда тиш суғуриш, қон чиқариш каби оддий усуллар билан кичик-кичик касалликларни даволаш билан шуғулланади.

Кунларнинг бирида Коул ўзининг яхудий танишларидан Шарқнинг буюк сиймоси Ибн Сино ҳақида эшитиб қолади ва унда алломадан тиб илми сирларини ўрганиш иштиёқи пайдо бўлади. Шундан сўнг у Исфаҳонга Ибн Сино ҳузурига тиббиётни ўрганиш учун йўлга чиқади. Ўша даврда христиан динидагиларга Исфаҳонга келиб ўқиш хавфли эди, чунки бунга халифалик рухсат бермас эди.

⁵⁴ Stoelzl Ph. Der Medicus (Film). – Deutschland 2013.

Исфаҳонда билим олиш учун Коул ўзини яҳудий Юсси бин Ямин деб танитади ва Исфаҳонга кетаётган карвон билан йўлга чиқади. У йўлдаги қийинчиликларга қарамай Исфаҳонга келиб, Ибн Сино билан танишади ва унинг ҳузурида билим ола бошлайди. Коул бу ерда томир уриши орқали ташхис қўйиш, юқумли касалликларни даволаш, уларнинг келиб чиқиши ва жарроҳлик сирларини кунт билан ўрганади. Фильмда Роб Коулнинг саргузаштлари, ҳаётининг кечинмалари, Шарқ урф-одатлари, диний қарашлар ва Ибн Синонинг юксак билим эгаси, шогирдларга талабчан ва меҳрибон устоз эканлиги жонли тарзда тасвирланган.

Мазкур фильм орқали Шарқнинг буюк алломаси Ибн Синони бугунги кунда ҳам европаликлар томонидан нақадар юксак эътирофга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Маркази Осиёнинг яна бир буюк қомусий олими, Хоразмда таваллуд топган мутафаккир Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973-1048) Шарқ илм-фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган. Унинг математика, фалакиёт, табиатшунослик, диншунослик, маъданшунослик, геология, геодезия, этнология, тарих, тилшунослик ҳамда адабиёт соҳасида қолдирган бой илмий мероси нафақат Шарқ дунёси, балки олис Европа илм-фанининг ривожланишида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Олим ўз даврида 150 дан ортиқ асарлар яратди.

Шуниси қувонарлики, Беруний илмий меросининг энг сара намуналари асрлар синовига бардош бериб, бугунги кунга қадар етиб келган ва кўплаб тилларга таржима қилинган. Шарқ илмий мероси билан яқиндан шуғулланган Ғарб олимлари қомусий олим асарларининг жаҳон илм-фани ривожигаги улкан аҳамиятини алоҳида эътироф этишади. Чунончи, Берунийнинг “Ҳиндистон” китобини бу борадаги мукаммал манба дея таърифлайдилар.

Тарихдан маълумки, Ибн Сино, ал-Фаробий каби йирик Шарқ мутафаккирларининг илмий тадқиқотлари XII асрда Испания, Сицилия ва Византия орқали Европага кириб борган, лекин Беруний асарларига қизиқиш кўхна қитъада нисбатан кечроқ бошланади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Бизнинг фикримизча, ўша пайтларда, яъни XII асрда Европа илмида, хусусан, Германияда грек фалсафаси тарафдорлари кўпчилик эди ва улар асосан гуманизм ғоялари тарафдорлари эдилар. Шу боисдан улар Беруний илмий меросига эътибор қаратмаганлар.

Германияда Беруний асарларини ўрганиш ва Европа тилларига таржима қилиш анъанаси XIX аср охирларидан бошланди. Беруний

илмий меросини Европага танитишда Берлин университети профессори Эдуард Захаунинг (1845-1930) хизматлари бекиёсдир. У Берунийнинг “Шарқ халқлари хронологияси” деб номланган китобини 1869 йили инглиз тилига ўгиради ва бу асар Лондонда чоп этилади. Олимнинг ёзишича, у асарни араб тилидан инглизчага ўгиришда кўплаб қийинчиликларга дуч келади, чунки Берунийнинг мазкур асари ҳам филологик, ҳам астрономик аҳамиятга молик эди. Э.Захау 1923 йили мазкур асарни немис тилида “Chronologie orientalischer Völker von Al Biruni” (“Берунийнинг Шарқ халқлари хронологияси”)⁵⁵ номи остида Лейпцигда чоп эттиради. Олим асар сўзбошисида шундай дейди: “Қўлингиздаги китоб мингинчи йилларда Каспий денгизининг жанубий қирғоқларида жойлашган Хива хонлиги ёки Хоразмда туғилган Абу Райхон Муҳаммад бин Аҳмад ал Берунийнинг “Йўқолиб бораётган авлодлардан қолган ёдгорликлар” номли китобидир. Бу китоб қадимги ва Ўрта аср Шарқ халқлари маданияти ва тарихини ўз ичига олади”.⁵⁶

Э.Захау асарнинг кириш қисмида Беруний ҳақида кўплаб ижобий фикрларни билдиради. Жумладан, “Унинг услуби мураккаб эди, маълумотлари алоҳида мавзуга оид бўлиб, қисқа, лўнда, аниқ ва тиниқ. Унинг асарлари бошланғич билимга эга бўлганлар учун эмас, балки шу соҳанинг мутахассислари учун мўлжаллангандир. Унинг мақсади ўқувчига тушунишни қийинлаштириш эмас, аксинча, ўқувчи ўз ақлидроки ва билим савиясига таянган ҳолда асар мазмун-моҳиятига йўл топишга чорлайди. Нафақат унинг услуби, балки асар предмети ҳам ўқувчидан турли соҳалардаги билимларни талаб қилади (Jedoch sein Stil war - und ist - ausserordentlich schwer; er schreibt absichtlich — nicht dunkel, aber kurz, prägnant und stets nur zur Sache; er schreibt nach eigenem Geständniss nicht für Anfänger, sondern für Gelehrte; es liegt nicht in seiner Absicht, dem Leser die Arbeit leicht zu machen, sondern er verlangt, dass dieser mit eigener Anstrengung und mit dem ganzen Aufwand seines eigenen Wissens sich durch spröde Form den Weg zu dem schwer faßlichen Inhalt bahne)”.⁵⁷

Бундан ташқари алломанинг номи, нима учун ал-Хоразмий эмас, балки ал-Беруний деб аталаши ҳақида қизиқарли маълумотларни беради: “Беруний Хоразм шахрининг олд қисмида жойлашган шаҳар ёки теварак атрофидаги шаҳар дегани. Фикримча, беруний

⁵⁵ Sachau E. Chronologie orientalischer Völker von Albiruni. – Leipzig: Otto Harrasowitz, 1923. – S. 490.

⁵⁶ Ўша асар. – Б. V.

⁵⁷ Ўша асар. – Б. IX.

Хоразмнинг ички шаҳарларига қарама-қарши тарафда жойлашган ташқи деган маънога эга. Буни Рай шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Рай шаҳри ҳам икки қисмдан иборат бўлган биринчиси ички шаҳар, иккинчиси эса ташқи шаҳар. Ташқи қисмни форс тилида Берун деб аташган (Alberuni, bedeutet: „aus der Vorstadt oder naechsten Umgebung der Stadt Khwarizm, nicht aus der Stadt selbst gebürtig. Ich habe in meiner eben genannten Abhandlung *Berun* erklärt als die Vorstadt oder Vorstaedte von Khwarizm im Gegensatz zu der inneren Stadt, wobei mich neben anderen Dingen die Analogie der Stadt Rai oder Rhagae ... leitete. Rai bestand aus einer von einem Graben umgebenen inneren Stadt, genannt *al madinati al dohilat*(arabisch) d. h. die innere Stadt, und aus einer von einer Pallisadenkette umgebenen Vorstadt, genannt *al madinati al harajat* (arabisch) d. h. die aeussere Stadt, also Persisch das *Berun*)”.

У ўз мулоҳазаларини далиллаш мақсадида қуйидаги маълумотни келтиради. “Дўстим П.Лерхнинг фикрига кўра *Берун* Бухоро форсийлари тилига хос бўлган сўз, бу маълум бир шаҳарга тегишли бўлган *музофот*дир. У 1858 йил Бухорода бўлганида буни гувоҳи бўлган. Шаҳар ташқарисидагилар *-ez birûn-i- Buchara*, Бухоронинг ташқарисиди, ичкаридагилар эса *-ez enderun-i- Buchara*, Бухоронинг ичкарисиди деб аталади. Демак, тожикча талаффуздаги *Бирун кейинчалик Алберуни* шаклига айланган”.⁵⁸

Э.Захау умрининг охиригача Беруний илмий асарларини катта қизиқиш билан ўрганди ва Беруний илмий мероси юзасидан тадқиқотлар олиб борди

Германияда Э.Захау қаторида яна кўплаб олимлар Беруний асарларини тадқиқ қилишга киришдилар, улардан бири эрлангиялик физика профессори Айлхард Видеман (1852-1928)дир. У асосан Берунийнинг табиатшуносликка оид асарларини тадқиқ этади ва улардан бир қисмини немис тилига таржима қилади, бир қисмига илмий шарҳлар ёзади. Видеман ўз ишларини мунтазам равишда ҳамкасблари ва талабалари билан муҳокама қилиб боради. Унинг бир неча мақолалари Эрланген физика-тиббиёт кенгашининг илмий ахборотида эълон қилинади.⁵⁹ Бундан ташқари унинг илмий изланишлари натижаси вақтли матбуотда ҳам эълон қилиниб туради, шундан сўнг Беруний илмий меросига ўша давр илм аҳлининг қизиқиши янада ортади. Айниқса, Берунийнинг география (ер тузилиши, ер ўлчаш, ер ҳаракати), минералогия, астрономия (ой, қуёш

⁵⁸ Sachau E. Chronologie orientalischer Voelker von Albiruni. – S. XII.

⁵⁹ Roemer H. Biruni in Deutschland. In: The Muslim East: studies in honour of Julius Germanus. –Budapest: 1970.–S. 25.

тутилиши) ва тригонометрия соҳасидаги кўлёзмалари ўша давр олимларида катта қизиқиш уйғотган.

Видеман 1920-21 йилларда швейцариялик математик олим Х.Зутеръ билан биргаликда “Беруний ва унинг асарлари ҳақида” номли китобини нашр қилдиради. Видеман ўз тадқиқотлари давомида Берунийнинг “Масъуд қонуни” асарига ҳам мурожаат қилади. У бу асардаги “Форс астрономларининг тригонометрик илмлари” номли бобига ўз эътиборини қаратади, лекин ўз фикрлари ва шарҳларини эълон қила олмайди. Видеман ўлимидан сўнг унинг ишларини Юлиас Руска ва Ҳайнрих Вилайтерлар⁶⁰ давом эттиришади.

1930 йилларда проф. Паул Кале (1875-1964) ташаббуси билан Боннда Беруний илмий меросини ўрганадиган “Беруний” тадқиқот маркази очилади. П.Каленинг шахсан ўзи Берунийнинг “Минералогия” асарида жой олган тоғ жинслари, ойна ва чиннилар (Хитой чинниларида шарқ манбалари) ҳақидаги бўлимларни чуқур тадқиқ қилади. Мазкур марказда кўплаб олимлар, хусусан, проф. Аҳмад Заки, Муҳаммад Яҳё Ҳошими, Тоқи ал-Ҳилоли ва бошқа олимлар Беруний илмий меросини тадқиқ қилиш билан шуғулланганлар.

Германияда Беруний илмий меросини ўрганиш иккинчи жаҳон уруши туфайли бироз тўхтаб қолди, лекин урушдан кейин яна бир қатор шарқшунос олимлар томонидан Беруний илмий меросини ўрганиш анъанаси давом этди. Кўп ўтмай қомусий олим асарларини Х.Риттер, Й.Фук, К.Гарберс, М.Шрам, Х.Рўмер, Б.Петер, Г.Штромайер каби олимлар тадқиқ қила бошладилар. Улар Беруний асарларини айримларини таржима қилганлар, айримлари юзасидан илмий мақолалар, шарҳлар ёзганлар.

XX аср охирларида ҳам Беруний илмий мероси немис олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилган. Немис олими В.Халбфасс “Ҳиндистон ва Европа” китобида Берунийнинг “Ҳиндистон” асари ҳақида тўхталар экан, уни мазмун ва моҳият жиҳатидан замонавий ҳиндшуносликдаги муҳим манба сифатида юқори баҳоланишини эътироф этади. “Ҳиндларнинг ўзига хос дунёқараши, яшаш тарзи ва ғаройиб анъаналари Берунийни ҳайратга солади. Шунга қарамай олим ҳар бир ҳолатга илмий нуқтаи назардан ёндашади. Бу ёндашув антик давр юнон илм-фани руҳи билан йўғрилган бўлиб, теран тафаккур кучига асосланган эди. Жумладан, Беруний ҳиндларда сугирларнинг

⁶⁰ Roemer R. – Hannover: 1927. XII und 108 Seiten

муқаддас саналиши ва сабаблари ҳақида фикр билдирад экан, икки иқтисодий жиҳатга эътиборини қаратади. Биринчидан, сигир юкларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш учун хизмат қилса, иккинчидан, рўзғорда сут ва озиқ-овқат манбаи сифатида алоҳида ўрин тутишини таъкидлайди. Айнан мана шу икки омил ҳиндларда сигирларга нисбатан ўзига хос муносабатнинг шаклланишига сабаб бўлган”.⁶¹

Готхард Штромайер фикрича, Беруний 17 ёшида ўз она шахрининг кенглигини ҳисоблаган, ернинг шарсимон эканлигини билган. Орадан 500 йил ўтиб 1492 Нюрнбергда Мартин Беҳайм томонидан беш диаметрли “Ер олмаси (Erdapfel)” номли шар тақдим этилди. Ваҳоланки, Беруний глобусни мингинчи йиллардаёқ яратган эди ва у немисларникидан ўн баравар каттароқ эди. ... Ал-Беруний ислом оламининг қомусий олими - буюк аллома, у учун фан соҳаларининг чегараси йўқ,...”.⁶² Маълумки, глобус яшаш тарихи узоқ ўтмишдан бошланган. Дастлабки ибтидоий глобус мил.ав. иккинчи асрда юнонистонлик Кратес томонидан ясалган. Шарқда дастлабки илмий глобус Беруний томонидан 995 йил ясалган, лекин у фақат Шим. ярим шардан иборат бўлган ва энг биринчи бўртма рельефли глобус бўлиб аҳоли яшайдиган жойлар аниқ кўрсатилган.⁶³

Г.Штромайер Беруний илмий мероси бўйича чуқур тадқиқотлар олиб борган немис олимларидан биридир. У Берунийнинг кўплаб асарларини ўрганиб, улардан айримларини таржима қилган, тадқиқотлари юзасидан мақолалар ёзган. У ўзининг “Ал-Беруний – Ғарбда эътибордан четда қолган олим” номли мақоласида Беруний илми меросига атрофлича ёндашиб, аллома ҳақида илиқ фикрларни билдиради. Чунончи, “Ўрта асрлар Шарқ илм-фанинг етук олими Ал-Беруний Ғарбдаги ривожланишларни бир неча аср олдин билган. Агар минг йиллар олдин Нобель мукофоти бўлганда эди, у, шубҳасиз, мусулмон олимларига берилар эди. Европаликлар римликлар илмий мероси таъсири остида юрган вақтларида, Шарқда ислом ҳукмронлиги остида ўзгача иқлим ҳукм суларди. Улар табиат ҳодисалари, математика, тиббиёт соҳаларини ўрганишарди, баъзилари эса махсус фанлар билан шуғулланардилар”⁶⁴, – дейди.

Г.Штромайер Беруний олиб борган тадқиқотлар тўғрисида тўхталар экан, унинг физика соҳасидаги ишларини, яъни металллар ва қимматбаҳо тошларнинг зичлигини ўлчаш учун асбоблар яратгани ва

⁶¹ Halbfass W. Indien und Europa. – Stuttgart: Basel, 1981. – S. 38-48.

⁶² Stohmaier G. Al-Biruni ein Gelehrter, den das Abendland uebersah. Spektrum der Wissenschaft, 5/2001. – S. 74.

⁶³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000-05. №3. – Б. 40.

⁶⁴ Stohmaier G. Al-Biruni ein Gelehrter, den das Abendland uebersah. Spektrum der Wissenschaft, 5/2001. – S. 72.

бу борада тажрибалар ўтказгани, шундан сўнг олтинни ҳақиқийсини аниқлаш имкони пайдо бўлганини алоҳида таъкидлайди. У Беруний илмий даҳосини тенгсиз, деб билади ва Европа Ўрта асрларда бу каби олимларни бера олмаганини айтади. “Агар Европа қитъаси бизга минггинчи йилларда латин тилида ижод қила оладиган Берунийни бера олганда эди. У ўзининг қарашлари билан Европа тарихи ва маданиятини янада юксалтирган бўлар эди ва биз бундан бениҳоя қувонардик. (Dennoch koennten wir Europaer uns froh schaeetzen, wenn es in unserem Erdteil um die erste Jahrtausendwende einen al-Biruni gegeben haette, der Latein gelernt und sich mit dem scharfen Blick des aussenstehenden der Geschichte und der bescheidenen Kultur unserer westeuropaeischen Ahnen angenommen haette)”⁶⁵

Г.Штронайер Беруний илмий мероси бўйича олиб борган тадқиқотлари натижаси ўлароқ, 1991 йил ўзининг “Al-Biruni. In den Gaerten der Wissenschaft”⁶⁶ номли рисоласини чоп эттирди.

Мазкур асар Беруний илмий меросининг замонавий немис адабиётида ўрганилишига яна бир ёрқин мисол бўлди. Китоб мутаржимнинг кириш сўзи билан бошланади. Унда муаллиф Шарқ ва Ғарб ўртасидаги илмий ҳамкорлик тарихи, Шарқ оламининг йирик даҳолари хусусида қимматли маълумотлар бераркан, Беруний сиймоси ҳамда унинг Ғарб илм-фани ривожига таъсирига алоҳида тўхталади. Хусусан, Берунийнинг “Ҳиндистон” китобини ёзилиш тарихи, унинг илмий ва амалий аҳамияти ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирган.

Муаллифнинг ёзишича, Беруний Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Ҳинд диёрига юришларини гувоҳи бўлган. Юришлар даврида асирга олинган ҳинд сипоҳийлари билан кўп маротаба ҳамсухбат бўлиб, санскрит тили бўйича бошланғич маълумотларга эга бўлган. Берунийга кўп маротаба ҳинд олимлари даврасида қатнашиб, уларнинг илмий ва амалий мушоҳадаларига ошно бўлиш насиб қилган. Уларнинг ҳузурида олим ўзини камтар шогирддек тутишни ҳеч қачон ўзи учун ор деб билмаган. Аксинча, улардан кўп нарсани ўрганишга ҳаракат қилган, қимматли маълумотлар тўплаган. Мана шу саъй-ҳаракатлар натижасида, Беруний ўзининг машҳур “Ҳиндистон” китобини ёзади.⁶⁷

Илмда таъкидланишича, Маҳмуд Ғазнавий 1017 йил Хоразмни истило қилгандан сўнг Берунийни бошқа олимлар қатори Ғазнига олиб

⁶⁵ Stohmaier G. Al-Biruni ein Gelehrter, den das Abendland uebersah. Spektrum der Wissenschaft. – S. 74.

⁶⁶ Strohmaier G. Al-Biruni. In den Gaerten der Wissenschaft. – Leipzig: Reclam-Verlag, 1991. – 320 S.

⁶⁷ Ўша асар. – Б. 5.

кетади. Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга 17 марта юриш қилган ва ҳар сафар катта ўлжалар олиб қайтади. У Ҳиндистонга қилган юришларида Берунийни ўзи билан бирга олиб юрган, чунки ўша даврларда ҳам юлдузлар илмини тушунадиган олимлар шоҳларга керак эди. Беруний Ҳиндистонга тез-тез бориб турган, у ҳиндларнинг тарихи, фани, тили ва маданиятини ўрганиб, “Ҳиндистон” китобини ёзган.⁶⁸

Муаллиф ўзининг кириш сўзида Берунийнинг сўнгги асари “Доришунослик” ҳақида ҳам тўхталиб, унинг амалий аҳамияти, асарда берилган доривор ўсимликлар, ҳайвонлар, озиқ-овқатлар ҳамда анорганик моддаларнинг алфавит шаклидаги рўйхатини, Беруний ушбу асарида тегишли модда ва унсурларнинг турли тил ва шевада қай тарзда номланишини кўрсатиб берганлигини ҳамда бу асар ўша даврда халқаро тартибдаги фармацевтик номенклатурани яратилиши соҳа ривожига катта аҳамият касб этганини эътироф этади.

Г.Штромайер Беруний даҳосига чуқур ҳурмат билан қарайди. Буни унинг қуйидаги фикридан ҳам билиб олиш мумкин. “Беруний ўз қизиқишлари доирасининг кенглиги, қарашларининг теранлиги, аниқ ва лўнда асосга эга тадқиқотлари билан Шарқ ўрта асрлар илм-фанининг етук алломасидир (Al-Biruni, den man nach der Weite seiner Interessen, der Fuelle seiner neuen Denksaetze und der Exaktheit seines Messens und Rechnens sicher zu Recht als den bedeutendsten Wissenschaftler des ganzen islamischen Mittelalters ansieht, .)”⁶⁹

Боб бўйича хулоса

Кўриб чиқилган адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб боб юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Шарқ маданияти, илм-фани, фалсафаси ва адабиётининг таъсирида Жанубий Франция - Прованс, Шимолий Франция ва Италияда трубадур ва труверлар лирикаси кенг ёйилди. Жанубий ва шимолий Франция рицарлик шеърляти ўзининг мазмуни ва шаклини биров ўзгартирган ҳолда немис шеърлятига кириб келди. Шарқ шеърлятига хос мотивлар ва сюжетлар аввал Франция сўнг Германияга йўл топди.

2. Шарқ халқ эртакларининг олмон эртакларига таъсирини ака-ука Гриммлар эртакларида учрайдиган мотивларда ҳам кўришимиз

⁶⁸ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон 1981. – Б. 52-53.

⁶⁹ Strohmaier G. Al-Biruni. In den Gaerten der Wissenschaft. – S. 6.

мумкин. “Олтин соч бола (Goldhaarige Junglinge)”, “Бременлик машшоқлар (Bremer Stadtmusikanten)” каби халқ эртаклари ўзининг образлар тизими, сюжети ва мотивлар силсиласи бўйича ўзбек халқ эртакларига ўхшаб кетади.

3. XVIII-XIX асрларда Шарқ адабий анъаналари немис адабиётига сезиларли таъсир кўрсата бошлади. Немис шоири Й.В.Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони” том маънода Шарқ адабиётининг Ғарб адабиётига яққол таъсирини кўрсатиб берган бадиий асардир.

4. Шарқ мавзусига бағишланган илмий-адабий асарлар ва бадиий таржималар орқали немис адабиёти “Ғарбу Шарқ девони” (Й.Гёте), “Алмонзор” (Ҳ.Ҳайне), “Бобур – йўлбарс” (Ф.Вёртле), “Жонон менинг жонимда” “Ғарбу Шарқ” (А.Шиммел), “Илм гулшанида” (Г.Штротмайер), “Шарқ халқлари хронологияси” (Э.Захау), “Тошкентлик севишганлар” (А.Шпехт) каби юзлаб асарлар билан бойиди.

5. Ибн Сино илмий меросини ўрганиш ва олим ҳақида рисоалар ёзиш анъанаси XXI аср замонавий немис адабиётида ҳам давом этмоқда. Хусусан, проф. Г.Штротмайернинг 2006 йил нашрдан чиққан “Авиценна” номли рисоласи ва кўплаб бошқа асарлар ҳамда Филипп Штўлслнинг “Табиб” номли фильми фикримизнинг ёрқин далилидир.

6. Германияда Беруний асарларини ўрганиш ва Европа тилларига таржима қилиш анъанаси XIX-асрнинг ўрталаридан бошланди. Беруний илмий меросини Европага танитишда Э.Захаунинг хизматлари беқиёсдир.

7. Немисзабон адабиётларда Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний даҳоси ҳамда унинг илмий мероси ижобий тасвирлангани ва юксак эътирофга эга эканлигини улар ҳақида яратилган тарихий, илмий-оммабоп асарлар исботлаб беради.

II БОБ. НЕМИСЗАБОН АДАБИЁТДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИ ТАЛҚИНЛАРИ

Ғарб мамлакатлари адабиётида Амир Темур ҳаёти ва ҳукмдорлик фаолиятига қаратилган жуда кўплаб асарлар яратилди. Амир Темур ҳақидаги илк маълумотлар унинг ҳаётлиги давридаёқ Европа халқларига кириб кела бошлаган. Хусусан, Қора денгиз бандаргоҳларида фаолият кўрсатган венециялик ва генуялик савдогарлар буюк саркарда ва унинг салтанати ва, айниқса, ҳарбий салоҳияти ҳақидаги илк маълумотларни Ғарб мамлакатларига кириб боришида муҳим роль ўйнаган. Амир Темурнинг усмонли турклар устидан Анқара жангида қўлга киритган ғалабаси унинг шахсига бўлган қизиқишнинг янада ошишига туртки бўлди.⁷⁰

Амир Темур сиймоси ҳақида, айниқса, Францияда соҳибқирон замондошлари томонидан ёзиб қолдирилган асарлар буюк саркарда ҳаёти ва фаолиятининг турли томонларини ёритиб, унинг салтанати, жамияти ва қўшинида ўрнатилган қонун-қоида ва интизомлар, маҳаллий аҳолининг имон-эътиқоди, урф-одатлари ва ҳаёт тарзи, Амир Темурнинг иттифоқчилари ва душманлари, у забт этган ўлкалар ва шаҳарлар ҳақида кенг маълумотлар беради. Бу асарларда Соҳибқироннинг руҳий ва жисмоний портрети аниқ ўз ифодасини топган дейиш мумкин.⁷¹

XVII-XVIII асрлар Ғарбий Европа драматургиясида Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига бағишланган драматик асарлар унчалик ҳам кўп эмас. Улар француз драматурги Жак Прудоннинг (1644-1698) “Амир Темур ёхуд Боязиднинг ўлими” (*Tamerlan ou la mort de Bajazet*, Paris, 1675), инглиз драматурглари Чарльз Саундерс “Буюк Амир Темур” (*Tamerlan the Great*, London, 1681) ва Николас Роунинг “Амир Темур” (*Tamerlan*, London, 1702), ҳамда немис ёзувчиси Кристьян Хайнрих Постелнинг “Боязид ва Темурланг” (*Bajazeth und Tamerlan*, Ҳамбург, 1690) драмаларидир.

Мазкур асарлар Кристофер Марло трагедияси сюжети асосида ижодий қайта ишлаш йўли билан яратилганлигини кузатиш мумкин. Уларнинг марказий сюжетида, асосан, Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасидаги тўқнашувлар тасвирланган. Муаллифлар икки ҳукмдор орасидаги конфликт ва муносабатлар воситасида ўз ғоявий

⁷⁰ Турсунов З., Турсунов А. Соҳибқирон Амир Темур образининг Ғарбий Европага кириб бориши тарихидан. – Наманган: НамДУ Илмий ахбороти, 2015. 2-сон. – Б. 219.

⁷¹ Эрматов Б. Амир Темур ғарбий Европа адаблари нигоҳида. – Б. 32.

нуқтаи назарини илгари сурганлар. Юқоридаги асарларнинг барчасида Амир Темур образи тасвири ўта зиддиятли ва мураккаб шахс сифатида талқин этилган.

Амир Темур замондоши Низомиддин Шомийнинг ёзишича, Амир Темур Боязидни бир-неча маротаба сулҳ тузишга чақирган, унга хатлар ёзиб, элчилар юборган, мурасага келишни таклиф этган. Шунга қарамасдан, Боязид бу хатларга ижобий жавоб қайтармаган. Шундан сўнг Темур Боязидга қарши жанг қилишга қарор қилган. Анқара жангида мағлуб бўлган Боязид асир олинади, шундай бўлса-да, унга илтифотлар кўрсатилади. Орадан кўп ўтмай, турк шоҳи – 1403 йилда, Оқшаҳарда сурункали касаллиги туфайли оламдан ўтади. Соҳибқирон эса ўзининг ғанимига юксак иззат-эҳтиром кўрсатиб, шоҳона дафн маросимини уюштиради.⁷²

XVI асрга келиб кўплаб хориж адиблари ва драматурглари ўз асарларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига мурожаат қилдилар. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини тасвирлашда кўплаб фантастик унсурларни қўллаш ҳам айнан XVI асрдан бошланди. Натижада Европа давлатларида ҳаёлий унсурлардан кенг фойдаланилган томошабоп асарлар пайдо бўлди. XVI асрнинг биринчи ярмида Италия ва Испанияда, иккинчи ярмида эса Франция ва Англияда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўплаб асарлар яратилди.⁷³

⁷² Шомий Н. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 335.

⁷³ Méxía Pero. Vida del gran Tamerlan / Méxía Pero. Silva de varia lección. – Madrid: 1540; бу асар ўша даврдаёқ инглиз тилига икки марта таржима қилинган: биринчи марта Томас Фортеску томонидан, The Life of Tamburlain the Great / London : The Forest, 1571 ва иккинчи бор Жорж Уэтстон томонидан The Life of Tamburlain the Great / London : English Myrror, 1886; Perondinus Petrus. Magni Tamerlani Scytarum Imperatoris Vita. – Roma: 1553; Ortelius Abraham. Theatrum orbis terrarium (атлас). – Anvers, 1564; Magnon. La Grand Tamerlan et Bajazet. – Rouen: 1647.

2.1. К.Постелнинг “Боязид ва Темур” либреттосида соҳибқирон образи: талқин ва таҳлил

Маълумки, К.Марлонинг “Буюк Темур (Tamburlaine the Great 1587-1588)” трагедияси ўз даврида катта муваффақият қозонган. Бу асар ҳақида рус ва ўзбек адабиётшунослигида маълум тадқиқотлар яратилган.⁷⁴

Немис бадиий адабиётида Амир Темур образининг илк бадиий талқини XVII асрда яшаб ижод қилган драматург Кристиан Ҳайнрих Постел томонидан яратилди. Ҳозирга қадар бирор-бир ўзбек олими ёки тадқиқотчиси томонидан немис адиби Кристиан Ҳайнрих Постелнинг “Боязид ва Темур (“Bajazeth und Tamerlan”, 1690)”⁷⁵ либреттоси ҳақида фикр юритилмаган ва бу асар тадқиқ қилинмаган. Муаллифнинг мазкур асари кириш ва уч кўринишдан иборат. Либретто 1690 йил Ҳамбургда Анно (XVII аср) томонидан сахналаштирилган ва унга композитор Йоханн Филипп Фурст (1652-1732) мусиқа басталаган.

Кристиан Ҳайнрих Постел 1658 йил 11 октябрда Элба дарёси бўйидаги Фрайбург шаҳрида руҳоний оиласида дунёга келган. У оиладаги кенжа фарзанд эди. Унинг оиласи 1967 йил Ҳамбург шаҳрига кўчаиб келади ва у шу ерда отасининг назорати остида таҳсил олди. К.Постел У 1980 йил Ҳамбург университетининг ҳуқуқшунослик йўналишига ўқишга киради ва 1983 йилда ўқишни тамомлайди. У талабалик даврларидан адабиётга қизиқади ва кичик ҳикоялар ёзишни бошлайди. К.Постел ҳаёти давомида кўплаб асарлар яратди, адиб асарлари асосини опера ва либреттолар ташкил қилади. У либреттолардан ташқари шеърлар, сахна асарлари ва дostonлар ҳам яратган.

XVIII аср бошларида Ҳамбург адабий жараёнида “Бўрттириш (Schwulst)” оқими пайдо бўла бошлади ва бу оқим Постел номининг унутилишига олиб келди. Унинг номи “Бўрттириш (Schwulst)” оқими вакиллари Лойенштайн ва Хофмансвалдаулар соясида қолиб кетди.⁷⁶

К.Постелнинг “Боязид ва Темур” (“Bajazeth und Tamerlan”, 1690) либреттоси Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” трагедияси

⁷⁴ Парфенов И. Кристофер Марло и легенды Востока и Запада. // Кристофер Марло. Две трагедии. – М.: Высшая школа, 1980, – С.184-240. Кароматов Ҳ. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии К.Марло Тамерлан Великий. Автореферат дисс... канд.филол.н. – Т.: 1990

⁷⁵ Postel Christian Heinrich. Bajazeth und Tamerlan. – Hamburg: 1690.

⁷⁶ Solveig O. Christian Heinrich Postels Beitrag zur deutschen Literatur des spaeten 17. Jahrhunderts. German Text. – Michigan: 1968. – S. 8.

таъсирида ёзилган бўлса-да, лекин у Марлодан фарқли ўлароқ, тарихий ҳақиқатга яқин талқин этилган. Шубҳасиз, у ўз даври эстетикасига Соҳибқирон ҳақидаги янгича қарашларни олиб кирган намуналардан биридир.

К.Постел асарни яратишда кўплаб манбалардан фойдаланганлигини асарнинг кириш қисмида таъкидлаб ўтади. Хусусан, у итальян операсини тилга олади, бу Хулио Цезарь Коррадиснинг 1689 йил Венецияда қўйилган “Буюк Тамерлан” (“Il gran Tamerlano”) операсидир. Бу опера ўша давр театр сахналарида кўп бора намоёниш этилган. Бундан ташқари муаллиф голланд ва француз комедияларига ҳам таянганини келтириб ўтади. Улардан бири француз адиби Магنون томонидан қайта ишланган “Буюк Темур ва Боязид” (“Le grand Tamerlan et Bajazet”, 1648) ва Сервайторнинг 1657 йил ёзилган “Буюк Темур ва Турк шоҳи Боязид ўртасидаги жанг” (“Den grooten Tamerlan met de Doodt van bajazet de I, Turks Keizer”) драмаларидир. Муаллиф асар ибтидосида драмалар қаторида тарихий асарларни ўрганганлигини ҳам таъкидлайди. Юқоридаги манбаларда келтирилган воқеа-ҳодисалар, яъни Амир Темур ҳақидаги афсона ва ривоятлар К.Постелнинг асарида ҳам кўзга ташланади.

Кристиан Хелмут Вольфнинг таъкидлашича; “Марлонинг “Буюк Темур (1586)” асари К.Постелнинг “Темур ва Боязид (1690)” асари учун намуна вазифасини ўтаган. Марлонинг голландча таржимаси 1667 йил Ҳамбургда қўйилган. Аслиятдаги бир неча ҳолатлар операда ўз аксини топган, яъни Боязиднинг манманлиги сабаб темир қафасда ўтириши, ақлдан озиши ва ҳалок бўлишидир. Бундай дахшатли ўлим сахнасини кўрсатиш инглиз театрларида муҳим рол ўйнаган ва бундай сахна кўринишлари Ҳамбург театрларига ҳам кўчиб ўтган (Marlowes Tamburlaine the Great (1586) diente als Vorbild Bajazeth und Tamerlan (1690) von Christian Heinrich Postel. Eine hollaendische Uebersetzung Marlowes war im Jahre 1667 in Hamburg gespielt worden. Einige Situationen des Originals sind genau in die Oper uebernommen worden, wie die Szene, in welcher der wegen seines Hochmutes in einen Kaefig gesperrte Bajazeth sich an dessen eisernem Gitter “ganz rasend” den Kopf zerschmettert. Solche grauenvollen Todesszenen, wie auch das “rasen” und Verrueckwerden, spielten auf dem englischen Theater eine grosse Rolle und wurden haeufig in die Hamburger Oper uebernommen.)”.⁷⁷

⁷⁷ Wolff Hellmuth Christian. Die Barockoper in Hamburg 1678-1738. Wölfenbättel. 1957.

Херберт Юнкернинг фикрича, испан шоири Ле Гуверранинг “Эронлик Буюк Темурнинг юришлари” (“La nueva ira de Dios y gran Tamorlan de Persia”) номли драмаси 1657 йилда Сервейтор томонидан голланд тилига таржима қилинган “Буюк Темур ва Турк шоҳи Боязид ўртасидаги жанг” (“Den grooten Tamerlen met de Doodt van bajazet de I, Turks Keizer”) драмасига намуна сифатида хизмат қилган. Шу билан бирга бу асар француз адиби Магنونнинг “Le grand Tamerlan et Bajazet” драмасига ҳам асос бўлган, лекин К.Постелнинг либреттоси Марлога дахлдор эмас.⁷⁸

О. Солвейг ҳам Постел ва Марло асарлари ўртасидаги фарқ ҳақида шундай фикр билдиради: “Айтиш мумкинки, Боязид саҳнаси барча драмаларда акс этган. Марлонинг саҳна асарида Боязиддан ташқари фақат биргина Забина ёрдамчи персонаж сифатида тасвирланган, боиси муаллиф Темурни ҳукмронликка интилувчи шахс сифатида тасвирлайди. Боязид ва Темур ўртасидаги муносабатлардан фойдаланади. Боязид ва унинг ўлими саҳнасида, нафақат Боязид, балки унинг хотини ҳам ўз жонига қасд қилади. Асарда Боязиднинг хотини Забина Темурнинг завжаси каби мағрур ва ҳурматга сазовор этиб тасвирланади. Постел либреттосини кузатар эканмиз, шунга амин бўламизки, унинг асарида бир-бирига узвий боғланган ва томошабинни ўзига ром этадиган воқеаларни кўришимиз мумкин, бу, шубҳасиз, унинг ўзига хос услубидир”⁷⁹

К.Постел либреттосида Темур, Мандана, Одмар ва Калибес, Боязид, Деспина, Мусо, Алима, Мурот, Кебан Кехир, Хафан, Кадин каби персонажлар иштирок этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, муаллиф асарнинг кириш қисмида Темур ва Боязид образини ёритиш учун кўплаб буюк шахсларнинг характер-хусусиятларини кўрсатиб ўтади. У ўз асарида фақатгина эътиборга молик ва қизиқарли воқеаларни келтиради. Асарда рамзлардан ҳам унумли фойдаланилган. Масалан, тартарлар чодирларининг ранги ҳақидаги тасвирларни таъкидлаш мумкин. Афсоналарга кўра жангдан олдин тартарлар шоҳи Темурнинг чодирини биринчи куни оқ рангда – бу меҳр-шафқат қиламан, иккинчи куни қизил рангда – бу шафқат қилмай жанг қиламан, учинчи куни қора рангда – бу яксон қиламан, деган маънони англатади”. Либреттонинг

⁷⁸ Junkers, Herbert. Niederländische Schauspieler und Niederländisches Schauspiel im 17. und 18. Jahrhundert in Deutschland. – Haag: 1936.

⁷⁹ Solveig O. Christian Heinrich Postels Beitrag zur deutschen Literatur des spaeten 17. Jahrhunderts. – S. 94.

биринчи кўринишида Анқара Темурнинг қора чодир тикилган кун босиб олинади.

Маълумки, Амир Темур ҳаётига оид маълумотлар тарихчилар асарларида у ёки бу тарзда ўз ифодасини топган. Боязид ва унинг рафиқаси тақдири кўплаб манбаларда бир хил кечади. Боязиднинг қафаси, унинг таҳқирланиши, Темурга курси сифатида хизмат қилиши, рафиқасининг ҳукмдорга жория бўлиб хизмат қилиши ва Боязиднинг бундай азоблардан таъсирланиб бошини қафасга уриб ҳалок бўлиши Европада яратилган барча манбаларда бир хил тарзда аксини топган. Бундай сахна кўринишлари, воқеалар тафсилоти муаллифнинг кириш сўзида келтирилган, улар драмада қайта ишланган ва бадиий жило берилган.

Воқеалар 1402 йил Анқара яқинида, яъни Йилдирим Боязид ҳукмронлигининг босиб олиниши даврида содир бўлади. Асарнинг биринчи кўринишида Темур ва Боязид ўртасидаги муносабатлар, Боязиднинг асирга олиниши ва банди этилиши тасвирланади. Боязид ва Темур ўртасида бўлиб ўтган суҳбатда Боязид ўз-ўзига ҳукм ўқийди. “Агар у ғолиб бўлганида, Темурни қафасга тикишини, тартарларни оғир конларда ишлатишини айтади (Er spricht spaeter; Er wird zur Unterhaltung der Tartaren im Kaefig herumgetragen und muss sonst im Bergwerk arbeiten)”.⁸⁰

Драмада Темур аввалига Боязидга ҳурмат кўрсатиб, сўнг уни таҳқирлаши Боязидни қаҳр-ғазабини жумбушга келтиради, Айниқса, у Темурга курси сифатида хизмат қилиши ва рафиқасининг базму жамшидларда соқийлик қилиши, уни бошини темир қафасга уриб ҳалок бўлишига олиб келади. Соҳибқирон Амир Темур қаттиққўл, шафқатсиз бўлиш билан бирга адолатли, саховатпеша ва кечиримли эди. Бунга мисол Боязиднинг ўлимидан сўнг унинг аёли Деспинага эрининг тутқунлигида ҳам унга бўлган муҳаббатини йўқотмагани учун соҳибқирон уни кечириб, Сербияга кетишига рухсат беради. Бу ўринда бадиий конфликт душманга бўлган олижаноб муносабат – кечириш орқали очиб берилган.

Амир Темур характеридаги кечиримлилиқ ва бағрикенглик тўғрисида Низомиддин Шомийнинг “Зафарномаси”да шундай дейилади: “Амир Соҳибқироннинг равшан хоҳиши ва нурли замирида шу фикр бор эдики, қачонки Рум мамлакати ишларидан фориғ бўлса, Йилдирим Боязидни иззат ва ҳурмат билан ўз мақомига қайтармоқчи

⁸⁰ Postel C. Bajazeth und Tamerlan. In einem Sing Spiel vorgetellet. – A. 1.1.

эди: токи олам аҳли бу ҳазратнинг оламшумул авфи ва комил марҳаматини ҳис этсинлар ва билсинларки, бу (Соҳибқирон) ҳазрат ўткир қилич учи билан мамлакатларни олади-ю, яна қудратли қамчин учининг ишорати билан уни бағишлайди”.⁸¹

“Тузукот”даги далилларга кўра, Амир Темурнинг бир ажойиб хислати бўлган; қўл остидагиларни гуноҳини кечира олган. У шундай эслайди: “Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганлар илтижо билан тавба тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим”. Амир Темур Жониқурбоний қавмидан машҳур Арғуншоҳнинг авлодидан бўлмиш Алибекни ҳам икки марта кечиради, зеро, у Амир Темурни бошига кўп мусибатлар солган эди.⁸²

К.Постел либреттосининг биринчи сахна кўринишида Боязид ва унинг атрофидаги персонажларнинг характер хусусиятлари ҳам тасвирланади. Масалан, Турк хоқони Боязид ўз ғалабасига ишонган шахс, Мусо ва Мурод шаҳар ҳимоясига масъул, Деспина эса шоҳни овунтиришга ҳаракат қилади.

Бу ҳолатни биз Деспинанинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиб олишимиз мумкин: Wenn dir lacht ein falscher Freund

Und das Glueck am hellsten scheint

Fuerchte dich vor beiden

Weil durch ihren Unbestand

Gar zu leicht sind umgewand

Die gehofften Freuden

Агар сенга сохта дўстинг жилмайса,

Ва бу сенга омаддек туюлса,

Ҳар иккисидан хушёр бўл.

Чунки уларнинг бари ўткинчи

Сен бундан қутула олмайсан⁸³ (*Таржима бизники – А.Т.*)

Асарда Боязиднинг манманлиги тезда ўз кучини йўқотади, ҳеч ким уни тутқунликдан, ажал комидан қутқара олмайди. Инсон тақдирини бундай тасвирланиши ўша давр адабиёти учун хос бўлиб, инсон қилмишлари учун яратган ва тақдир синовлари олдида жазоланиши анъанавий мавзу ҳисобланарди.

Драма ишқий муносабатлар ва қувноқ сахна кўринишлари билан ҳам бойитилган: Мандана (Темурнинг синглиси) ва Муса (Боязиднинг

⁸¹ Шомий Н. Зафарнома. – Б. 336-339.

⁸² Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 38.

⁸³ Postel C. Bajazeth und Tamerlan. – А. 1.2.

ўғли) ўртасидаги, Алима (Боязиднинг қизи) билан Кебан Кехир (Темурнинг хизматкори Ириснинг ўғли) ўртасидаги ишқий муносабатлар тасвирланади. Адибнинг бу каби севги эпизодларни қўллаши, драмани томошабоп ва қизиқарли бўлишини таъминлаган.

Асарда Мандана ва Мусо ўртасидаги севгига Темур аввалиги қаршилик кўрсатади ва кейинчалик уларнинг муносабатлари жиддий эканлигини кўриб, уларни турмуш қуришига рухсат беради. Бу ўринда Темур характеридаги ўз яқинларига нисбатан меҳрибонлик каби характери кўрсатиб берилган. Тарихдан маълумки Темур ва темурийлар салтанатида аёллар алоҳида эъзозга лойиқ бўлишган ва улар давлат ишларида ҳам маълум бир маънода иштирок этишган. Бунга мисол қилиб Темурнинг суюкли хотини Биби хоним ёки Бобурнинг катта онаси Эсон Давлатларни келтиришимиз мумкин. Постелда ҳам Темурнинг Анқарага юришида синглиси Мандана бирга бўлади ва у билан тез-тез маслаҳатлашиб туради. Мандана жангдан олдин Темурга юзланиб шундай дейди. “Vor dem schwarzen Zelt Tamerlans erfahret Mandane auf ihre Fragen die Ursache von Tamerlans Hass. “Bajazeth sei nicht nur stolz, sondern auch grausam und muesse deshalb gestuerzt worden (Мандана Темурнинг қора чодир олдида Темурнинг Боязидга нисбатан бунчалик нафратини сабабини сўраганда. Темур шундай жавоб беради. “У нафақат мағрур, балки ваҳший ҳамдир, шунинг учун ҳам уни маҳв этмоқ керак”)”⁸⁴

К.Постел асарида мағрурлик ва беайблик ҳар қандай ҳолатда ҳам тақдир ҳукмига ҳавола этилишини кўрамыз. Агар ўз вақтида айбдорлик ва қайсарлик тан олинса, муаллифнинг фикрича, тақдир унга ён босади.

Фикримизга кўра, асарда Амир Темур ижобий образ сифатида тасвирланган, бунга сабаб шуки, XVII аср охирларида қора Мустафо бошчилигидаги турк қўшинлари Венадан ҳайдаб чиқарилганига қарамай, турклар ҳали ҳам Европага хавф солиб турарди. Бу фактлар сабаби ўлароқ муаллиф ўз асарида Темур шахсини шарафлаб улуғлайди ва турк ҳукмдорларини ваҳший, даҳшатли сифатлари билан талқин қилади. Бу, албатта, ҳар қандай асарнинг давр хусусиятидан келиб чиқади. Ўша даврдаги сиёсий жараёнлар икки ҳукмдор сиймосида намоён этилган. Драмада ёвуз ҳукмдор, бу насронийми, Боязидми ёки бошқа бир ҳукмдорми, у ўз тақдирига ўзи сабабчи эканлиги очиб берилади.

⁸⁴ Postel C . Bajazeth und Tamerlan. – A. 1.2.

Мазкур асарда Темур Боязиднинг айби – унинг дин ва шариатга хуш келмаган ишларни қилганлигида, деб ҳисоблайди: “Сенинг манманлигинг ва ношукрлигинг Худонинг қаҳрига йўлиқтирди (Dein Uebermuth hat dich dazu gebracht, dass du auf keinen Dank vor Gott gedacht)”.⁸⁵

Боязиднинг мағлубияти, Оллоҳ томонидан чиқарилган адолатли тақдир жазосидир. Аввалги муаллифларнинг асарларида Темурнинг ёвузликлари ҳақида ёзилган бўлса, Постелда бундай эпизодлар учрамайди. Марлода бир тўда палма кўтарган болалар ва аёллар турклар махв этилган куннинг учунчи кунда шафқат сўраб илтижо қилганларида, Темурнинг буёруғига кўра улар йўқ қилинади. Бу қонли сахна Постелда киритилмаган. Шундай бўлса-да, асарда баъзи даҳшатли сахналар ҳам мавжуд; бу Боязидни тупроққа белаш эпизоди, аммо муаллиф бу ҳолатни Темурни ёвузлиги эмас балки, яратганнинг манманлик устидан чиқарган адолатли жазоси, деб ҳисоблайди.

Асарда келтирилган манбалардан маълум бўладики, тарихий шахс Темур ёки Темурланг ўзининг забткор юришлари сабаб фотих сифатида тасвирланади, Темур ўз кучига ишонса, Боязид тахтга, ҳокимиятга, шон-шуҳратга мерос сифатида эришган.

Муаллиф либреттосининг биринчи сахналаридаёқ Темур ва Боязид ўртасидаги тафовут яққол кўзга ташланади. Биринчи кўринишда барча қаҳрамонлар таништирилади ва Боязиднинг мағлубияти, Темурнинг ғалабаси кўрсатилади.

Иккинчи кўринишда эса Боязидни Темур томонидан камситилиши ва булардан у фақатгина ўлим орқали қутула олиши кўрсатилади.

Учинчи кўринишда Боязиднинг сўнгги таҳқирланиши, ўлими, юқоридаги севги саргузаштларининг ижобий ечими тасвирланади.

Асарда келтирилган манбалардан маълум бўладики, тарихий шахс Темур ёки Темурланг ўзининг забткор юришлари сабаб фотих сифатида тасвирланади, Темур ўз кучига ишонса, Боязид тахтга, ҳокимиятга, шон-шуҳратга мерос сифатида эришган.

Маазкур либреттода Амир Темурнинг буюк саркарда, адолатли ҳукмдор каби сифатларидан ташқари, уни бағрикенг ва кечиримли шахс эканлиги ҳам бир неча ўринларда кўрсатиб берилади. Айтиш мумкинки К.Постел немис адабиётида керак бўлса ғарб адабиётида Амир Темур образини илк бор реалистик тасвирини яратган адибдир.

⁸⁵ Postel C. Bajazeth und Tamerlan. – A. 1.12.

У Соҳибқиронни нафақат зоҳирӣ балки, ботиний томонларини ҳам очиб беришга ҳаракат қилган. Муаллиф ёрдамчи персонажларнинг хатти-ҳаракатлари орқали Амир Темурнинг ички дунёсини ҳам очиб бера олган. Буни асар якунидаги Мандана ва Мусо, Алима ва Кебан Кехир ўртасидаги муҳаббат можораларининг ижобий ечимини кўрсатувчи сахна орқали, яъни Амир Темур синглиси Манданани Боязиднинг ўғли Мусога турмушга чиқишига, ёки тутинган ўғли Кебан Кехирни Боязиднинг қизи Алима билан турмуш қуришига розиик бериши, Соҳибқиронни фақатгина буюк ва шавқатсиз саркарда эмас, балки инсон ҳис-туйғуларини нозик томонларигача тушуна оладиган шахс, қолаверса меҳрибон ака эканлигини кўрсатиб берган.

Фикримизча, XVII асрларда Ғарбий Европа адабиётида Темур образини тарихий ҳақиқатга яқин ва ижобий тасвирлашга ҳаракат қилган ёзувчилардан бири Кристиан Ҳайнрих Постелдир.

2.2. Немис поэзиясида Амир Темур образи тасвири

Амир Темур образи немис адабиётининг турли жанрларида намоён бўлган. Хусусан, немис поэзиясида ҳам Соҳибқирон образи тасвирларини кўришимиз мумкин. Немис поэзиясига амир Темур образини илк бор буюк немис адиби И.В.Гёте (1749-1832) олиб кирди. У ўзининг “Ғарбу Шарқ девони(1812)”да Амир Темур образига мурожаат қилган.

У.Сотимовнинг таъкидлашича, Ваймар шаҳрининг герцоги сифатида немис адиби И.В.Гёте немис композитори Г.Хендель операсининг намоишларида бир неча бор иштироқ этган. Шу тариқа, мазкур опера таъсирида буюк немис адиби Гёте тафаккурида Темур сиймоси шаклланади. Табиийки, бу жараён натижасида Гётеда Амир Темур ҳақида асар ёзиш ғояси туғилади. Ушбу мулоҳазалардан маълум бўладики, Гётенинг Хенделдан таъсирланиши генетик негизи моҳият эътиборига кўра Кристофор Марлога бориб тақалади. Бироқ аён бўлганидек, таъсирланиш бевосита эмас, балки билвосита шаклда кечган. Яъни Хендель мазкур операни ёзишда бирон тарихий манбага, Шарқ ёхуд Ғарбда расмий тарих мақомини олган бирон асарга мурожаат этмаган. Балки у Амир Темур ҳақда тенденциоз қарашларини битиб қолдирган Ибн Арабшоҳга таянган Кристофор Марлога, айнан унга ҳеч қандай ислоҳларсиз тақлид этган Николас Роуга асосланган, Гёте эса Хендел асаридан ижодий озиқ олган.

Натижада унинг оригинал “Темурнома”си дунёга келган.⁸⁶ Олим У.Сотимовнинг фикрига кўра Гёте Хендел сахна асаридан илҳомланиб, Темур ҳақида асар ёзишга жазм қилади. Бу, албатта, тўғри, лекин олим таъкидлаганидек, таъсирланиш билвосита кечган эмас, чунки Хенделнинг операсида Амир Темур худди Н.Роу асаридаги каби ижобий образ сифатида тасвирланади.

Бизнинг фикримизча, Гёте Марло драмасидан кўпроқ илҳом олган, чунки шоирнинг “Темурнома”сида Амир Темур ўта даҳшатли, шафқатсиз, жасур образ сифатида тасвирланган. “Темурнома”⁸⁷ шоирнинг “Ғарбу Шарқ девони”даги IV фаслда келтирилади. Гёте Амир Темурни ўз “Темурнома”сида кучли, шижоатли ва мард, жасур ва албатта шафқатсиз ҳукмдор сифатида тасвирлайди.

“Темурнома”да Амир Темур образи “Қиш ва Темур” шеърида тасвирланади. Гёте Амир Темур сиймосига тазод тарзида қарама қарши қутб – Аёз тимсолини бадий талқинга киритади. Шеър сарлавҳасидан унинг ғояси уруш эканлиги кўзга ташланади. Бизга маълумки, шеъриятда қиш образи куллик, уруш каби маъноларни англатади, ёз эса мустақилликни ифодалайди. Гёте ҳам қиш тимсолида Соҳибқирон иродасини букишга шайланган кучни, яъни урушни кўради. Масалан;

So umgab sie nun der Winter
Mit gewalt'gem Grimme. Streuend
Seinen Eishauch zwischen alle,
Hetzt'er die verschiednen Winde
Widerwartig auf sie ein.

Über sie gab er Gewaltkraft
Seinen frostgespitzten Sturmen,⁸⁸

Шундай қилиб бутун атрофга қаҳратон қиш келди,
ҳамма ёққа муз каби совуқ уфурди.
Жангга шай турли шамолларни одамларга ташлади.
ва қаҳратон бўронга зўравонликни буюрди.

(*Таржима бизники – А.Т.*)

Шоир бу мисралар билан ҳадемай Европада бўладиган даҳшатли урушларга ишора қилган. Тарихдан маълумки, XVIII асрнинг охирлари ва XIX асрнинг бошларида Европанинг асосий ҳудудларида Наполеон ҳукмронлик қиларди, у 1806 йилда Пруссия пойтахти

⁸⁶ Сотимов У., Якубов М. Гёте “Темурнома”сининг илҳом манбалари: Марло ва Ҳофиз. Олмоншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари. – Тошкент: 2011. – Б. 304.

⁸⁷ Goethe J.W. West-östlicher Divan. Timur Nameh. – Stuttgart: 1819.

⁸⁸ Goethe J.W. Gedichte. – Moskau: Progress, 1980. – S. 247.

Берлинни ҳам эгаллаб олган ва немис халқи бошига кўп кулфатлар солган. Бу пайтда шоир ўз шеърларида Наполеонни тўғридан-тўғри тасвирлай олмасди, шунинг учун Темур образидан фойдаланган. Буни Ғ.Саломов ва Эрматовлар ҳам таъкидлаган; “У (Гёте) Ибн Арабшоҳнинг Жонсон томонидан лотин тилига таржима қилинган хроникаси асосида Темур образини ўз “Девони”га киритган. Қаҳратон қишининг жаҳонгир Темурга қарата айтган сўзлари император Наполеонга нисбат бериб ёзилган эди. Буни немис шоирининг ўзи эътироф этган”.⁸⁹

Шеърда уруш маъбудлари – Сатурн ва Марс образи келтирилади. Аёз Темурни бирлашишга чақиради, Ер юзига биргаликда ёвузлик уруғини сочишни таклиф қилади. Темурни Марсга – оддий жангчига, ўзини эса Сатурн – уруш маъбудига теглаштиради:

Du bist Greis, ich auch, erstarren
Machen wir so Land als Menschen.
Mars! du bist's! ich bin Saturnus,
Ubeltatige Gestirne,
Im Verein die schrecklichsten.⁹⁰

Сен кекса ёвуз, мен ҳам шундай
Иккимиз бир бўлиб ер юзин музлатамиз.
Сен – Марс бўлсанг, мен – Сатурн
Биргаликда, беадад кулфатлар келтирамиз.

Кейинги ўринда Аёз фикрини ўзгартиради ва Темурга юзланади;
Totest du die Seele, kaltest
Du den Luftkreis;
Qualen deine wilolen Heere.
Glaubige mit tausend Martern;⁹¹

Ер-кўкни музлатарсан, сен шафқатсиз, сен золим
Диндорларни кирурсан шафқатсиз қўшининг билан. (Таржимон – А.Т)

Кўриниб турибдики, Гёте Н.Роунинг “Амир Темур” трагедиясидан эмас балки, Марлонинг “Буюк Темур”идан таъсирланган. Чунки Роу асарида Темур диндорларни қатл эттирганлиги ҳеч бир ўринда тасвирланмаган. Роу Амир Темурнинг дин ҳимоячиси эканига алоҳида урғу қаратади. Бу билан у ўша даврдаги Англияда католик ва протестантлар ўртасидаги зиддиятлар ва курашларнинг оқибатларини

⁸⁹ Саломов Ғ, Комилов Н. Дўстлик кўприклари (Поэзия ва таржима). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. – Б.19.

⁹⁰ Goethe J.W. Gedichte. – S. 247.

⁹¹ Ўша асар. – Б. 247.

кўрсатиб беради. Марлода эса бунинг акси, яъни Темур босқинчи ва шафқатсиз, ўзи босиб олган ўлкаларда барча душманларини у хоҳ диндор, хоҳ ғайриддин бўлсин қириб ташлаган.

Шеър давомида Қиш ўзи бирлашишни таклиф қилиб турган Темурга таҳдид солади.

Geb es Gott! was Schlimmres finden.

Und bei Gott, dir schenk ich nichts.

Hor es Gott, was ich dir biete!

Ja, bei Gott! von Todeskalte

Nicht, o Greis, verteid'gen soll dich

Breite Kohlenglut vom Herde,

Keine Flamme des Dezembers.“⁹²

Таржимаси:

Сен нима ёмонлик қилсанг Худо сенга шуни беради

Оллох гувоҳ! мен ҳам сенга кўп кулфат соламан.

Эй кекса қанча уринма, шафқат қилмасман сенга.

Қочолмайсан сен барибир, ўлимнинг совуғидан.

(*таржима бизники – А.Т.*)

Гувоҳи бўлганимиздек, Гёте асаридаги Темур тасвири Наполеон образи билан уйғунлашиб кетади. Бунда шоир зўравонликка қарши чиқади. Гёте ўз шеърларида Наполеон истилоларини, унинг Германия ва Европа халқлари бошига солган кулфатларни тасвирлайди. “Темурнома”даги бошқа шеърлар ҳам Гёте яшаган даврнинг босқинчилик ва вайронгарчилик воқеаларига қарши қаратилган. Бунга “Зулайҳога” (“An Suleika”) номли шеъри ҳам мисол бўлади. Бу шеърда Темур номи бир ўринда, яъни охирги бандда келади.

An Suleika

...Sollte jene Qual uns quälen,

Da sie unsre Lust vermehrt?

Hat nicht Myriaden Seelen

Timur's Herrschaft aufgezehrt?⁹³

Куйма, бўлар иш бўлган.

Бахтинг шиша ичида! -

Минглаб одамлар ўлган

Темурнинг қиличидан! (*Таржима бизники – А.Т.*)

⁹² Goethe J.W. Gedichte. – S. 247.

⁹³ Ўша асар. – Б. 248

Шоир Зулайхонинг анбари учун қурбон этилган минглаб “тирик жонлар” қисматидан қайғуриш билан бирга, уни юпатади. Энди кеч бўлганини, бу гулларни ортга қайтариш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Фикримизча, Амир Темур ҳеч қачон аёлларни кўнглини олмоқ учун минглаб одамларни қурбон қилмаган.

Тарихдан маълумки, XVIII асрнинг охирларида немис адабиёти янги босқичга қадам қўяди ва бу даврда немис адабиётида “Бўрон ва ҳужум” бадиий ҳаракати вужудга келади, Аввалига уларнинг ҳужуми феодал жамиятга қаратилган бўлса, кейинчалик бу ҳужум ижтимоий характер касб этиб, унинг намоёндалари штюрмерлар деб аталди. Й.Гёте ҳам мазкур адабий ҳаракат вакилларида бири эди. Улар киняз деспотизмини қаттиқ танқид қиладилар ва хурфикрлилик учун курашадилар. Гётенинг “Темурномаси”да ҳам штурмчилар ғоялари сезилиб туради.

Биз биламизки, Соҳибқирон Мовароуннаҳр халқларини бирлаштириш, тинчлик ўрнатиш ва марказлашган давлат барпо этиш учун жанг қилган адолатли ва қаттиққўл ҳукмдор бўлган.

Албатта, бадиий образ яратишда ёзувчи турли деталлардан фойдаланишга ҳақли. Зеро, “Образлилик - санъатнинг асосий хусусияти, ҳаётни ўзлаштиришнинг ўзига хос шакли ва усулидир”⁹⁴.

Немисзабон бадиий адабиётда Амир Темур образига мурожаат қилиш, буюк Соҳибқирон образини тасвирлаш XX асрда ҳам давом этди.

Яна бир немис адиби, драматург, шоир Петер Хакс ижодида ҳам Амир Темур образига мурожаатни кузатишимиз мумкин. Петер Хакс 1928 йил Германиянинг Бреслау шаҳрида дунёга келган. У 2003 йил, яъни умрининг охиригача Берлинда яшаб ижод қиладди. У “Тинчлик”, “Гўзал Елена”, “Қашшоқлик ва куч”, “Қушлар”, “Мариянинг болалари” каби кўплаб асарлар, драмалар ва “Темур Берлинда”, “Муҳаббат шеърлари”, “100 та шеър” каби шеърӣ тўпламлар муаллифидир. П.Хакс ўз асарлари ва илгари сурган ғоялари натижаси ўлароқ, ГДР (Германия Демократик республикаси) адабий оламида юксак ҳурматга сазовор бўлган. Фикримизни унинг бир неча бор адабиёт соҳасида “Лессинг номидаги”, “Немис танқидчиси”, “Ҳайнрих Манн номидаги”, “ГДР 2-даражали миллий мукофоти”, “ГДР 1-даражали миллий мукофоти” каби мукофотларни олгани ҳам

⁹⁴ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 41.

тасдиқлайди. Унинг ижодида драмалар салмоқли ўрин тутади. Петер Хакс кўплаб драма, эссе, эртак ва шеърлар муаллифидир.

2002 йил Берлинда унинг “Темур Берлинда” (“Tamerlan in Berlin”)⁹⁵ деб номланган шеърий тўплами нашрдан чиқади. Бу тўпламда унинг 42 номдаги шеърлари жамланган. Тўпламни диққат билан кузатар эканмиз, фақат биргина “Темур Берлинда-Tamerlan in Berlin” шеърида Амир Темур номига дуч келамиз. Тўпламга киритилган шеърларнинг бошқа бирортасида Амир Темур номи учрамайди. Мазкур шеърни ўқир эканмиз, у нафрат билан ёзилганлигини гувоҳи бўламиз. Бу шеър иккинчи жаҳон урушидан кейин Берлин воқеалари таъсирида ёзилганлиги сабаб, унда жангчиларга нисбатан кескин нафратни кузатамиз. Шеърнинг биринчи бандлариданок шоир Амир Темур образини кучли, тезкор даҳшатли образ сифатида тасвирлагани кўзга ташланади. Масалан:

Timur der Hinker, Fuerst der Transoxanen,
Durch Gottes Zorn gesetzt auf seine Bahnen,
Мовароуннаҳр ҳукмдори оқсоқ Темур
Худонинг қаҳрини келтириб йўлга отланди,
Nachdem er Persien an sich gerissen,
Bagdad zerstoert, Russland in Staub geschmissen,
Форсни мағлуб этгандан сўнг
Богдодни вайрон этиб, Русиянинг кулини кўкка совурди.
Fiel ihm noch bei, mit seinen Steppensoehnen
In unsrer Hauptstadt seinen Zug zu kroenen.⁹⁶
Ўзини саҳройи ўғлонлари билан
Бизнинг пойтахт томон йўл олди. (Таржима бизники – А.Т.)

Тарихдан маълумки, Амир Темур Россиянинг кулини кўкка совурмаган ва Берлинга бостириб бормаган. Ёзувчи бу ерда иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли оқибатларини Темур ва унинг жангчилари образида тасвирлайди.

Des Hinkers Heer kam rasch wie ein Gedanke
Hereingebrochen ueber Spree und Panke.
Оқсоқ қўшини шамолдек елиб
Шпрее ва Панке (дарё)ни кечиб ўтди.
Ein ausgestopfter Ziegenbock, den Horden
Vorantgetragen, ruft zu tausend Morden,
Кучга тўлган махлуқдек бостириб келиб

⁹⁵ Hacks P. Tamerlan in Berlin. – Berlin: Eulenspiegel 2002.

⁹⁶ Ўша асар. – Б. 48.

*Минглаб қурбонларга сабаб бўлди,
Und graesslich duengen des Tyrannen Diener
Die Linden mit dem Blute der Berliner.
Босқинчининг малайлари ҳаракатила
Арғувон дарахтлари берлинликлар қони билан сугорилди.
Drei Tage litt das Volk Gewalt und Schatzung.
Doch noch viel schwerer drueckte die Beatzung.⁹⁷
Халқ уч кун зўравонликдан азоб чекди
Ишғол қилиш янада шафқатсиз бўлди.
(Таржима бизники – А.Т.)*

Бизнинг фикримизга кўра, ёзувчи Берлинда яшагани сабаб, урушнинг сўнгги кунлари воқеалари гувоҳи бўлган. Шеърнинг охиригача шундай нафратли туйғулар акс этади. Шеър 24 байтдан иборат бўлиб, а-а тарзида қофияланган, яъни маснавий шаклда ёзилган. Адиб бу шеърида бўрттириш (kam rasch wie ein Gedanke, Torpedokaefer), ўхшатиш (ein ausgestopfter Ziegenbock, gruenen Ziegeltee), киноя (schlaeft ein furzender Usbeke) каби бадий тасвир воситаларидан фойдаланган ҳамда Амир Темур тасвирини бақувват, кучли ва даҳшатли кўмондон сифатида чизган. Шеърда Амир Темурнинг тилга олинishi унинг таниқли саркарда ва ғолиб ҳукмдор сифатида тарихда ном қолдиргани ва Ғарб адабиётларида Амир Темур образига кўп бора мурожаат қилинганидир. Бундан ташқари шеърда ўзбеклар номи ҳам бир-неча бор тилга олинади. Бу билан у совет армияси таркибида ўзбек аскарлари ҳам борлигига ишора қилган. Масалан:

Bei Aufbau sitzt ein leitender Usbeke
Und druckt nun sein usbekisches Gequaeke
Bei Aufbau! dort, wo meine eignen Dramen
Erschienen, ehe die Usbeken kamen

Ўз-ўзидан маълумки, Амир Темур Шарқнинг буюк сиймоси ва ўзбек халқининг фахри, улуғ саркардасидир. Шу сабаб, шоир Соҳибқирон ва ўзбеклар образидан фойдаланган бўлиши мумкин.

Мазкур шеърий тўплам нашрга берилгандан сўнг таҳририят муаллифга Амир Темур ва унинг ўзбеклари деганда нимани назарда тутгани ва муаллиф мазкур саволга жавоб бериши тўғрисида сўровнома юборади.⁹⁸ Лекин, афсуски, бу орада П.Хакс вафот этади ва сўров жавобсиз қолади. Мазкур шеърда П.Хакс иккинчи жаҳон

⁹⁷ Hacks P. Tamerlan in Berlin. – Б. 49.

⁹⁸ Ўша асар. – Б. 49.

урушининг совуқ оқибатларини кўрсатиш учун шарқнинг буюк фотиҳи Амир Темур образидан ноўрин фойдаланган. Тарихдан маълумки, Амир Темур ўз даврида кўплаб мамлакатларни забт этган, лекин у фақатгина жангу жадал ва вайронкорлик билан доврў таратмаган, балки ўзининг бунёдкорлиги, кечиримлилиги ва меҳрибонлиги билан ҳам танилган. Немис адиблари Темурнинг мақсади марказлашган ва обод давлат барпо этиш бўлганлигини кўплаб тарихий адабиётлардан билиб олсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу соҳада барча олимларимиз: тарихчилар, файласуфлар, адабиётшунослар ҳамда ёзувчи, шоирлар фаол ҳаракат қилишлари талаб этилади.

Бизнинг фикримизча, шеърда Амир Темурнинг тилга олинishi унинг таниқли саркарда ва ғолиб ҳукмдор сифатида тарихда ном қолдиргани ва Ғарб адабиётларида Амир Темур образига кўп бора мурожаат қилинганидир. Гётенинг “Темурнома” асари ва П.Хакснинг шеърий тўпламида Соҳибқироннинг ижобий фазилатлари тилга олинмаган, балки уларнинг сиёсий мақсадларини ифодалаш учун салбий образ сифатида тасвирланган.

Албатта, ёзувчи ва шоирлар бадий адабиётда жамиятнинг қора юзини, ундаги ёмон иллатларни, ҳукмдорларнинг шафқатсиз ва номаъқул ишларини халққа етказиш учун тилларда дoston бўлган, афсонага айланган тарихий шахслар образидан фойдаланадилар. Жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ифодалашда уларнинг номларидан ўз қаҳрамонларини яратадилар. Немис адабиётида ҳам бундай ҳолатларни кузатиш мумкин ва биз бунга амин бўлдик, лекин фикримизча, ҳар қандай ёзувчи ўз қаҳрамонини яратаётганда бошқа халқлар ёки ўзга миллат қаҳрамонлари номига доғ тушириб, тарихий ҳақиқатга зид бўлган ҳолатларни киритишдан аввал ўша шахсни ҳар томонлама ўрганиб, кейин унинг номидан фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Тарихий шахслар, алломалар, саркардалар ва буюк давлат арбоблари ҳақида асар битган ҳар қандай адиб тарихий ҳақиқат ва унга бўлган замонавий талаблардан келиб чиқиб хулосалар қилиши лозим.

2.3. Замонавий бадий адабиётда Соҳибқирон образи талқинлари

Немис адабиётида Амир Темур образини яратиш анъанаси бугунги кунгача ҳам давом этиб келмоқда. Йиллар ўтиши билан Соҳибқирон образи талқинлари ҳам ўзгариб борди. XX асрда яшаб ижод қилган немис адиби Казимир Эдшмид (1890-1966) ижодида ҳам

Амир Темур образи тасвирини кўришимиз мумкин. У экспрессионизм оқими вакилларида бўлган ва Германияда экспрессионист адиб сифатида танилган. Немис адабиётида экспрессионизм жанри XX асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлди ва шаклланди. Бу жанрда Ф.Нитше, К.Хауптманн, Ф.Унру, К.Эдшмид каби кўплаб немис адиблари ижод қилдилар.

Адабиётшуносликка оид луғатларда таъкидланишича, экспрессионизмда тасвирланаётган нарс ва ҳодиса бир-биридан жиддий фарқ қилади. Тасвир тасвирланаётган объектнинг айнан ўзи эмас, балки тасвир тасвирланган нарсани тушунишга ишорадир, яъни тасвирланаётган воқеа-ҳодиса матндан ташқарида қолади.⁹⁹ Экспрессионист ёзувчиларнинг асарларида воқеа-ҳодиса тўлиғича тўқима асосида тасвирланади ва улар тасвирни ўз хаёлларида яратадилар, мантиқ эса тасвирдан ташқарида қолади.

Адабиётшунос Б.Эрматов таъкидлаганидек, Казимир Эдшмид каби экспрессионистлар қаҳрамоннинг барча ҳис-туйғулари ва бутун иродасини бир фокусга жамлайдилар ва инсон руҳиятининг қолган барча маконларини онгли равишда улоқтириб ташлаб, шу топилган нуктада чуқур психологик таҳлил юритадилар. Бу сифат ёндашув уларнинг ўзлари кашф этган ижтимоий ўзгаришлар суръати ва инсоннинг фазилати ҳақидаги шиор ўзига хос шаклда амалга оширилади. ...Экспрессионистлар ижодида матнларнинг бири-биридан узоқ ва мантиқсиз парчалардан ташкил топиши, сюжетнинг йўқлиги асосий жанрлар шакллари ва приоритетларнинг ўзгаришини белгилаб беради.¹⁰⁰

К.Эдшмид 1916 йили Лейпцигда ўзининг “Темур” (“Timur Novellen”)¹⁰¹ номли новелласини чоп эттиради. Мазкур асар “Худо” (“Der Gott”), “Герцогиния” (“Die Herzogin”) ва “Фотих” (“der Bezwingen”) каби бўлимлардан иборат. Муаллифнинг мазкур новелласи ҳам экспрессионизм йўналишида ёзилган бўлиб, новелланинг учинчи “Ғолиб” деб номланган ҳикоясида Темур образига мурожаат қилади ва тарихий воқеаларга зид бўлган тарзда Темур образини яратади. Новеллада Темур образи ўта шафқатсиз ва қонхўр ҳукмдор сифатида тасвирланади. Воқеалар тарихий ҳақиқат ва Амир Темур шахсига номувофиқ тасвирланган. Ҳикояни ўқиган киши Эдшмид Темур образини соҳибқирон ҳақидаги ривоятларга асосланиб

⁹⁹ Кюн Г. Поэтика. История литературы. Кино. – Москва: Наука, 1977. – С. 128.

¹⁰⁰ Эрматов Б. Амир Темур ғарбий Европа адиблари нигоҳида. – Б. 124.

¹⁰¹ Edschmid K. Timur Novellen. – Leipzig: Kurt Wolf Verlag, 1916. – S. 223.

хаёлан (эпик қаҳрамонларга хос) яратганлигини гувоҳи бўлади. Хикоянинг бошида Темур туғилишининг даҳшатли тасвири берилади. “Im Jahre des Tigers geschah Timurs Geburt, im Monat Schual, geronnenes Blut fest in der Faust. Vierzehnjaehrig ließen sie ihn aus der Jurte auf seine erste Jagd. Er tötete dreißig Hirsche in hüfthohem Schnee.” (Йўлбарс йилининг хут ойида Темур муштлари қонга беланган ҳолда дунёга келди. У ўн тўрт ёшида ўзининг биринчи овига чиқди ва белгача келадиган қорда ўттизта кийикни ўлдирди.)¹⁰²

Кўриниб турибдики, муаллиф ўқувчини асарга қизиқтириш учун Ғарб ва Шарқда кенг тарқалган эпик қаҳрамонларнинг туғилиши билан боғлиқ афсоналардан фойдаланган.

Адабиётшунос олим Баҳодир Эрматов таъкидлаганидек, новеллада бошдан охиригача даҳшатли ва қонли воқеаларни мантиқсиз тасвирини кузатиш мумкин, бундан ташқари новелла бадий тасвир воситаларига ҳам бой эмас. Унда атиги бир неча бадий тасвир воситалари қўлланган, холос.¹⁰³

Афсуски, Ғарб адабиётида Амир Темур образини бу каби тарихий ҳақиқатга зид бўлган хаёлий тасвирларини яратиш ва унинг шахсиятига ноҳолис ёндашувлар учраб туради. У ўз асарида Тумур образини эпик қаҳрамон сифатида тасвирлашга ҳаракат қилганини қуйидаги тасвирдан ҳам англаб олиш мумкин.

Темур ва хитой хоқони ўртасидаги суҳбат сўнггида Темурнинг жаҳли чиқади ва хоқонга қараб ўшқиради. “Da hub Temur den Arm zum erstenmal und bruellte: “Nein, Schwaechling” Seine Stimme rollte durch das Zelt, dass die Vorhaenge flogen” (Шунда Темур қўлини кўтариб, шундай ўшқирдики, унинг овози чодир пардаларини учириб юборди) ёки Амир Темур қўшинлари ўзидан уч баравар кўп бўлган Москва қироли қўшинларини енгади ва Темурни буйруғи билан йигирма минг асир қатл эттирилади.

Яна бир ўринда Амир Темур характериға мос келмаган даҳшатли, муболағали тасвирни кузатиш мумкин. “Von einem Baum fiel nachmittags ein Affe und biß Timur in die Achsel. Er gab nicht Acht auf das Geschwür, das eiternd anwuchs. Die Chinesin gab ihm Salben darauf, aber es riß neues Fleisch in sich hinein. Timur ließ zwei Menschen tä glich schlachten, deren Hirn die Wunde fraß und, satt, nach Monaten sich schloß. (Тушдан кейин дарахтдан бир маймун тушиб Темурнинг елкасини тишлаб олди. Темур яра йириглаб кетгунча эътибор бермади.

¹⁰² Edschmid K. Die sechs Muendungen.... Timur. – Leipzig: Luchterhand, 1965. – S. 518.

¹⁰³ Эрматов Б. Амир Темур ғарбий Европа адаблари нигоҳида. – Б. 132-133.

Хитойлик хотини ярага дориворлар суртди, лекин у битмади, унга янги эт қўйиш керак эди. Темур ҳар куни иккитадан одам сўйишни буюрди ва уларнинг миясини ярасига босди, бир неча ойдан сўнг ярадан асар ҳам қолмади.)”¹⁰⁴

Асарда бундай эпик анъаналарнинг қўлланилиши, бизнинг фикримизча, инглиз адабиётининг таъсиридир, чунки К.Марлонинг “Буюк Темур” драмасида ҳам худди шундай эпик анъаналар, яъни Темурнинг туғилиши, ғайриоддий қаҳрамонликлари тасвирланган.

Бу каби тасвирлар асарга китобхонни зериктирмаслик ва Темур образини ўта қонхўр қилиб кўрсатиш учун олиб кирилган. Бундай тасвирлар объектив ва субъектив сабаблар натижасида келиб чиққан.

Замонавий немис бадиий талқинида Амир Темур образи бир мунча ўзгаришларга учрагани ва унга янгича ёндошувлар кузатилади. XX аср охирларига келиб немис адабиётида баъзи ёзувчилар ўртасида ўз китоблари сарлавҳаларида машҳур шахсларнинг номларидан фойдаланган ҳолда турли жанрлардаги асарлар; ҳикоялар, қиссалар, романлар яратиш анъанаси пайдо бўла бошлади. Шундай китоблар сирасига Вольфганг Киэнастнинг “Темур ва оилавий тўда (Tamerlan und Familienbande, Berlin 1989)”¹⁰⁵, Петер Бўмнинг “Тумур мерослари (Tamerlans Erben. – Berlin: 2005.)”¹⁰⁶ каби асарларини киритишимиз мумкин.

Вольфганг Киэнастнинг “Темур ва оилавий тўда” детектив қиссасида немис ҳуқуқ тартибот хизмати ва жинойтчилик тасвирланган бўлиб, унинг бош қаҳрамони полиция комиссари Клаус Банкел (Темур) дир. Қисса воқеалари кичик бир шаҳарчада содир бўлади. Унда Банкелнинг хизмат вазифаси, кундалик бажарадиган ишлари, жинойтчиларни тутиши ва баъзи ўринларда ички кечинмалари тасвирланади.

Ёзувчи қиссада Темур (Банкел) образини тадбирли, уддабурон, тажрибали полиция комиссари ва меҳрибон ўғил эканлигини, унинг ички кечинмалари, ўй-фикрларини тасвирлаш орқали кўрсатишга ҳаракат қилганлигини кўрамиз.

Одатдаги иш кунларидан бирида полиция идорасига Финов кўчаси 37 уйда ўғирлик содир бўлганлиги ва 800 марка пул йўқолганлиги ҳақида хабар берилади. Мазкур жинойтни очиш ва ўғриларни қўлга олиш Банкелга топширилади. Банкел ўғриларни

¹⁰⁴ Edschmid K. Die sechs Muendungen.... Timur. – Leipzig: Luchterhand, 1965. – S. 554.

¹⁰⁵ Kienast W. Tamerlan und Familienbande. – Berlin: Verlag Das Neue Berlin, 1989. – 38. S.

¹⁰⁶ Boehm P. Tamerlans Erben. – Berlin: 2005. – 178 S.

тутиш учун қандай чора кўриш кераклиги ҳақида режа тузади ва ёрдамчиси Персика билан ҳаракатга киришади. Қиссанинг охирида Банкел ўз тажрибасига суяниб, тадбирли ва мулоҳазали ҳаракатлари билан ўғриларни манзилини аниқлаб, ўғирланган пулларни топади ва жиноятни очади. Унинг қай даражада мулоҳазали эканлиги қуйидаги лавҳаларда очиб берилган. У гумондорларни қидириб топади ва жиноятни очиш учун турли ўй-ҳаёлларга боради.

Die Versicherung zahlt sowieso nichts, weil sie dir, und das nicht zu Unrecht, Begünstigung eines Diebstahls vorwerfen wird. Es geht einzig und allein darum, die Beute bei Traude sicherzustellen und ihr ein Gestaendnis zu entlocken. (Суғурта барибир пул тўламайди, чунки улар ўғирликка ўзи йўл очиб берган дейди. Албатта бу ноҳақлик. Бу ерда гап Трауденинг уйидаги ўлжани аниқлаш ва унга ўғирликни тан олишни уюштириш ҳақида.)¹⁰⁷ Ёки;

Das ist es, dachte Bankel. Das also hatte Traude an Hilmar gereizt. Der mauernde Galan war sozusagen ein Sesam-oeffne dich fuer die Keller, in denen sie dann ungestoert stoebern konnte. Aber es war wohl doch nicht so lohnend, wie es schien. (Хиллмарнинг айнан шу иши Траудега маъқул бўлган. У ўзини дўст кўрсатиб уларга ертўлани эшигини очик қолдирган, гўё уларга ҳеч ким ҳалақит қилмаслиги учун ёрдам берган. Лекин бундан унга нима наф?)¹⁰⁸

Қиссада комиссар(Темур)ни жиноят ишларини ажойиб мантиқ ва фикрлаш билан ҳал қила олиши тасвирланади. Муаллиф воқеа қаҳрамони Банкелни ижобий образ сифатида талқин этади, Амир Темур номини эса унга лақаб сифатида қўллайди. Банкелга хизмат вазифасида Тамерлан лақабини беришади ва уни шундай аташади. Бу ҳолатни қуйидаги парчада кузатамиз;

“Wenn sie drin ist, sehen wir alt aus” brummte Bankel. Vermutlich ist sie sogar drin. Er lehnte sich in den Sitz zurück und angelte träge nach dem Mikro. “Eins sechs vier drei ruft Einsatzzentrale” Tamerlan spricht. (– Агар у ичкарида бўлса, бизнинг аҳволимиз ёмон, – деб минғирлади Банкел ва шубҳасиз, у ичкарида деди-ю аста жойига қайтди ва гўшакни олди. Бир-олти-тўрт-уч марказ чақиряпти, Тамерлан гапиряпти)

“Oh, Tamerlan”, antwortete eine Stimme fröhlich. Einsatz erfolgreich abgeschlossen? Finow siebenunddreißig, nicht wahr? (О, Тамерлан – дея

¹⁰⁷ Kienast W. Tamerlan und Familienbande. – Berlin: Verl. Das Neue Berlin, 1989. – S. 9.

¹⁰⁸ Ўша асар. – Б. 19.

жавоб қайтарди қувноқ овоз. Топшириқ муваффақиятли тугатилди. Финов кўчаси 36. шундайми?)

Шу ерда Банкел ва Персика ўртасиддаги қисқа диалог келтирилади. Қаҳрамонни қийфаси, моҳияти, ички дунёси диалогларда кўзга ташланади. Диалог бир эмас, бир нечта персонажларни бир лаҳзада ўқувчига таништиради. В.Киенаст ҳам мазкур диалог орқали Амир Темурни ўқувчига таништиради.

– Was bedeutet “Tamerlan”? – fragte Persika. (“Тамерлан”? – бу қандай маънони англатади? – деб сўради Персика.)

– “Tamerlan” Ach, nennen sie mich nur. Ein Kosenamen. Tamerlan war eines der bluttruntesten Scheusale, das die Geschichte hervorgebracht hat. (Тамерланми? А-а, улар мени шундай деб аташади. Бу менинг лақабим. Темур кўрқинчли ва даҳшатли бўлган, бу тарихдан маълум.)¹⁰⁹

Бизнингча, ёзувчи Темур номини қисқагина “Темур кўрқинчли, даҳшатли бўлган, бу тарихдан маълум” – деган жумла билан таништириш орқали, Темур шахсини Ғарб адабиётига хос бўлган анъанага мувофиқ далиллаган. Кўриниб турибдики, муаллиф мазкур асарда бизнинг юртдошимиз Амир Темур образини тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, балки шунчаки ўқувчини китобга қизиқтириш учун Соҳибқирон номидан фойдаланган.

Муаллиф Банкелни қаттиққўл, ақлли комиссар сифатида тасвирлаган бўлсада, уни оила аъзоларига, айниқса онасига безътибор эмаслигини, яъни меҳрибон ўғил эканлигини ҳам айрим ўринларда келтириб ўтади. Ўғирлик айнан Банкелнинг онасиникида содир бўлган эди. Банкел ёрдамчиси билан онасини уйига бориб бўлган воқеани ўрганади ва онасини тинчлантиради. Бу ўринда Банкелнинг нафақат полиция комиссари, балки меҳрибон ўғил эканлиги ҳам кўзга ташланади. М:

Na ja, reg dich man nicht auf, sagte Bankel sanft. Danke fuer den Kaffee. Er laechelte die Mutter an, doch sie hatte er mit seinem Laecheln noch nie erschrecken koennen. Uebrigens schielte sie nicht. Wenn sie schon mal drueben ist, koennen wir das weitere auch dort erledigen. Bankel umarmte das Weiblein liebevoll und kuesste es sogar. (Яхши, сиз ҳеч ҳам ташвишланманг деб, Банкел онасини тинчлантирди. Кофе учун раҳмат деди-ю, онасига жилмайиб қўйди. Улар қаерда бўлса ҳам биз топамиз

¹⁰⁹ Kienast W. Tamerlan und Familienbande. – S. 11-12.

ва ишни охирига етказамиз. Банкел онасини бағрига босиб, астагина ўпиб қўйди.)¹¹⁰

В.Киенаст ўз асарини худди инглиз ёзувчиси Артур Конан Дойлнинг “Шерлок Холмс ҳақида хикоялар”ига ўхшаш тарзда яратган. Айнан изқувар Шерлок Холмс ва унинг ёрдамчиси Уотсан каби бу детектив қиссада ҳам асосан иккита персонаж, комиссар Банкел, ҳамда унинг ёрдамчиси Персика асосий образ сифатида тасвирланган ва воқеалар ривожини бир жинойтнинг очишга қаратилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, замонавий немис адабиётининг детектив жанрида Амир Темур ижобий образ сифатида тасвирланган. Бунинг сабаби, муаллиф балки Амир Темур ҳақида шарқда яратилган асарларни ўрганган бўлиши мумкин ёки ўзи хоҳлаганча Соҳибқирон образини талқин қилган бўлиши мумкин. Чунки Ғарб адабиётида тарихий шахслар образини бадиий адабиётда тасвирлашнинг ўзига хос услуби мавжудки, улар воқеа-ҳодисаларни тарихий ҳақиқатни истаганча ўзгартириб ўз қаҳрамонлари образини яратадилар.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, XX асрнинг охирларига келиб Амир Темур ҳақида турли жанрлардаги асарлар пайдо бўла бошлади. Немис ёзувчиси Карл Франк (1909-1986, Мюнхен) роман жанрида Амир Темур образини талқин қилди. Унинг асари “Темур учун от соламан (Ich reite fuer Tamerlan)” деб номланади.¹¹¹ Мазкур роман Й.Шилтбергернинг “Йоҳанн Шилтбергернинг 1394-1427 йилларда Европа, Осиё ва Африка бўйлаб саёҳатлари” номли асари асосида ёзилган бўлиб, тарихий ҳақиқатнинг бадиий талқинидир. К.Франк асарнинг кириш сўзида Й.Шилтбергернинг бошдан кечирган саргузаштлари ҳақида қисқача маълумот беради.

Мазкур романда учта асосий образ иштирок этади. Булар Мюнхенлик ёш аскар Ҳанс, турк султони Йилдирим Боязид ва соҳибқирон Амир Темурдир. Муаллиф Амир Темур ва Боязид образини очиб беришда Ҳанснинг нутқидан кенг фойдаланади. Романда Мюнхенлик ёш аскар Ҳанснинг кечинмалари ва саргузаштлари бадиий талқин қилинган. Ҳанс салбчилар қўшини таркибига аскарликка киради ва Никополь (Болгария) шаҳри яқинида турк қўшинларига қарши жангда иштирок этади. Даҳшатли ва шиддатли бўлиб ўтган жангда турклар ғолиб бўлади ва Ҳанс кўплаб салбчилар қаторида туркларга асир тушади. Шундан сўнг унинг саргузаштли ва оғир ҳаёти бошланади. Романнинг биринчи бобида

¹¹⁰ Kienast W. Tamerlan und Familienbande. – S. 7.

¹¹¹ Frank K. Ich reite für Tamerlan. – Wien: 1986. – 127. S.

Ҳанснинг турк султони Йилдирим Боязид қўшинлари сафида қилган хизматлари ва бошдан кечирганлари тасвирланган бўлса, иккинчи бобда, Амир Темур қўшинларига асир тушиши ва ҳаётини кечинмалари, сўнгги учинчи бобида эса Ҳанснинг Абубакр хизматида бўлиши ва ватанига қайтиши ёритилади.

Ҳанс туркларга асирга тушгандан сўнг унинг оғир ҳаёти бошланади. Орадан етти йил ўтиб турк қўшинлари ўртасида Амир Темур бостириб келмоқда деган шов-шувли хабарлар тарқала бошлайди. Уруш бўлиши муқаррар эди. Ва албатта уруш асирлар учун ўлим дегани эди. Ҳанс ва дўстлари ўртасидаги суҳбат ҳам уруш ҳақида бўларди. Ҳанс суҳбатга аралашмай бир четда ҳаёл суриб ўтирарди. Муаллиф Ҳанснинг ҳаёлотини орқали Амир Темурни ўқувчига таништиради.

“Кўкдаги юлдуз ғойиб бўлди, лекин ерда бошқаси пайдо бўлди “Шайтоннинг яловбардори” – бу Темур оқсоқ, Тамерлан ҳам дейишади. Чингизхондан кейин шарқдан чиққан даҳшатли фотиҳ. Темур – “Темир”, кучли ва бақувват бўлгани учун отаси унга шу номни берган. Сарой аёнлари унга Соҳибқирон яъни, “Замонлар султони” деб мурожаат қилишади, яна Жаҳонгир – “Дунё забткори” ҳам дейишади. Форсийлар уни исмига оқсоқ номини қўшиб айтишади. Айтишларича оёғидаги жароҳати туфайли оқсаб юрар экан. У қавми учун Гурган яъни, “Катта Бўри” дир. (“Der Komet verschwand vom Himmel, aber auf Erden folgte ihm ein anderer „Fackelträger des Satans“: Timur Leng, auch Tamerlan genannt, der furchtbarste Eroberer aus dem Osten seit den Zeiten des Dschingis Khan. Timur, „Eisen“, diesen Namen erhielt er von seinem Vater wegen seiner Körperstärke. Die Höflinge schmeichelten ihm als dem Sahib Kiran, „Herrn der Zeit“, d.h. der Gegenwart, und als Dschihangir, „Eroberer der Welt“. Den persischen Beinamen Leng, „der Lahme“, verdankte er einer Pfeilwunde, seitdem hinkte er. Für seine Horden ist er Gurgan, „der Grosse Wolf“)¹¹²

Бизнинг таъкидимизга кўра, К.Франк Амир Темур образини тасвирлашда ҳам бадий, ҳам тарихий манбалардан кенг фойдаланган. Маълумки тарихий асарларда Амир Темурга “Соҳибқирон”, “Жаҳонгир” каби таърифлар берилган бўлса, бадий асарларда “Темур оқсоқ”, “Даҳшатли фотиҳ” каби таърифлар берилган. Немис адабиётининг бирон бир манбасида Амир Темурга нисбатан “Гурган – Катта Бўри (der Grosse Wolf)” деган таъриф берилмаган, муаллиф

¹¹² Frank K. Ich reite für Tamerlan. – S. 41.

Темурга нисбатан “Катта Бўри” атамасини нотўғри ишлатган. Балки К.Франк “Кўрагон” сўзини луғавий маъносига эътибор қаратмай, у сўзни “туркан” деб тушунган бўлиши ҳам мумкин, чунки турли адабиётларда Амир Темурга нисбатан ишлатилган “Кўрагон” унвони турлича транскрипция қилинган.

Шунга қарамасдан муаллиф *гурган* атамасини асарнинг тули жойларида бир неча бор такрорлайди. Хусусан, Темурнинг ўлими ҳақидаги хабарни тарқалишида ҳам “Турган” номини ишлатади. “Der grosse Wolf ist erkrankt! Befehl zum Rueckzug! Gurgan, „Grosser Wolf“... das war Timur! Also haben die Geruechte recht! Ist er gar schon tot, und man haelt es geheim...(Катта бўри бетоб! Қайтишга буйруқ! Катта бўри, “Турган” – бу Темур. Хабарга қараганда у вафот этган. Буни сир сақлашяптими ...?)”¹¹³.

Маълумки, Ғарб адабиётларида Амир Темурга нисбатан “мўғул” номи ишлатилган ва ҳеч бир асарда *гурган-катта* бўри атамаси ишлатилмаган, Ривоятларга кўра, қадимги туркий мифларда “Тург–Бўри” тотеми учрайди ҳамда қадимги туркларнинг Ашина уруғидан кўпайган қавмни Гургла – бўрилар деб аташган. Шу жиҳатдан олиб қараганда муаллиф хатога йўл қўйган дейишимиз мумкин, яъни *кўрагон* сўзини *гурган* сўзи билан алмаштирган.

К.Франк асарда Амир Темур шахсининг саркардалик ва буюк хукмдорлик каби томонларини турли жанг тасвирлари ва қўшиндаги тартиб интизомни тасвирлаш орқали талқин қилган. Романда асосан Темурнинг буюк фотиҳ эканлигига ишора қилинади. Бунинг учун ёзувчи ташбеҳ, метафора, рамз каби бадиий тасвир воситаларидан кенг фойдаланган. Буни куйидаги лавҳаларда кўришимиз мумкин. “Von Sueden wogten Timurs Reitermassenheran, aufgerufen aus allen Gauen seines Weltreiches, das sich vom schwarzen Meer bis zum Indus und vom Aralsee bis zum Euphrat erstreckte. Über dem glitzernden Meer der Lanzen spitzen schwankten Türme auf dem Rücken langsam wandelnder Monster: Kriegselefante! In Pfeilschußweite kamen die anrollenden Wogen zum Stehen. Eine unheimliche Stille trat ein, nur ab und zu unterbrochen von dem Trompeten eines Rüsselträgers oder dem erregten Wiechern eines Pferdes. (Жануб томонда Темурнинг отлиқлари сони тоборо ортиб борарди. У(Темур)нинг Қора денгиздан Ҳиндистонгача, Орол денгизидан Фротгача чўзилиб кетган салтанатининг барча ҳудудларидан аскарлар тўпланган эди. Денгиз бўйида елкаларига

¹¹³ Frank K. Ich reite für Tamerlan. – S. 75.

катта-катта миноралар ўрнатилган улкан ва баҳайбат махлуқлар аста-секин тебраниб турарди. Уруш филлари! Найза ва камончилар денгиздек тўлқинланиб турибди. Даҳшатли ва совуқ сукунат чўкди. Онда-сонда ноғора овози ва отнинг қичқириви эшитилиб қоларди)¹¹⁴ Муаллиф бу ерда Амир Темур қўшинларини сон-саноксиз ва жуда катта кучга эга эканлигини улкан минора, денгиз, тўлқин каби ташбеҳлар билар бўрттириб кўрсатган. Фикримизча бу бадийи воситалар орқали К.Франк Темур шахсини нечоғлик буюк эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Ғарб адабиётида Амир Темур ҳақида ёзилган асарларда ранглардан фойдаланиш учраб туради. Масалан Постелда Темур чодирига нисбатан оқ, қизил, қора ранглар ва бу ранглар турли маъно англатиши ҳақида маълумот берилган бўлса. Инглиз адабиётида ҳам худди шунга ўхшаш тасвирлар учрайди. Немис адиби К.Франк ҳам рамзлардан ва ранглардан усталик билан фойдаланган. М: Hans schlug das Herz bis zum Hals. Elefanten! Zweiunddreißig dieser Kolosse zählte er nebeneinander... „bloß so groß wie die Turmfiguren auf unserem ritterlichen Schachbrett! Aber wenn sie näherkommen...!“ Durch die Lücken zwischen ihnen sah er auf das Zentrum des Feindes. Auf einer vergoldeten Stange leuchtete ein blutrot gefärbter Roßschweif, gekrönt vom goldenen Halbmond, daneben ein Banner aus gelber Seide. Ein leichter Wind öffnete die Falten. Mit seinen scharfen Augen erkannte Hans das aufgestickte Bild: ein blauer Drache mit Flügeln. Unter den teppichbunten Reiterscharen fielen Stoßtrupps auf, wie sie noch keiner gesehen hatte. Eine Abteilung schien ganz in Blut getaucht: rote Fahnen, rote Helme, Panzer und Schilde, rote Lanzenschäfte, rote Sättel und Schabracken, rotbraune Pferde. Daneben schwarze Fahnen und Waffen, alle Reiter auf Rappen. Eine Abteilung in Nachtblau, die Waffen und Satteldecken mit Indigo gefärbt. Zwei Blöcke in Weiß und Gelb auf Schimmeln und Falben. (Ҳанснинг юраги кинидан чиқаёзди. Филлар! У 32 та филни санади. Худди шахмат тахтасидаги фигуралар каби жойлаштирилган. Душман филлари ўртасида сариқ хошияли байроқ тикилган олтин устун, унинг ёнида ярим ой шаклидаги олтин жиғали қип-қизил от турарди. Ҳанс ўткир кўзлари билан байроққа туширилган қанотли кўк аждар тасвирини таниди. Отларнинг устига гилам ёпинчиқлар ташланган эди. Хали ҳеч ким бундай сувориларни кўрган эмас. Уларнинг бир гуруҳи қизил рангда. Байроқлари, совутлари, дубулғалари, қуроллари

¹¹⁴ Frank K. Ich reite für Tamerlan. – S. 43.

барча барчаси қизил рангда эди. Ҳаттоки отлари ҳам қизғиш жигарранг эди. Улардан кейин қора рангдаги отлиқлар, уларнинг ҳам барча анжомлари қора рангда. Яна бир гуруҳ жангчиларнинг қуроллари ва отларининг ёпинчиғи кўк рангда, яна оқ ва сариқ рангдаги бўлинмалар ҳам бор эди)¹¹⁵

Бизнингча, ёзувчи рамзий ифодадан фойдаланиш усули, яъни кўшин таркибини турли рангларда ифодалаш орқали Амир Темурни нақадар тажрибали, буюк саркарда эканлигига ҳамда тартиб интизомга қатъий риоя этишига ишора қилган. Бу ўринда буюк даҳоларни рамзлар орқали ифодалаш Ғарбга Шарқ анъаналари асосида ўтганини кўриш мумкин.

Романда Амир Темур портрети кекса ҳукмдор ва урушларда чиниққан саркарда сифатида тасвирланган. “Der Khan war über siebzig Jahre alt, und das Alter hatte seine Spuren hinterlassen: hohle Schatten unter den Wangenknochen, ein kurzer, schütterer, weißer Bart, die Haut zerknittert und fahl wie ein stockfleckiges Pergament. Aber das alles war es nicht, was dem Knappen einen Schauer über den Rücken jagte. Dieses Gesicht war verwüstet von ruhelosen Kriegen, zerstört von Ausschweifungen, entstellt von Grausamkeit und millionenfachem Mord, und es war selber schon vom Tod gezeichnet. Dennoch zeigte es die Härte eines unbeugsamen Willens, die Welt noch einmal erzittern zu machen..., Timur, der „Mann aus Eisen“ (Хон етмиш ёшдан ошган эди. Унинг ўтган умри изсиз кечмаганини унинг яноқларидаги ажинлардан ҳам билиб олса бўлади. Соқолининг сийрак, калта ва оқариб кетгани кексайганлигини билдирарди. Бу юз тинимсиз урушлар, вайронкорлик, шавқатсизлик ва қотилликларнинг гувоҳи бўлган. У ўта қаттиққўллиги сабаб яна бир бор дунёни зир титратди. Темур – темир одамдир)¹¹⁶

Асарда муаллиф фақатгина Темур ва унинг кўшини ҳақидаги тасвирлар билан чегараланмаган, балки Соҳибқироннинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг бунёдкорлик, шаҳарсозлик борасидаги маҳорати Самарқанднинг бетакрорлигини кўрсатиш орқали очиб берилган. Хусусан, муаллиф Самарқандга шундай таъриф беради. “Самарқанд – ердаги тўртинчи жаннат. Уни шундай аташади. Оллоҳ инсонларга ерда учта жаннатни, яъни Дамашқнинг салқин-соя гўшаларини, Фротнинг оқар дарёларини ва Шерознинг атиргул боғларини ато этган эди. Темур эса тўрттинчи жаннатни Самарқандда

¹¹⁵ Frank K. Ich reite für Tamerlan. – S. 43.

¹¹⁶ Ўша асар. – Б. 63.

яратди. Самарқанд – инсоният ҳукмдорининг пойтахтидир. Шаҳарнинг атрофи ям-яшил водий. Ўнг томонида юмалоқ тоғ, унинг устида кичкина уй қад кўтарган – бу ерда муқаддас қабр бор. Шаҳар четида қурилган паст уйлар худди чаманзорга сепилган тошлардек ястаниб туради. Бутун шаҳарда сарғиш ва яшил гумбазлар худди пишиб етилган қовунлардек бўй бериб кўринади. Масжидларининг минораларини учи йўқ, лекин рангли ғиштлардан қилинган деворлари ва уларга олтин харфлар билан ёзилган қуръон оятлари кўриниб туради. Амир Темур севимли хотинлари учун хар бирига атаб ўн иккита боғ барпо қилди. Боғларда турли хил гуллар, мевали дарахтлар ўсади. У ерда майдончалар, дам олиш учун сўрилар ва фавворалар қурилган. Фавворалардан ичимлик суви отилиб туради. Бу оби-ҳаёт, яъни Оллоҳнинг неъматидир”.¹¹⁷

Карл Франк ўз асарида Амир Темур образини турли ўхшатиш, бўрттиришлар орқали тасвирлаган бўлса-да, реал ҳақиқатдан узоқлашмасликка ҳаракат қилади ва изоҳлар қисмида соҳибқироннинг ҳақиқий портрети, характери ҳақида қисқача маълумот беради. “Timur Leng (abendlaendisch Tamerlan): ...hochgewachsen, mit besonders grossem Kopf, weiter offener Stirn, schooner weisser und roter Gesichtsfarbe und mit langem von Geburt an weissen Haar wie Sam... Sein Wesen war ernst und finsternis, im Schachspiel war er unuebertoffen. Als Lieblingsbuecher begleiteten ihn Kriegsgeschichten und Lebensbeschreibungen grosser Maenner. Neben Tuerkisch sprach er noch Persisch und Mongolisch, verschmaechte aber das Arabische, die Sprache des Korans.”¹¹⁸ (Темурланг; баланд бўйли, калласи катта, пешонаси кенг, юзи чиройли оқ-қизил рангли, ёшлигидан сочлари узун... Унинг ақли теран, шахмат ўйинида тенги йўқ. У уруш ва буюк шахслар ҳақидаги китобларни ўқишни ёқтирган. Турк тилидан ташқари форс, мўғул тилларида гаплашарди ҳамда қуръон тили бўлмиш араб тилини ҳам биларди)

Фикримизча, муаллиф Темур ҳақидаги бу ташбеҳлари билан, соҳибқироннинг интеллектуал салоҳиятини немис китобхонига аниқ ва содда тарзда етказишга ҳаракат қилган. Бошқача айтганда муаллиф реал воқеликдан ҳам унумли фойдаланган ва Темурнинг ижобий имиджни яратган

¹¹⁷ Frank K. Ich reite für Tamerlan. – S. 55.

¹¹⁸ Ўша асар. – Б. 119.

2.4. Тарихий асарларда Амир Темур ижтимоий-сиёсий фаолиятининг талқини

Немис адабиётида илк бор Амир Темур ҳақида ёзилган тарихий асар бу – Йоханн Шильтбергернинг “Reisen des Johannes Schiltberger aus Muenchen in Europa, Asien und Afrika von 1394 bis 1427” (“Йоханн Шильтбергернинг Оврупа, Осиё ва Африка бўйлаб 1394 йилдан 1427 йилгача саёҳати”)¹¹⁹ номли асаридир.

Тарихдан яхши маълумки, 1352 йилдан 1396 йилгача Болқон ярим ороли ҳудудида Европа давлатлари қўшинлари билан усмонли турклар қўшинлари ўртасида бир неча қонли тўқнашувлар бўлиб берган. Й.Шильтбергер усмонли турклар ва Йилдирим Боязидга қарши жангда иштирок этган, уларга асир тушган ва бошқа асирлар билан Боязид томонидан Туркия пойтахти Брусса (Бурса)га олиб кетилган.

Муаллифнинг ёзишича, у Анқара жангида (1402 йил 28 июл) Амир Темур лашкарлари томонидан банди этилади ва Самарқандга олиб кетилади. У Темур вафотига қадар бир муддат асирлар орасида яшайди ва унинг вафоти (1405 йил 19 февраль)дан сўнг Хуросонда Шохрух ҳузурида, кейинроқ Табризда Мироншоҳ ҳузурида хизматда бўлади. Мироншоҳ 1408 йил Қора Юсуф Туркман билан бўлган жангда ҳалок бўлганидан сўнг Й.Шильтбергер Мироншоҳнинг ўғли шахзода Абубакр ҳузурида тўрт йил хизмат қилган.¹²⁰

Й.Шильтбергер 1427 йили ўз ватани Германияга қайтади. У Германияда ўз ҳаётини йўлга қўйгандан сўнг, асирликда бошдан кечирганлари ва Ўрта Осиё ҳақидаги эсдаликларни саёҳатнома сифатида ёзиб қолдиради. Унинг хотиралари илк бора 1557 йил Франкфуртда “Gefangenschaft in der Turkey” (Турк бандиси тарихи) номи остида нашр этилган. 1859 йилда эса Мюнхенда китобнинг бошқа бир варианты “Reisen des Johannes Schiltberger aus Muenchen in Europa, Asien und Afrika von 1394 bis 1427 (Йоханн Шильтбергернинг Европа, Осиё ва Африка бўйлаб 1394 йилдан 1427 йилгача саёҳати)” номи остида нашр этилди. Асарда Кичик Осиё, Эрон, Яқин Шарқ ва Олтин Ўрда мамлакатларидаги XIV нинг охирлари ва XV аср бошидаги ҳарбий-сиёсий ҳолат ҳақида маълумотлар келтирилган.

Й.Шильтбергер аҳолининг машғулоти, ахлоқи, одатлари ва диний эътиқодлари, шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари ҳақида маълумотлар келтиради. Айниқса, одамларнинг нима ейиши, нима

¹¹⁹ Путешествия Иоханна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427г.) – Ташкент: 1997.

¹²⁰ Ўша асар. – Б. 27.

ичиши, қандай гўшт истеъмол қилиши, давлатда подшо ва унинг яқинлари қишин-ёзин хотин, бола-чақалари, подалари ва мол-мулкларини олиб бир яйловдан иккинчи яйловга кўчиб юриши ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради.¹²¹

Муаллиф ўз асарида Амир Темур ҳақида, унинг ворислари ва қариндошлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтади. У Темурнинг фақат иккита ўғли; Мироншоҳ ва Шохрух мирзо ҳақида маълумот беради. Тарихий манбалардан маълумки Темурнинг тўртта ўғли бўлган. Уларнинг каттаси Жаҳонгир, Умар Шайх, Мироншоҳ ва Шохрух Мирзолардир. Шилтбергер Темурнинг катта ўғилларини танимаган, боиси у Темур салтанатига 1402 йилда келган ва ундан олдинги воқеалардан беҳабар бўлган. У кўпроқ бировлардан эшитганини ёзган ва ўз асари қизиқарли бўлиши учун воқеалар тасвирини бўрттириб берган. Масалан: “Вавилоннинг Темур томонидан забт этилиши” номли XV бобда муаллиф томонидан ёзилишича, Темур Боғдодни босиб олгандан сўнг унга ўт қўйдиради, уй-жойлар кулга айланади ва бу ерларни ҳеч ким танимаслиги учун арпа эктиради.¹²² Тарихдан маълумки, ҳар қандай ҳукмдор қайсидир ўлкани ўзига бўйсундирар экан, албатта, жанг билан у жойни қўлга киритади ва жанглар талофатсиз бўлмаган. Соҳибқирон Боғдодни текислаб арпа эктирмаган, бу тарихий ҳақиқатдан узоқ. Фикримизча, Шилтбергернинг Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатдан чекинишига асосий сабаб, унинг соҳибқирон кўлида банди бўлганлигидир.

Й.Шилтбергер Амир Темур ҳақида ҳикоя қилар экан, уни фақат шафқатсиз ва қаттиққўл ҳукмдор, босқинчи сифатида кўради. Темурнинг бошқа ижобий томонларини, яъни бунёдкорлик, фан ва маданият раҳномоси, қонун, тартиб-интизом ўрнатувчиси, адолатпарвар ва саҳоватпеша инсон эканлигини кўра олмайди. Бизга маълумки, соҳибқирон вафотидан сўнг унинг юришлари ва амалга оширган ишлари ҳақида кўплаб ҳикоялар, ҳатто афсоналар тўқилган. Шилтбергер Амир Темур вафотидан кейин кўпроқ Абу Бакр хизматида бўлади ва ўз-ўзидан маҳаллий халқ орасидаги ҳикояларни эшитади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, Шилтбергер фақатгина жанг майдонида кўрганларини ва ўзгалардан эшитганларини бўрттириб ёзган. Шунга қарамасдан, Й. Шилтбергернинг мазкур асари Амир Темур ва Марказий Осиё тарихини ўрганувчилар учун

¹²¹ Путешествия Иоханна Шилтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427г.) – С. 60.

¹²² Ўша асар. – Б. 68.

манба сифатида хизмат қилади. Шу ўринда Темур шахсига нисбатан қарашларнинг тадрижий тақомилини кўриш мумкин.

Немис адабиётида Амир Темур ҳақида тарихий асарлар ёзиш XVI асрда бошланган бўлсада, кейинчалик ул зот ҳақида тарихий асарлар ёзиш маълум муддатга тўхтаб қолди, ниҳоят орадан тўрт юз йил ўтиб, 1993 йил профессор Тильман Нагельнинг “Темур – жаҳонгир ва Ўрта асрлар охири ислом дунёси (Timur der Eroberer und die islamische Welt des späten Mittelalters)” номли асари¹²³ нашрдан чиқди. Георг Август номли Гёттинген университетининг профессори, филология фанлари доктори Тильман Нагель Ўзбекистонда бир неча марта бўлган. У соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан 1996 йил 27-29 сентябрда Самарқандда “Амир Темур: шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти” мавзусида ўтказилган халқаро симпозиумда ўз маърузаси билан қатнашган.¹²⁴

Т.Нагельнинг “Темур – жаҳонгир ва Ўрта асрлар охири ислом дунёси” номли асари ҳажман жуда катта – унинг 1993 йил Мюнхенда нашр этилган аслият нусхаси кириш, “китоб” деб аталган тўрт йирик қисм, турли иловалар (муҳим тушунчалар рўйхати, хронологик ва генеалогик жадваллар, изоҳлар, жойлар ва атоқли отлар, хариталар) ва адабиётлар рўйхати билан 540 саҳифадан иборат.

Асарнинг қисмлари “Янги давр оstonасида” (Annäherung an eine fremde Zeit), “Воқеалар ва уларнинг баёни” (Ereignis und Bericht), “Хаос ва космос” (Chaos und Kosmos) ҳамда “Жаҳонга ҳукмронлик” (Die Verfügbarkeit der Welt) дея номланган. Муаллиф асарни ёзишдан ўз мақсадини унинг кириш қисмида баён этади: “Темур ким бўлган ва XIV аср охири ислом тарихида унинг ўрни қандай? Китоб айнан шу масалага бағишланган (Wer aber war Timur, und wie ordnet er sich in die islamische Geschichte des ausgehenden 14. Jahrhunderts ein? Dies ist Frage, der dieses Buch gewidmet ist)”¹²⁵

Т.Нагельнинг назарида, замонавий муаррихларнинг Амир Темур ҳақидаги фикрларини даҳшатли деса бўлади: “...уларнинг фикрича, Темур барча даврларнинг энг даҳшатлиси, ҳатто Чингизхондан ҳам ўтадиган, шафқатсиз бўлган, Россиядан Ҳиндистонгача, Кичик

¹²³ Nagel Tilman. Timur der Eroberer und die islamische Welt des späten Mittelalters. – Muenchen: C.H. Beck'sche Verlagsbush – Handlung, 1993. – 544 S.

¹²⁴ Амир Темур. “Амир Темур: шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти”. Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум материаллари (Самарқанд, 1996 йил, 27-29 сентябрь). – Т.: 1997 (материаллар ўзбек, немис, рус ва инглиз тилларида ягона китоб ҳолида чоп этилган. – А.Т.).

¹²⁵ Nagel T. Timur der Eroberer und die islamische Welt des späten Mittelalters. – S. 11.

Осиёдан Хитой чегараларигача ўлим ва ваҳшат сочган, ўз ортидан фақат харобалар қолдирган. Банди этиб келтирилган хунармандлар ва усталар Самарқандни ер юзининг энг гўзал пойтахтига айлантириши даврида Темур сонсиз-саноксиз одамлар бошларига солган азобларни ўлчаб бўлмайди... (aller Zeiten sei er gewesen, schlimmer noch als Dschinggis-Chan; Entsetzen und Tod habe er in der Welt verbreitet, von Rusland bis nach Indien, von Kleinasien bis an die Grenzen Chinas nichts als Ruinen hinterlassen. Niemals könne der mit Hilfe verschleppter Handwerker und Künstler erzwungene Ausbahn Samarkands zu einer glanzvollen Metropole das Leid aufwiegen, das Timur über zahllose Menschen gebracht habe)“¹²⁶

Муаллиф ҳисоблашича, “бу фикр қандай асосларга таянишини ҳеч ким инкор этмайди. Бироқ, ажабланарлиси шундаки, Темур ҳақидаги айнан шу асосларга таянган бу фикр бундан тўрт юз йил олдин ҳам билдирилган эди”. Т.Нагель ўз асарида айнан шу тўрт юз йил давомида билдирилган фикрларни таҳлил қилади, ўзи ҳам ана шу фикрларга асосланади. Жумладан, асарнинг “Давр остонасида” деб номланган биринчи бўлимида Мирхонд (“Равзат ус-сафо”), Ибн ал-Асир (“Бидая ал-Камил”), Якубовский (“Темур. Олтин Ўрда”), Федоров-Давидов (“Тузум”) ва Ибн Батута (“Саёҳат”) каби муаррихларнинг фикрлари таҳлил қилинади. Унинг “Воқеалар ва уларнинг баёни” номли иккинчи қисми Бартольд, Ҳаким ат-Термизий, Ан-Натанзий, Ибн Ҳагар, Ибн Халдун, Ибн Таймий, Ибн Сасра ва Азиз ибн Ардашернинг асарларига асосланса, “Хаос ва космос” деб номланган учинчи қисмида Ибн Арабшоҳ, Ҳофизи Аbru, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздийнинг асарлари таҳлил қилинади, “Жаҳонга ҳукмронлик” деб номланган тўртинчи қисми эса асосан Руи Гонсалес де Клавихонинг асарига таянган.

Асарнинг биринчи қисмида дунёда Темур пайдо бўлишининг тарихий шароитлари қисқача баён қилинади. Муаллиф бу қисмни ўқишда, айниқса, унинг “Чиғатой” бобидаги иловалардан фойдаланишни тавсия қилади. Темурнинг жанглари ва унинг бошқа ислом давлатларига муносабат борасидаги сиёсати кейинги қисмларнинг биринчи ҳикоя қатламини ташкил этади. Уларнинг устки, иккинчи қатламида эса ўша даврнинг диний ва сиёсий ҳолати ҳақидаги тасаввурлар ётади ва уларда китобхон ўша даҳшатли давр одамлари ўз замоналарига бардош бериш учун дунёни қандай тасаввур

¹²⁶ Nagel T. Timur der Eroberer und die islamische Welt des späten Mittelalters. – S. 9.

қилганликларининг гувоҳи бўлади. Булар ҳақида биринчи қисмда ҳам сўз юритилади, бироқ кейинги қисмларда тушунтириш берилади. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларнинг сўнгги боблари китобхонга иккинчи қатламни очиб беришга хизмат қилади.

Доктор Т.Нагелнинг фикрича, XIII-XIV асрлар ислом маданияти замонасида янги давр Европадагига қараганда бошқача тасаввур қилинган. Бироқ у даврда ҳам, ҳозирги замонда ҳам жанг қилиш ва забт этилган ўлкаларни бошқариш талаблари ҳаракат қилишга мажбур этади, бу эса ҳукмдор тинчликни ўз мақсадларига мувофиқ ҳам сақлаши мумкин деган ишончдан келиб чиқади. Ишғол қилиш учун ҳам катта куч, кўп одам йиғиш даркор, уларни жанг қилишга мажбур этиш ва барча зарур нарсаларни йиғиш лозим! Чингизхон яратган “Ясоқ” тинчлик даврида мамлакатни бошқариш учун зарур қонун эмасди, зеро, “ўрта асрлар ислом тасаввурида давлат ҳақидаги тушунча мавҳум бўлиб, у фақат мусулмон оламини назарда тутарди: бутун инсониятни Оллоҳ иродаси билан яратилган ягона жамоага бирлаштириш. Шундай қилиб, худди илгаридек умумий салтанат ҳақида ўйлардилар, бироқ бу жамоада ҳаёт қандай бўлиши ҳақида тасаввурлари йўқ эди”.¹²⁷

Т.Нагель Амир Темурнинг келиб чиқиши ҳақидаги Европада кенг тарқалган фикрга қўшилади, хусусан, у 1479-1488 йилларда Италиянинг Генуя шаҳри дожи бўлган, сўнг Францияда сургунликда яшаган баптист роҳиб Фульгюзус (1479-1588)нинг XVI асрда Европада тарқалган кундаликларидаги сўзларни такрорлайди: “... ўзига тўқ, бироқ камбағаллашиб қолган оиладан чиққан ўсмир чўпонлик қилиб, қийинчиликда кун кўрган. Унинг ўртоқлари ўйинлари пайтида уни ўзларига жўрабоши қилиб тайинлашади, бироқ Темур буни жуда жиддий тушунди ва келажакда режалари баланд йигит ўртоқларидан содиқликка қасамёд қилишни талаб қилди. Улар молларини сотдилар, қасоскорлар жамиятини туздилар ва қароқчилик билан шуғулландилар. У зеҳни ўткирлиги ва адолатпарварлиги билан йигитларни бирлаштирди, султон уни жазолаш учун юборган аскарларни ўз тарафига ағдариб олди, ва ниҳоят, ўз юртини “маврлар ва форсийлар қироли” зулмидан озод этиб, якка ҳокимга айланди”.¹²⁸

Муаллиф таъкидлашича, Мовароуннаҳрда бутун ҳокимият шахслар билан боғлиқ эди; XIV асрда барча қурилмалар уларнинг қўлида эди, бу айниқса, Миср ва Сурияга нисбатан ислом Шарқида

¹²⁷ Nagel T. Timur der Eroberer und die islamische Welt des späten Mittelalters. – S. 17.

¹²⁸ Campofulgosio Baptista. “Biographie” Tamerlans: Libri IX... – Basel: 1567. – S. 378-380.

яққол кўзга ташланарди, зотан “Фрот дарёсидан нарида мўғуллар босқини оқибатида маълумотли шахслар ва ислом муассасаларининг сони камайиб кетган эди. Ҳар қандай зулм оқланарди, зеро, у умумхалқ мақсадини амалга ошириш учун қўлланарди. Ўзини Чингизхон меросини тикловчи ва дин учун курашувчи деб ҳисоблаб, исломни бутун дунёга ёйиш мақсадида қўлига қурол олган одамга муфтийлар қандай қаршилиқ қиларди? (...den jenseits des Euphrats war die Schicht der gebildeten Städter, der Träger islamischer Institutionen, durch den Mongoleneinfall erheblich geschwächt worden Jegliche Usurpation war gerechtfertigt, sofern sie ausdrücklich zur Verwirklichung des universalen Staatszieles geschah. Wie hätten Qādīs und Muftīs jemandem in den Weg treten können, der als Restaurator des Erbes Dschinggis-Chans und als Glaubenskrieger, als Mehrer des der Theorie nach universalen Reiches des Islams zu den Waffen griff?)”¹²⁹

Муаллиф келтирган маълумотларга кўра, Темур ҳеч кимнинг қаршилигига учрамай, “дунёни забт этишга киришади”.

“У (Темур) ўз халқини қандай бошқаришни билади; бир имо қилса борми, ҳамма ўз бурчини адо этарди. Унгача бирор саркарда ўз лашкарларини ундан афзалроқ саф торттирмаган ва ундан донороқ бошқара олмаган. Бутун дунё бўйлаб зафар қучиб юрганининг боиси ҳам ана шунда!”¹³⁰

Т.Нагел фикрини давом эттириб Амир Темурни саркардалик фаолиятини шундай эътироф этади, – “...омади юришган ва, энг аввало, ўз эркаклик хислатидан ақлли ва самарали фойдаланган Темур зафар кетидан зафар қучди, Доро, Искандар ва Цезарь каби жасоратлар кўрсатди, ҳатто улардан ҳам ўзиб кетди. Темур узок Волга бўйи скифларини ҳам забт этди, зеро, унгача ҳеч ким уларни бўйсундирмаганди. Жаҳон тарихида ўтган барча буюк зотлар қиёсланган бу хулоса 1577 йил Париж матбуотида пайдо бўлди.(Von Fortuna begünstigt, gewiß, aber vor allem dank dem klugen und zielstrebigem Einsatz der eigenen Fähigkeiten, der Mannestugend, erringt Timur die macht, eilt er von Triumph zu Triumph, vollbringt er Taten, die denen eines Darius, eines Alexander, eines Caesar gleichkommen oder sie gar in den Schatten stellen. Denn Timur unterwarf die Skythen bis an die ferne Wolga; und an dem Versuch, die Skythen zu bezwingen, ist vor ihm noch jeder gescheitert ! dies ist das Fazit eines breit angelegten Vergleiches

¹²⁹ Nagel T. Timur der Eroberer und die islamische Welt des späten Mittelalters. – S. 12.

¹³⁰ Petri Messiae von Sibilia vilualtige Beschreibung/christenlicher und Heidischer Keisern /Künigen/ weltweiser Männeren gedächtniß würdige Historien. – Basel: 1564. – CLXI

aller großen Gestalten der Weltgeschichte, der 1577 in Paris im Druck erschien)“¹³¹

Муаллиф Темур сифатларини улуғлайди, яъни Темур омад билан ўз имкониятларини жуда аъло уйғунлаштирган буюк тарихий шахсдир. Бу икки сифат фақатгина муваффақиятли ҳукмдорда мужассамлашади. Шу сабабли Амир Темур Ғарбий Европа уйғониш даврининг адабиётида рамзий образ сифатида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам Кристофер Марло (1564-1593) у ҳақида буюк трагедия яратди. Бу асар XVII асргача юз марталаб саҳналаштирилди ва шундай халқ пьесасига айланиб кетдики, томошабинлар бу пьеса кимнинг қаламига мансублигини ҳам унутиб юборишди. Ҳатто узоқ Москвада 1672 йил подшоҳ амрига биноан театр жамияти тузилганида, саҳнада дастлаб Темур ва Боязид ҳақидаги пьеса қўйилди. 1724 йил Георг Фридрих Хендель томонидан инглиз томошабинларига “Тамерлан” операсининг кўрсатилиши бу шахсга қизиқиш қанчалар кучли эканлигидан далолат берарди.

Немис адиби “Амир Темур ўзининг энг улкан зафарини Константинополь устига юриш қилишга шайланиб турган турк султони Боязид Йилдирим устидан қучади. Европаликларни бўйинсундира олмай юрган шафқатсиз Боязид устидан қозонилган ғалабадан сўнг Ғарбий Европада Амир Темур ҳақида ижобий фикр пайдо бўлди”, – дейди. Муаллиф Боязид билан Темур ўртасидаги жангга тўхталиб, меросга қолган ва ўз кучи билан эгалланган тахтлар (баптист роҳиб Фульгюзус ва унинг фикрига қўшилувчи бошқалар таъбирича) ҳақида фикр юритади ва хулоса ўрнида “меросга олинган нарсангга ишонма, зеро, мағлубият шафқатсиз бўлади”, деган жумлаларни келтиради.¹³²

Муаллиф асарда Амир Темур ҳақида ижобий фикрлари билан бирга, бир қатор салбий мулоҳазалар билдиришни ҳам лозим топган. Олим Амир Темурнинг келиб чиқиши ҳақидаги юқоридаги фикрини 1996 йил сентябрда Самарқанддаги нутқида ҳам такрорлайди: “Ибн Арабшоҳ Амир Темур ҳақида фақат кераксиз маълумотлар беради. Унинг айтишича, Амир Темур зодагонлар оиласидан келиб чиққан. Европа манбаларида эса бундай маълумот йўқ, уларда Амир Темурнинг паст табақадан чиққанлиги у дунё миқёсидаги буюкликка

¹³¹ Leroy Loys. De la vicissitude ou varieté des choses en l'univers. – Paris: 1577. – P. 107.

¹³² Nagel T. Timur der Eroberer und die islamische Welt des späten Mittelalters. – S. 13.

фақат ўз шахсий фазилатлари ва қобилиятлари туфайли эришгани таъкидланади”.¹³³

Немис адиби Анқара жангида мағлуб этилган турк султони Боязиднинг Амир Темур томонидан қафасга солинганлигига ва ҳўрланганлигига ишонади: “Темур Боязидни қафасга солиб қўйди, ўзи тамадди қилаётганида у стол тагига ўтириб, овқат қолдиқларини худди итдек баҳам кўришни амр қилди; ҳар сафар саркарда отга минаётганида эса мағлуб этилган унга елкасини тутиши керак эди”.¹³⁴

Т.Нагель бу фикрни Самарқандда ҳам такрорлайди. Анқара жанги ҳақида гапира туриб, олим шундай деган: “Боязид қуршовда қолди, уни отдан тушириб, асир олдилар. Темурланг уни темир кутига солдириб қўйди ва ўзидан ортган қолдиқлар билан боқди”.¹³⁵

Муаллифнинг фикрича, барча буюк лашкарбошилар “океандан океангача буюк империя тузишни истаганлар”. Амир Темурнинг бу дунёдаги мақсади бўлмиш ислом оламини бўйинсундириш эса мустаҳкам бўлмади, унинг ўғиллари ва набиралари ўзларига қолдирилган меросни кўпайтириш у ёқда турсин, ҳатто уни сақлаб туришга ҳам қодир эмасдилар. Ҳиндистондаги Буюк Мўғуллар салтанатининг асосчиси Бобур (1526-1530 йиллар ҳукмронлик қилган) ота тарафидан Темурнинг бешинчи авлоди эди. Фақат унинг давридагина Темур салтанат асосчиси деб аталган. Қайта ишланган манбалардан уни Бобурнинг таржимаи ҳолига ўхшаш “Автобиография”сини туздилар, ҳамда ўзлари жанг қилиш ва давлатни бошқаришга қодирликларини кўрсатиш учун Темурнинг ҳақиқий ва қалбаки фармонларини йиғдилар.¹³⁶

Кўриниб турибдики, Т.Нагель «Бобурнома»нинг ҳам, Амир Темур “Тузуқлар”ининг ҳам ҳақиқийлигига шубҳа билдиради: Унинг фикрича, тарихий тадқиқотлар учун бу асарларнинг қиммати шубҳали.

Айрим ноаниқ ва ноҳолис фикрларга қарамай, Тильман Нагелнинг ушбу китобида диққатга сазовор жиҳатлар ҳам мавжудлиги характерлидир. Асарда юқоридаги каби тарихий ҳақиқатга зид ўринлар учраса-да, Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳонгашта саркарда ва буюк фотиҳ эканлиги немис адиби томонидан юксак эътироф этилган.

¹³³ Амир Темур. “Амир Темур: шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти”. – Б. 36.

¹³⁴ Nagel T. Timur der Eroberer und die islamische Welt des späten Mittelalters. – S.10.

¹³⁵ Амир Темур. “Амир Темур: шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти”. – Б. 38.

¹³⁶ Nagel T. Timur der Eroberer und die islamische Welt des späten Mittelalters. – S. 10-11.

Жаҳон илмий тарихчилигида яққол кўзга ташланадиган муҳим жиҳатлардан бири, уларда илмийлик ўзанида бадиийликнинг ҳам мавжуд бўлишидир. Амир Темур тарихига оид соф илмий деб аталадиган манбалар ҳам бундан мустасно эмас. Академик Бахтиёр Назаровнинг фикрича, “... қадимги машҳур муаллифларнинг мероси тарихий асарлар бўлиши баробарида, улар бадиий адабиёт ва халқ оғзаки ижодига хос бўлган хусусиятлардан холи эмас”.¹³⁷

Жадвал орқали шундай хулосага келиш мумкин. XVII асрдан XX асргача бўлган бўлган даврда немисзабон адабиётида Темур шахсига бўлган муносабат ижобий томонга ўзгариб борган. Бунинг сабаби соҳибқирон ҳақидаги илмий назарий китобларнинг XX асрга келиб кўпайганлигидан далолатдир.

Боб бўйича хулоса

1. Амир Темур ҳақидаги илк маълумотлар унинг ҳаётлиги давридаёқ Европа халқларига маълум бўлган. Амир Темурнинг усмонли турклар устидан Анқара жангида ғалаба қилиши Европада унинг шахсига бўлган қизиқишнинг янада ошишига сабаб бўлган.

2. Немис адабиётида Амир Темур ҳақида яратилган илк манба германиялик аскар Йоханн Шильтбергернинг “Reisen des Johannes Schiltberger aus Muenchen in Europa, Asien und Afrika von 1394 bis 1427” (“Йоханн Шильтбергернинг Оврупа, Осиё ва Африка бўйлаб 1394 йилдан 1427 йилгача саёҳати”) номли асаридир. Мазкур асари бадиий қийматга эга бўлмасада, унда Амир Темур ҳаётига оид айрим қизиқарли маълумотлар борлиги билан аҳамиятлидир.

3. Немис бадиий адабиётида Амир Темур образининг илк бадиий талқини XVII асрда яшаб ижод қилган драматург Кристиан Ҳайнрих Постел асарида яратилган. Ҳозирга қадар ўзбек адабиётшунослигида немис адиби Кристиан Ҳайнрих Постелнинг “Боязид ва Темур” (“Bajazeth und Tamerlan”, 1690) либреттоси илмий жиҳатдан махсус тадқиқ қилинмаган. Мазкур либреттода Соҳибқирон образи кучли саркарда, одил ҳукмдор ва бағрикенг инсон сифатида тасвирланган.

4. Буюк немис адиби И.В.Гёте (1747) ҳам ўзининг “Ғарбу Шарқ девони (1812)”да Амир Темур образига мурожаат қилган. Девондаги “Темурнома” ва “Зулайҳонома” шеърларида Темур образи ифодаланган. Гёте ўз темурномасида немис жамиятидаги жирканч иллатларга қарши курашувчи кучни ифодалаш уринган. Замонавий

¹³⁷ Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. – Тошкент: Media Markazi, 2008. – Б. 4.

немис шеърлятида ҳам Темур образи тасвирланган бўлиб, Темур образи Гёте шеърлятидаги каби ёвуз куч тимсолида тасвирга олиб кирилган. Умуман немис поэзиясида Амир Темур образи салбий тасвирга эга. Бунинг сабаби жамиятдаги урушларнинг оқибатлари билан белгиланади.

5. Замонавий немис бадий адабиётининг турли жанрларида соҳибқирон образининг турлича тасвирларини кузатишимиз мумкин. Экспрессионизм жанрида Амир Темур образи эпик қаҳрамонларга хос тарзда яратилган бўлса, детектив жанрда замонавий комиссар образида, роман жанрида эса буюк саркарда образида гавдаланган.

6. Немисзабон адабиётда Амир Темур образини яратишда инглиз ва италян адабиётининг таъсири сезиларли бўлган. Инглиз адабиётидан (К.Марлонинг “Буюк Темур” драмаси) таъсирланиб ёзилган асарларда Амир Темур салбий образ сифатида тасвирланган. Бунга Гётенинг “Тумурнома”, П.Хаксинг “Темур Берлинда”, К.Эдшмиднинг “Темур” каби асарлари мисол бўлади. Италия адабиёти (Гулио Цезар Коррадиснинг 1689 йил Венецияда қўйилган “Буюк Тамерлан” драмаси) таъсирида ёзилган асарларда эса Соҳибқирон ижобий образ сифатида тасвирланган.

7. Ўзбекистонда кўп маротаба бўлган Георг Август номли Гёттинген университетининг профессори, филология фанлари доктори Тильман Нагель томонидан яратилган “Темур – жаҳонгир ва Ўрта асрлар охири ислом дунёси (Timur der Eroberer und die islamische Welt des späten Mittelalters)” номли асари адабий-тарихий анъана ва тенденцияларнинг ёрқин намунасидир. Айрим ноаниқ ва ноҳолис фикрларга қарамай, Тильман Нагелнинг ушбу китобида диққатга сазовор жиҳатлар ҳам мавжудлиги характерлидир. Асарда тарихий ҳақиқатга зид ўринлар учраса-да, Амир Темурнинг жаҳонгашта саркарда ва буюк фотиҳ экани немис адиби томонидан юксак эътироф этилган.

8. Демак немисзабон адабиётларда яратилган тарихий ва бадий асарларда Соҳибқирон образи хар-хил ифодаланди. Ҳар бир адиб ўз дунёқараши ва шахсий муносабатларидан келиб чиқиб Шарқнинг буюк фотиҳини турлича талқин қилдилар. Шунга қарамасдан олмон китобхонлари нигоҳида Амир Темурнинг ижобий имиджи шаклланди дейиш мумкин.

III БОБ.

НЕМИСЗАБОН АДАБИЁТЛАРДА БОБУР МИРЗО СИЙМОСИ ТАЛҚИНЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1484-1530) – улуғ ҳукмдор, таниқли саркарда, шоир, адиб ва олим бўлиш билан бирга довюраклиги ва жасурлиги учун ёшлигида Бобур (Йўлбарс) номини олган.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: “Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг доврўғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади. Биз Бобур Мирзони улкан давлат арбоби сифатидагина эмас, қомусий аллома, мумтоз шоир сифатида ҳам чексиз қадрлаймиз. Бобур ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллий ғуруридир”.¹³⁸

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Бобур ва бобурийлар тарихини, маданиятини ўрганиш бўйича Ўзбекистонда салмоқли ишлар амалга оширилди. Буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида кўплаб тарихий, тарихий-адабий ва бадиий асарлар яратилди. Унинг ҳаёт йўли ва ижодини ўрганиш учун ҳукуматимиз томонидан хайрли ишлар амалга оширилди, Бобур номидаги Халқаро жамғарма (1992 йил), илмий экспедициялар ҳам ташкил этилди. Айниқса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини кенг тадқиқ қилиш ишлари авж олди. Бу борада С.Азимжонова, Ҳ.Султонов, Ҳ.Болтабоев, Н.Отажонов, М.Ҳолбеков, З.Машрабов, А.Қаюмов, А.Иброҳимов, З.Тешабоева. З.Холманова ва бошқа кўплаб олимларимиз Бобур ва унинг асарларини тарихий ва адабий жиҳатдан тадқиқ этганлар.¹³⁹

Бобур ва бобурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш нафақат юртимиз олимлари, ёзувчиларини, балки хорижий олимларни, жумладан, Ғарбий Европа олимларини ҳам ўзига жалб қилган ва

¹³⁸Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: 1996. – Б. 158.

¹³⁹Ғайбуллоҳ ас-Салом, Отажон Н. Жаҳонгашта Бобурнома. – Тошкент: Фан 1996; Болтабоев Ҳ. Хорижда Бобуршунослик. –Т.; 2008, Мумтоз сўз кадри. – Тошкент: Адолат, 2004; Султонов Ҳ. Бобурийнома. –Тошкент. Шарқ 1997; Иброҳимов А. Бобурнома - буюк асар. –Тошкент: 2000; Холбеков М. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в аспекте перевода, критки и восприятия). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: 1991; Холманова З. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи. Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент: 2009; Тешабоева З. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Филол.фал.док. ... дисс. – Тошкент: 2017.

уларда катта қизиқиш уйғотган. Маълумотларга кўра Бобур ҳақида Европада илк бор яратилган асар, бу француз сайёҳи ва табиби Франсуа Берньенинг “Бобурийлар салтанатининг сўнгги тарихи” номли илмий-маърифий асаридир. Бу асар 1680 йилда яратилган ва ўша давр сиёсий доираларида юқори баҳоланган ноёб манба ҳисобланади.¹⁴⁰ Кейинроқ Ғарбликлар Бобур номини 1697 йили француз шарқшунос олими Бартоламе Эрбало Моленли орқали эшитдилар. У “Шарқ кутубхонаси” қомусида ўзининг “Бобур ёки Бабар” номли мақоласида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида илк бор француз китобхонларига маълумот берган эди. 1705 йилда эса Бобурноманинг Фарғона тасвири голланд тилида Витсен томонидан босилиб чиқди¹⁴¹.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Бобур шахсини нафақат Европага, балки бутун дунёга машҳур бўлишини икки омил билан изоҳлаш мумкин. Биринчиси, Бобурнинг Ҳиндистонни забт этиши ва у ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатиши бўлса, иккинчиси, унинг ижодкор шахс бўлганлиги, яъни у яратган “Бобурнома” асари ва шеърларидир. Кўплаб олимлар улар хоҳ юртимиз, хоҳ хорижий олимлар бўлишидан қатъий назар, аввало, “Бобурнома”га мурожаат қилганлар. Бобурнинг ҳаёт йўли, жангу жадаллари ва у амалга оширган эзгу ишларини ўрганиш учун ҳукмдорнинг ўзи яратган асари ҳамиша дастуруламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

3.1. “Бобур – Йўлбарс” қиссасида ёш Бобур образи поэтикаси

Ўтмишда яшаган буюк тарихий шахслар ҳаёти ва ижодиётини бадиий тадқиқи – бу бевосита тарихий тараққиёт талаби, инсонларнинг руҳий эҳтиёжлари туфайли амалга ошадиган ғоявий-эстетик жараён натижасидир.

Адабиётшунос олим Н.Аҳмедов таъкидлаганидек, “...санъатнинг барча турлари каби бадиий адабиётда ҳам инсон, унинг моддий ва маънавий борлиғи тасвирланади. Бинобарин, ана шу инсоннинг бутун борлигини бадиий тадқиқ этишда ижодкор кўп асрлик бадиий тажрибада ишлаб чиқилган иккита йўлдан бирини танлайди. Биринчиси – ижодкорнинг хаёл кучига катта имкониятлар берувчи йўл. Бу йўлда ижодкор ўз қаҳрамонини муайян давр билан шартланган ташқи ва ички қиёфасини ўз иқтидори, билим ва тажрибаси доирасида

¹⁴⁰ Болтабоев Ҳ. Хорижда Бобуршунослик. – Тошкент: 2008. – Б. 73.

¹⁴¹ Иброҳимов А. Бобурнома-буюк асар. – Тошкент: 2000. – Б. 13.

тасвирлайди. Чунки у яратган қаҳрамон бадиий тўқима маҳсули бўлади.

Иккинчиси – имкониятлари тор, аммо аниқ мўлжаллари бор бўлган йўл. Бундай йўл фақат тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятига мурожаат этилганда вужудга келади”.¹⁴²

Бобур халқаро фондининг хорижий мамлакатларга уюштирган илмий экспедицияларидан бирида, яъни Германияда яна бир муҳим манба қўлга киритилди. Бу китоб австриялик ёзувчи Фриц Вюртле томонидан ёзилган ва нашр этилган “Бобур – Йўлбарс” (“BABUR, der TIGER”) номли саргузашт қиссадир. Ушбу китоб 1947 йили Австрияда (S. Joergle & Co.Wien 1947) босилиб чиққан. (*Олима ва таржимон Янглиш Эгамова мазкур китобни немис тилидан ўзбек тилига ўғирди ва асар 2011 йил “Андижон шаҳзодаси”¹⁴³ номи билан нашрдан чиқди*)

Мазкур асар “Осмондаги қозик”, “Жазолаш” “Карвонбоши”, “Шоҳ Умаршайхнинг ўлими”, “Оқ каптар”, “Яшил ўқ”, “Отлиқлар жанги” ва “Душманга қарши” каби кичик-кичик йигирма бобдан иборат. Асарда темурийлар даврида Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, водийнинг табиати, аҳолисининг касби-корига эътибор қаратилган. Ёзувчи ушбу китобда Бобурга юксак ҳурмат-эҳтиромини кўрсата олган. Қиссадаги воқеаларни ўқир эканмиз, асар муаллифи Бобур ва унинг меросини нақадар чуқур ўрганганини гувоҳи бўламиз. Албатта, ёзувчи бу тарихий далиллар билан бирга бадиий тўқималардан кенг фойдаланган, фикримизча, ёзувчи бунга ҳақли. Зеро, “бадиий тўқима ёрдамида ҳаёт моҳиятини очиб берган ва тасвирлаш маҳорати билан китобхонни ишонтира олган ёзувчи асари турмушнинг ўзидан олинган, тўқиб чиқарилмаган, лекин тасодифий, хусусий тарздаги далиллардан иборат бўлган асарга нисбатан ҳаққонийроқдир”.¹⁴⁴

Қиссада бадиий тасвир воситалари орқали муаллиф ўқувчи қалбига кириб боришни муносиб калитини топа олган дейишимиз мумкин. Чунки муаллиф Бобур ҳаётидаги воқеаларни, жангу жадалларни, айниқса, Фарғона водийсининг сўлим табиатини жонли ва ишонарли тасвирлайди.

“Бобур – Йўлбарс” асари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари 1494-1496 йиллар воқеаларига асосланган.

¹⁴² Аҳмедов Н. Ўзбек адабиётида Алишер Навоий сиймосини талқин этиш муаммолари. ф.ф. док... дисс. 1994.- Тошкент: – Б. 9.

¹⁴³ Woertle F. Babur, der Tiger. S. Joergle & Co.Wien 1947. – S.165.

¹⁴⁴ Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: 2003. – Б. 49.

“Бобурнома” дунёнинг кўплаб тилларига, жумладан, немис тилига ҳам бир неча бор таржима қилинган. Ғарбий Европа тилларида Бобурга атаб турли тарихий ҳамда бадий асарлар ҳам яратилган. Хусусан, Харольд Лэмбнинг “Бобур – Ёлбарс”, Вильям Рашбрукнинг “Ўн олтинчи аср бунёдкори”, Румер Годеннинг “Гулбадан” каби асарлари шулар жумласидандир. Бироқ биз Ф.Вюртле бу таржималар ва асарларнинг қайсисини ўқиганини ҳам, “Бобурнома” билан қай даражада танишлигини ҳам билмаймиз. Муаллиф асарнинг кириш қисмида Бобур ҳақидаги қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади. “Мазкур ҳикоянинг бош қаҳрамони 16-аср бошларида яшаган ва ҳукмронлик қилган Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. У 11 ёшида Фарғонанинг шоҳи бўлди. Унинг билан Ҳиндистонда бир неча асрлар ҳукмронлик қилган мўғуллар империяси бошланган. Бобур ўз ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларни ўз кўли билан, она тили бўлмиш чиғатой-туркий тилида ёзиб баён қилган. Бу кўлёзма “Бобурнома” дейилади ва ушбу кўлёзма менинг ҳикоямга асос бўлди” (Der junge Held dieser Erzählung, Zadir-Eddin Muhammad Babur, lebte und regierte zu Anfang des 16. Jahrhunderts. Mit elf Jahren wurde er Khan von Fergana. Mit ihm begann die Dynastie der Moguln, die Indien durch Jahrhunderte beherrscht haben. Babur hat mit eigener Hand die Abenteuer seines Lebens in der Sprache seiner Heimat, dem Dschagatai-Tuerkischen, aufgezeichnet. “Baburname” heist dieser Niederschrift und sie wurde dieser Geschichte zugrunde gelegt.)¹⁴⁵

Ф.Вюртле ҳақидаги маълумотларнинг ўзи ҳам жуда кам. Аммо шуниси аниқки, “Бобур – Ёлбарс” номли қисса “Бобурнома” каби мемуар асар эмас, балки бадий асардир. Шу сабабли “Андижон шаҳзодаси” тарихий ҳақиқат атрофида яратилган бадий тўқимадан иборат.

Мазкур қиссада, асосан, Бобурнинг ёшлиги, яъни эндигина Фарғона тахтга ўтирган ёш шаҳзоданинг ҳаёти ва фаолиятининг қисқа даври бадий талқин қилинган.

Ф.Вёртле ўз асарини болаларбоп, яъни болалар адабиётига хос тарзда яратган, муаллиф бунинг учун тўқима образлар, турли қизиқарли сюжетларни тузган, уларга турли бадий воситалар, яъни бадий бўрттиришлар орқали буёқ берган, шу билан бир қаторда у тарихий ҳақиқатни маълум даражада сақлашга ҳаракат қилган.

¹⁴⁵ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 3.

Маълумки, “Бобурнома” куйидаги жумла билан бошланади: “Тенгри таолонинг инояти билан ва ҳазрати он сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳориёри босафоларнинг ҳиммати билан сешанба куни, рамазон ойининг бешида, тарих саккиз юз тўқсон тўққизда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум”.¹⁴⁶

Ф.Вёртле Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёшлигини ўқувчига “Осмондаги қозик” деб номланган биринчи боб орқали куйидаги тарзда таништиради. Заҳириддин Муҳаммад устози Мирзо Уллоҳ билан анор дарахти тагида машғулот олиб бораётган пайтда устози ундан сўрайди:

– Заҳириддин Муҳаммад, шоҳ жанобларининг ўғли, менга айт-чи, ҳозир ёшинг нечада?...,

– Талабчан устоз, қанақасига мени неча ёшдалигини билмайди, деб ўйлайсиз? Мен ўн икки йил бурун дунёга келганман, айтишларича, мен катта одам эмишман. Ростдан ҳам, агар ҳаракат қилсам, оёқларимни яхшилаб чўзсам, панжаларим отнинг қорнигача етади. Айтингчи, о, донолик чироғи, Сиз менинг ёшимдалигингизда сизнинг панжаларингиз ҳам шунча жойга етармиди?” (Zadir Muhammad, Sohn meines kö'niglichen Herrn, sage mir, wie alt bist du jetzt?

Gestrenger Lehrer, wie koenntest du nur glauben, dass ich mein Alter nicht weiss? Vor zwoelf Jahren bin ich zur Welt gekommen, man sagt, ich sei schon ein ganzer Mann. Und wirklich, wenn ich mich recht bemuehe und meine Beine ordentlich strecke, beruehren sich meine Zehen beinah unter dem Bauch meines Pferdes. Sage mir, o Leuchte der Weisheit, taten deine Zehen dies auch, als du so alt warst wie ich?)¹⁴⁷

Муаллиф мазкур тасвир билан ўқувчига ҳам Бобурнинг ёши, ҳам уни вояга етганлиги ва подшоҳликка муносиб эканлигига ишора қилган.

Асардаги энг етук образ Заҳириддин Муҳаммад образидир. У ёшлигиданоқ буюк аждодлари темурийлардек, отаси Умаршайх Мирзодек мард ва жасур инсон бўлишни орзу қилади. У Фарғона подшоҳининг ўғли, ўзини подшозодадек тутиши, ҳаммага ўрناق бўлиши лозим. Ундаги бу куч-матонат асарнинг “Жазолаш” деб номланган тўрттинчи бобидаёқ намоён бўлади.

Заҳириддин Муҳаммад устози Мирзо Уллоҳ билан “Меҳр-шафқат тимсоли” бўлмиш улкан анор дарахти соясидаги машғулотдан қайтиб келишаётганларида туя кажавасида сиёҳ тўкилиши натижасида

¹⁴⁶ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. Порсо Шамсиев – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 5.

¹⁴⁷ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 9-10.

“сиёҳга бўялган” устоз уни жазолашни буюради. Шаҳзодани жазолашни устоз ўз зиммасига олади ва Андижон шаҳри девори олдидаги гилам устида оломон кўз ўнгида уни қамчи билан савалайди. Девор олдида тўшалган гилам қумни бекитиб турар, унинг устига тизза бўйи баландликда узун темир кўндаланг ташлаб қўйилган эди. “Шу лаҳзаларда Заҳириддин Муҳаммаднинг аҳволи, сўзсиз, ночор эди, лекин “Қўполлик ва қайсарлик матонат белгиси эмас, балки заифлик белгиси”, деган қадимги мақолни эслаш унга ёрдам берди. У ўзини кучли қилиб кўрсатмоқчи бўлди, ва у кучли бўлди”. (Zadirs Lage war in diesem Augenblick gewiss alles anderen als beneidenswert, aber der Gedanke an das alte sprichwort: “Grobheit und Trotz sind kein beweis von Mut, sondern ein Beweis von Schwache”, half ihm. Er wollte sich stark zeigen, und siehe, er war stark.)¹⁴⁸

Шаҳзода ўзи гилам устига ётади ва ўнг оёғини кўндаланг темирнинг устига қўяди. “Унинг юзи қатъий тус олди, гўё тиззасини темир тўсиққа маҳкам боғлаб қўйишгандек оғзини қаттиқ юмиб олди”. (Sein Gesicht wurde hart, sein Mund presste sich fest zusammen, als man das Fugelenk mit einer Schnur an der Stange befestigte.)¹⁴⁹

Мирзо Уллоҳ унинг оёғига биринчи, сўнг иккинчи зарбани беради: “Мана буни оғриқ деса бўлади! Заҳириддин кўзларини юмиб, қаттиқ бақириб юбормаслик учун қўлларини қорнига маҳкам босди. Қулоқлари шанғиллаб кетди, атрофида бўлаётган ҳеч нарсани эшитмасди. Бироқ у бир нарсани: яъни уни жасорати учун мақтаганларини эшитди. Одам ёқимли гапни денгиз шовқини оша ҳам эшитади”. (Das war ein Schmerz! Zadir musste die Augen schliessen und die gekreuzten Arme fest an den Leib pressen, um nicht laut aufzuschreien. In seinem Ohren war ein Brausen, und er hoerte nicht viel von dem, was um ihn herum vorging. Aber das eine hoerte doch , dass man ihm fuer sein tapferes Verhalten Lob spendete. Was man gerne hort, hoert man auch durch die Brandung des Meeres.)¹⁵⁰

Ёш шаҳзода чидамли ва, албатта, жасур эди. Буни у Аҳси қалъасини хоинлардан тортиб олиш учун олиб борган жангда яққол кўриш мумкин. Бобур ҳамиша жангда биринчи бўлишни ва навкарларига ибрат кўрсатишни истарди. Шу боис ҳам қалъа деворига ўрнатилган нарвонга биринчи бўлиб чиқади. Муаллиф буни жуда ишонарли ва таъсирчан ифодалайди: “Қалъанинг ташқи девори

¹⁴⁸ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 21.

¹⁴⁹ Ўша асар. – Б. 21.

¹⁵⁰ Ўша асар. – Б. 22.

этагида Заҳириддин Муҳаммад хужум “дарахт”ининг биринчи шоҳларида турибди. Қўл оёқлари билан ҳаракат қилиб у тепага чиқа бошлади. Қиличи чап елкасига осилган. Заҳириддин тепага чиқди чап қўли билан хужум “дарахт”ига, ўнг қўли билан деворга ёпишиб олган. У бутун гавдаси билан олдинга ҳаракат қилиб, девор устига ётиб олди. Шу пайт фаришта уни тўсиш учун унинг олдига ўтди. Заҳириддин Муҳаммад қилич ва қалқонини елкасидан олдида, қаддини ростлади”.¹⁵¹

Ф.Вёртле қиссасини ўқир эканмиз, воқеалар кўз ўнгимизда намоён бўлади гўё. Муаллиф Бобурни нафақат мард, жасур ва матонатли шаҳзода, балки уни билимли ва мулоҳазали ўспирин эканлигига ҳам эътибор қаратади. Бунга мисол қилиб, шаҳзода ва унинг устози Мирзо Уллоҳ ўртасидаги суҳбатни олишимиз мумкин. Мирзо Уллоҳ Бобурдан “Қани менга айт-чи, қум денгизи бағрида ёлғиз қолсанг, йўлингни қандай топган бўлардинг?” деб сўраганида Бобур унга жавобан ишонч билан шундай жавоб қилади:

– Осмонда мен бемалол ўқийдиган ҳарфлар бор, улар менга форсча ёзувлардан кўра тушунарлироқ. Саҳрода мен ойга қараб йўл топаман, агар ой тепада турса, демак у жанубда турган бўлади.

– Яхши, лекин ой бўлмасачи, ҳамма ёқ қоп-қоронғу бўлса-чи?

– Менинг тундаги йўлбошловчи юлдузим осмондаги Темир қозикдир.

– Жуда соз! Энди менга айт-чи, Темир қозик нима дегани?

– Бизнинг юртимизда Темир қозик деб шимолдаги юлдузни, шимол юлдузини айтишади.

– У осмоннинг қаерида туради? Уни қаердан топасан?

– Кичик айиқ туркумининг дум томонидаги охирги юлдуз – Темир қозик юлдузи.¹⁵²

Муаллиф мазкур суҳбат орқали ёш Шаҳзодани билимли, ҳозиржавоб, етук ўспирин сифатида тасвирлай олган. Айниқса, Бобурнинг астрономияга оид билимлардан ҳам хабардорлигини кўрсатади. У Бобурнинг юлдузлар илмидан хабардор бўлиши, Амир Темурнинг набираси Шохруҳ Мирзонинг ўғли шоҳ ва астроном Улуғбек Мирзо(1394-1449)га бориб тақалишига ишора қилади.

Бобурнинг юлдузлар илмидан хабардор эканлигига ишора қилиш ўзбек адибларининг асарларида ҳам учрайди.¹⁵³

¹⁵¹ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 115.

¹⁵² Ўша асар. – Б. 10-11.

¹⁵³ Қодиров П. Юлдузли тунлар (роман). – Тошкент: 1999. – Б 304.

Воқеалар ривожига жараёнида Бобурнинг қандай жанг олиб бориши, саркардалик иқтидори, жасурлик ва қатъиятлилиги каби характерлари ишонарли тарзда тасвирланади. Аҳси қалъасини босиб олиш учун чақирилган кенгашда Шаҳзода ўз қарорини ва режасини юзбошиларига маълум қилади: – Аҳси эртага бизники бўлади. Менинг ҳохишим шу! Юртим озодликдан маҳрум бўлгандан кўра, ота-боболаримдан қолган қалъа деворлари остида ўлганим афзалроқ. (Aksi ist morgen unser. Ich will es! Es ist besser, ich falle tot von den Mauern der Burg meiner Vaeter, als das die Freiheit meines Landes verlorengelht.)¹⁵⁴

Бобурнинг режасига кўра унинг қўшини аввал Андижон тарафга қараб юриши ва бироздан сўнг қўшин иккига бўлиниб, бир қисми Яшил водийга бир қисми эса Аҳсига ҳужум уюштиради. Бу тасвири китобнинг “Ҳужум” деб номланган бобида кузатишимиз мумкин. “...Худди шу пайт кутилмаган хабар келди: Заҳириддин Муҳаммаднинг Аҳси ёнидан ўтиб кетаётган қўшини тўсатдан иккига бўлинди. Биринчи қисми, отлиқлар йўлда давом этишди. Иккинчи қисми, пиёдалар, кутилмаганда ўнгга бурилиб, Аҳси деворлари томон силжимоқда. Бир гала одамлар борган сари жипслашиб, югуриб келишмоқда”.¹⁵⁵

Муаллиф ўз асарида жанг тасвирларини имкон қадар ишонарли ва жонли тарзда тасвирлашга ҳаракат қилган ва бунга эришган. Мисол учун Бобур ва Шайбонийхон ўртасидаги “Яшил водий”да бўлиб ўтган жанг тасвири; Бу жанг тасвирида ҳам муаллиф Бобурнинг саркардалик иқтидорига тан берганлигини кўриш мумкин. Шаҳзода жангда ўзига хос усул қўллайди. Қиссада келтирилишича, Бобур Аҳси қалъасида қўлга олинган асирлардан жонли тўсиқ сифатида фойдаланади ва қўшинни ўнг ва сўл гуруҳларга ажратиб, ўзи суворийларга бошчилик қилади.

“Мана Бобурнинг қўшини қоялар орасидан йўлни майсазорга бурди. Шайбонийлар қароргоҳига биринчи бўлиб асирлар келишди. Шундоқ уларнинг ортидан жиловсиз отларни ҳайдаганча Аҳси отлиқлари келишарди. ...Шу пайт шарқий майсазор нишабликдан қий-чув билан Фарғона подшоҳининг бутун отлиқ қўшини бостириб келди. Ҳаммадан олдинда оқ отига минган Бобур келарди. Қиличи кумуш рангда, қалқон қизил рангда товланарди. Бобур қўшинининг асосий қисми билан душман қўшини ўртасига ташланди, уларни бошқа томондан Қосимбекнинг жангчилари сиқувга олишди. Тўқнашув

¹⁵⁴ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 100.

¹⁵⁵ Ўша асар. – Б. 109.

дахшатли эди”.¹⁵⁶ Лекин тарихдан маълумки, Бобур ҳеч қачон асирлардан қалқон сифатида фойдаланмаган.

Тарихдан бизга маълумки, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ашаддий душмани бу, албатта, Шайбонийхон эди. Бобур Мирзо Самарқандни биринчи бор эгаллаганида, Шайбоний Туркистон ҳокими эди. Бу ҳақда “Бобурнома”да шундай дейилади. “...Шайбонийхон Туркистондан жадаллаб, ўша сахар бизнинг турган жойимизга келди. Бизнинг лашкаримиз яқинда эмас эди. ...Шунга қарамай бор лашкар билан аслаҳаланиб чиқилди. Шайбонийхон чидаш бермай, ўзини Самарқанд сари тортди. ...Бир неча кундан сўнг Шайбонийхон ҳеч иш қила олмай, ноумид бўлиб Туркистонга қайтиб кетди”.¹⁵⁷ Яна бир мисол, Бобурмирзо Шайбонийхон билан Сарипулда ҳаққоний жанг қилади, лекин бу жангда у ғолиб бўлмайди. “Бобурноманинг” 906 (1500-1501) йил воқеалари баёнида бу ҳақда тўхталиб ўтилган: “Мен Самарқандни олганимда санокли икки юз қирқ кишим бор эди. Беш олти ойнинг орасида Тангри таолонинг инояти билан шунча бўлдики, Шайбоқхондек киши билан Сарипулда саф тортиб урушдик”.¹⁵⁸

Муаллиф ўз асарида Бобурнинг жанг қилиш маҳоратини, ижобий хислатларини улуғлайди, қиссада келтирилган жанг тасвирлари тарихий ҳақиқатга у қадар мос келмаса-да, ўқувчида Бобур шахсига самимий ҳурмат ва эътиборни ҳосил қилади.

Тарихий ҳақиқатга кўра Бобур Самарқандни эгаллаган вақтда беклардан Узун Ҳасан ва Аҳмад Танбал Андижон ва Ахсини Жаҳонгир мирзо номидан идора қилишарди. Бобур икки йилдан сўнг Андижон ва Ахсини жангсиз қўлга киритади. Бу ҳақда “Бобурнома”да шундай дейилган, “Ота вилоятим икки йилга ёвуқлашиб эдиким, иликдин чиқиб эди, тенгри инояти била зилқаъда ойида сана 904 да яна муяссар мусаххар бўлди. Султон Аҳмад Танбалким, Жаҳонгир Мирзо била қатилиб Ўш сари тортиб эди, Ўшқа киргач,,... Узун Ҳасанким Андижонга кира олмай, Ахси тарафига бориб эди, хабар келдиким, бориб Ахсининг аркига кирмиш. Чун сардор ва сарфитна бу эди, бу хабар келгач, Андижонда тўрт-беш кундин ортиқ тафаққуф қилмай, Ахси азимати қилдук. Ахсиға етгач, чора қила олмай, аҳд ва амон тилаб, қўрғонини топшурди”.¹⁵⁹

¹⁵⁶ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 157.

¹⁵⁷ Захириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Б. 54.

¹⁵⁸ Ўша асар. – Б. 76.

¹⁵⁹ Ўша асар. – Б. 60.

“Бобур – Йўлбарс”да эса муаллиф Ахси қалъасини, Бобур Андижондалигида, қалъабегии бошчилигидаги хоинлар томонидан эгаллаб олинишини тасвирлайди. Шайбонийхон билан бўлган жанг эса бир мунча тарихий ҳақиқатга яқин тасвирлайди. Жанг “Яшил водий”да бўлиб ўтади. Шайбонийхон ва Бобур ўртасидаги асосий жанг юқорида келтириб ўтганимиздек Сарипулда, “Боғи нав” яқинида бўлади.

Ф.Вёртле ўз қиссасини болаларга мос тарзда яратганини, унинг турли хил образлардан усталик билан фойдаланганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан; Ҳожи (Сепкилвой) образи. Ҳожи Бобурнинг дўсти бўлиб, у ҳар доим Бобур билан бирга бўлади, жанглarda иштирок этади ва ҳурматга сазовор бола сифатида тасвирланади. Қиссада бу бола ҳақида шундай тасвирлар бор. “Заҳириддин Муҳаммад жиловни бўш ушлаб борарди. Унинг орқасидан энг яхши дўсти кучоқлаб олган эди, бу ҳув ўша жазолаш муносабати билан бангидевона ўтидан қилинган суртмани унинг товонларига суртган дўсти эди”. Бу дўст образи қиссанинг бошидан охиригача бўлган воқеаларда Бобур билан доим бирга бўлади ва шаҳзода уни ҳурмат қилади, қадрлайди.

Қиссада келтирилган яна бир образ, бу Чопуқ образи. Чопуқ ҳақида қиссанинг “Ноғора чалинди” деб номланган бобида танишишимиз мумкин. Мазкур бобда Ахсининг қалъабегии томонидан хоинларча эгаллаб олиниши ва қалъабегининг энг яқин кишиси Чопуқ эканлиги тасвирланади. “...Шунда Қалъабегии масҳараомуз кулди ва: – Сени одамлар Чопуқ (чопиқ) дейишади, чунки тепангдан иягингача бутун юзинг тилим-тилим бўлиб ётибди. Сен жасурсан, буни исбот қилгансан. Бир девона(Қосимбек назарда тутилган. -А.Т.)нинг қочиб кетаётганидан нега ташвишланасан? Яхшиси қўлларингни кучига ва қалъабегининг ақлига ишон, тушундингми?

– Сиз нима десангиз шу, хўжайин, – жавоб берди Чопуқ ва қўлларини кўксига қўйди, – сизга бирор маслаҳат беришга менинг ҳаддим сиғмайди”.¹⁶⁰

Чопуқ образи қиссада сотқин ва лаганбардор киши сифатида тасвирланади ва у охир оқибат жангда Бобур қўлида ҳалок бўлади.

Муаллиф яна бир образни бадиий бўрттириш асосида ўз асарига киритади. Бу Қосимбек образи. Заҳириддин Муҳаммад тахтга – “оқ кигиз”га ўтирганида эндигина ўттиз ёшга тўлган Қосимбек мўйсафид

¹⁶⁰ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 55.

чол қиёфасида тасвирланади. “Бу(Қосимбек) отасининг дўсти, Умаршайх Мирзонинг хос хоналарига кечаси-ю кундузи кириб бориш ҳуқуқига эга бўлган мамлакатдаги ягона одам – ҳақиқатан ҳам иззат-икромга лойиқ мўйсафид эди. Кўз нуридан айрилганига мана ўн йил бўлди. Ўшанда у душман кўлига тушган, улар қуролсиз кимсани қизиган темир билан кўзини кўр қилишган эди. Ўшандан бери халқ уни “Бийно басир” дейди”. (Zehn Jahre waren es jetzt her, das ser in die Haende der Usbeken gefallen, die den Wehrlosen mit gluehendem eisen geblendet hatte. Von da an hiess er im Volke „der blinde Seher“)¹⁶¹ Бироқ шу мўйсафид, “Бийно басир” – кўзи ожиз одам Шайбонийхонга қарши жангда Андижон лашкарларини бошқаради, оғир жароҳат олиб, зўрға омон қолади.

Мазкур образлар ҳақида “Бобурнома”да қандай далиллар келтирилганига эътибор қаратсак. Бобурноманинг 902(1496)йил воқеалари баёнида Бобур навкарларидан Иброҳим (чопук) ва Ҳожи ҳақида қуйидаги баён келтирилади. “...у ердан кўчиб Самарқанднинг шарқ тарафидаги Хон юртига тушилди. Бу жой Самарқанддан уч курўх масофада, қирқ-эллик кун бу юртда ўтирилди. Бу юртдалигимизда бир неча маротаба ташқаридан ва ичкаридан юракли йигитлар Хиёбонда яхши қилич чопишди. Бир марта Хиёбонда Иброҳим бекчик қиличбозлик қилганда юзини чопдилар. Шундан сўнг уни Иброҳим чопук дер эдилар.

... Хон юртида эканимизда кўрғондагилар фириб билан киши юбориб, кечаси Ғори Ошиқон тарафига келинг, кўрғонни берамиз, дедилар. Бу хаёл билан кечаси отланиб, Пули Мағокка бордим. Бир гуруҳ сара йигитлар ва пиёдалар ваъдалашган ерга юборилди. Ичкаридан бизнинг пиёдалардан ғафлатда қолдириб тўрт-бештасини ўлдирдиларки, хабардор бўлдик. Ҳийла жасур пиёдалар эдилар. Бирисининг оти Ҳожи эди. Менга ёшлигидан хизмат қиларди”.¹⁶²

Қосимбек эса Бобурнинг бекларидан бири бўлиб, у ҳар доим жанглarda иштирок этган ва Ҳиндистонгача Бобур билан бирга борган, Қандаҳор учун олиб борилган жангда пешонасидан яраланган, “Арғунлар тарафидан Ҳалвочи тархон сув ичида Қанбар Али ва Тангриберди билан қилич чопишдилар. Қанбар Али яраланди. Қосимбекнинг пешонасига ўқ тегди”.¹⁶³

¹⁶¹ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 41.

¹⁶² Заҳриддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Б. 52.

¹⁶³ Ўша асар. – Б. 159.

“Бобур – Йўлбарс” қиссасида Фарғона водийси кўркам табиатининг жозибадор тасвирлари келтирилади. Асарнинг “Осмондаги қозик” номли илк бобида улкан анор дарахти образи берилган. Анор дарахти, жумладан, шундай таърифланади: “У шунчалик кексаки, ёши нечадалигини ҳам аниқлаш қийин.... Одамларнинг фикрича, кекса анор дарахти узоқ-узоқ замонлардан бери ёнидан ўтган барча-барчани ҳайвонларни, одамларни, яна ўтадиганларнинг барчасини биларкан... Халқда уни “Меҳр-шафқат тимсоли” деб аташади, ...чунки у ўз муридларининг бошини силамоқчи бўлган пирдек бақувват қўлларини ҳар томонга ёйган. Дарахтнинг меҳр-шафқатлилиги унинг соясида, ёзнинг жазирама иссиғидаги салқин соясида билинади”.¹⁶⁴

Бу ўринда наҳотки асар муаллифи анор дарахт эмас, дарахт бўлганда ҳам улкан дарахт эмас, балки мева берувчи оддий бута эканлигини билмасмикан, деган савол туғилади. Ёки бу қандайдир рамзий образ, гиперболами? Агар бу гипербола бўлса, унинг қандай рамзий маъноси бор? Нечун Шарқдан Ғарбга, Ғарбдан Шарққа ўтувчи барча йўловчи унинг соясида тўхтаб ўтади, ўсмир Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса доимо унинг соясида устози Мирзо Уллоҳдан сабоқ олади? Ёки қадим-қадимларда улкан дарахт бўлган анор бизнинг давримизга келиб бутага айланиб қолганми? Бизнинг фикримизча, муаллиф бу ерда чинор дарахтини анор билан алмаштирган. Тарихдан маълумки, Андижоннинг теварак-атрофи XV-XVI асрларда географик жиҳатдан чўл ҳудудларидан иборат бўлган, шаҳар ва қишлоқларни қум бўронларидан асраш учун сада-қайрағочлар экилган. Бу дарахтлар улкан бўлиб, узоқ йиллар яшаган. Анор дарахти эса бутасимонлар оиласига киради ва уларнинг энг каттаси 10 метргача ўсади.

Асарда “сахро” образи ва “сахро” сўзи тез-тез такрорланади. Жумладан, Бобурнинг устози улкан анор дарахти соясидаги дарслардан бирида ўсмирга шундай топшириқ беради: – Энди қаламингни олгин-да, мана бу жумлани чиройли қилиб ёз: Сахро тунида Оллоҳ бизга бир йўлчи юлдузни ато қилган. Бу осмондаги Темир қозик юлдузи, бизга йўлимизни кўрсатиб туради. Оллоҳ бизга ҳаёт сахросида ҳам шундай Темир қозикни ато қилсин, токи биз йўлимизни йўқотмайлик... Ҳаёт йўллари сахро йўлларидан осон эмас.¹⁶⁵

¹⁶⁴ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 7.

¹⁶⁵ Ўша асар. – Б. 11.

Мирзо Уллоҳ Заҳириддин Муҳаммаднинг хаёлини машғулотга қайтариш учун “унинг фикрини саҳро аломатларига буради”, ўсмирнинг узоқларга кетган хаёлида эса “Отлар учиб келишар, оппоқ кум эса, уларнинг туёғи остида ҳавога учарди!”

Машғулот тугайди. Бироқ устози кўз югуртирганида, шогирдининг дафтарида “бўм-бўш оппоқ саҳифа эди, худди оппоқ кумли саҳродек эди...”.

Заҳириддин Муҳаммад ҳам саҳрони яхши кўради: “Саҳрога бўлган соғинч уни бутунлай эгаллаб олган, атрофидаги ҳамма нарсани унутган эди”.¹⁶⁶

Биламизки, бугунги кунларга келиб Фарғона водийси – ҳақиқий водий, ям-яшил, гуллаган водийга айланган, лекин муаллиф асарни 15-16 асрлардаги тарихий ҳақиқатга яқинлаштириш мақсадида Фарғона водийсидаги чўл ҳудудларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилган.

Ф.Вёртле ўз асарида табиат тасвирлари: боғлар, тоғлар ва ҳатто чўлларни ҳам ажойиб маҳорат билан тасвирлайди. Тарихдан маълумки, теурий ҳукмдорлар ўзлари ҳукмронлик қилган ўлкаларда шаҳарсозликка ва боғлар яратишга катта эътибор қаратганлар. Мазкур қиссада Умаршайх Мирзонинг боғи қуйидагича тасвирланади: “У(Умаршайхмирзо) бу ерда ўз ўй-фикрлари билан ёлғиз қолар, қушларнинг ёқимли сайрашига, фавворанинг шалдирашига ёлғиз қулоқ тутарди, унинг томчилари ой нурида ялтираб тун кўксига кўтариларди-да, шу заҳотиёқ парча-парча бўлиб, атрофидаги гуллар экилган ҳовузга қуйиларди”.¹⁶⁷ Яна бир мисол, муаллиф асарнинг “Ҳужум” деб номланган бобида Фарғона тонгини шундай тасвирлайди: “Фарғонада тонг отди, кўм-кўк бўлиб тонг нури ёйилмоқда, саҳрони тонгги шабада ялаб ўтди. Ҳозир қуёш кўтарила бошлайди, у оловли олтин тўлқинларини ер юзига ёяди, ер янгитдан пайдо бўлгандек бўлади”.¹⁶⁸

Ёзувчи асарни яратишда хаёлан шарқнинг боғларида сайр қилганлигини мана бу тасвир орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. “Ким шундай лаҳзаларда шарқнинг илоҳий боғларида сайр қилишни истамайди? У ерда хилма-хил қушлар қўшиқ айтади, турфа гуллар очилади, гулларда майда-майда шудринг доначалари ялтирайди. Қара, ана оппоқ атиргулни, унинг баргларидаги гўзал, катта-кичик шудринг

¹⁶⁶ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 12.

¹⁶⁷ Ўша асар. – Б. 57.

¹⁶⁸ Ўша асар. – Б. 107.

мунчоқларида кўм-кўк само акс этгандек. Чайқалиб турган гул баргидаги шудрингда кичкинагина юмалоқ олам жо бўлгандек”.¹⁶⁹

Албатта, бу тасвир муаллифнинг шарқ халқлари тарихи ва ҳаётига оид кўплаб адабиётларни ўрганганлигини кўрсатади.

Ф.Вёртле ўз асарида немис ўқувчисига имкон даражасида Шарқ халқлари ҳаёти ва Фарғона водийсининг географик ўрни, аҳолисининг тумуш тарзи ҳақида етарлича маълумотлар беришга ҳаракат қилган. Қиссанинг “Отда тоғдан ошиш” деб номланган бобида Фарғонани тоғлар билан ўралган ям-яшил водий эканлиги, водийга кириш учун довон ошиш кераклиги, одамлар буғдой унидан нон ёпиши, кўй ёғини кўп истеъмол қилиши ва қимиз ичишини ўзига хос бадий тарзда тасвирлаб беради: “Бобур жангчилари тоғ ошиб яшил водийга етиб келишганда тун чўка бошлаганди. “Ҳадемай кеч тушади. ...Одамлар ейиш учун нимадир тайёрлашди, бу кўчманчиларнинг оддий овқати эди. Баъзилари буғдой унидан хамир қориб, уни силлиқ тош устига ёйиб, оловга қўйишди. Шу тахлит нон пиширишди. Туз ва кўй мойи солинган чой ичишди. Бошқалари ёғоч идишлардан ичида янги қайнатилган балиқлар сузиб юрган қимизни ичишарди. Шундай қилиб қорин тўйдиргач, жангчилар дарров ухлагани ётишди”.¹⁷⁰

Асарни кузатиб борар экансиз, у ерда турли хил бадий тўқиманинг гувоҳи бўласиз. Масалан, Заҳириддин Муҳаммадга нима учун Бобур номи берилган ва шахзода бу номга қандай эришди деган саволларга ўқувчи жавоб топа олади. Бобур ўз қўшини билан мардонавор жанг қилиб, Аҳси қалъасини қўлга киритади ва жангдан сўнг қалъа майдонида тўпланишади. Шунда жангчилар Заҳириддин Муҳаммаддан норози эканликларини изҳор қилишади. Муаллиф буни шундай далиллайди: “Мана юзбошилар подшоҳ билан мулоқотга киришишди.

– Заҳириддин Муҳаммад, – дейишди улар, – жангчиларингиз сиздан норози.

– Баҳодир жангчиларим олдидаги айбим нима? – сўради подшоҳ.

– Уларнинг фикрича, Заҳириддин исми сиз учун ярашмас эмиш. Сиз ўзингизга шон-шуҳратингизни мос бошқа исм танлашингиз керакмиш.

– Буни қандай қилишим мумкин? – деб жавоб берди Заҳириддин Муҳаммад қизариб. Аҳсини мен ёлғиз ўзим забт этмадим, ҳаммангиз менга мададкор бўлдингиз.

¹⁶⁹ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 107.

¹⁷⁰ Ўша асар. – Б. 151.

Бироқ шу аснода уларнинг барчаси, қўлларида оқ тўқмоқ тутган баҳодирлар, юзбошилар ва жангчилар бир овоздан қичқиришди: – Биз сизни Бобур деб чақирамиз, биз сизни Йўлбарс деб атаймиз! Шу куни Фарғона подшоҳи янги ном олди ва шу ном билан у қўплаб катта-катта китобларда қайд этилди”.¹⁷¹

Муаллиф Бобурнинг йўлбарсдек чаққон ва бақувват эканлигини асарнинг турли жойларида бадий тасвирлар орқали далиллайди. Бу, айниқса, Шайбонийхонни қўлга олинишида яққол кўзга ташланади. “...ёш Йўлбарс иккинчи бор ўз кучини кўрсатди. У хоннинг қўлидан дўсти Ҳожини тортиб олди-да, отнинг бўйнига кўндаланг ётқизди ва вақтини ўтказмай душманининг кенг кўкраги устига сакради. Босим таъсирида Шайбонийхоннинг оғзидан қон отилиб чиқди. Бобурнинг оёқлари босиб турган қўллари (Шайбонийхонни) бўшашди. Боши орқага кетди....”¹⁷²

Асар сўнгида ёш шаҳзоданинг мард ва жасур, шу билан бирга кечиримли подшоҳ эканлигини кузатамиз. У Шайбонийхонга қарши мардона курашади, шахсан ўзи тулпори устида қилич яланғочлаб жангга киради. У сўнгги жангда ўзидан анча катта, тажрибали ва маккор Шайбонийхонни мағлуб этади, уни олти юз жангарилари билан банди этади. Ғазабнок Шайбонийхон билан Бобурнинг сўнгги юзма-юз учрашуви ҳам ниҳоятда ҳаётӣ, таъсирчан. Унда ҳам Бобурнинг ақл-заковати, мардлиги ва саҳийлиги намоён бўлади.

Шайбонийхон Бобурга таҳдид қилиб, агар у бу жангда ғолиб чиққанида Бобур ва Андижон халқининг каллаларидан минора қурдириб, шон-шуҳратини оширган бўлишини билдиради. Шунда Бобур у ҳам банди этилган душман каллаларидан минора қурдириб, унинг тепасига Шайбонийхоннинг бошини қўйиб қўйиши мумкинлигини билдиради. Бироқ Бобур энди минорани банди ғаним жангчилари бошларидан эмас, Ор дарёси қирғоқларидаги тошлардан қурдириш режасини тузганлигини маълум қилади:

“Ўшалар(тошлар)дан мен – ўзимга эмас, балки отам Умаршайх Мирзо шарафига – ҳар қандай шамолу бўронга дош бера оладиган минора тикламоқчиман”. (Aus ihnen will ich – nicht zu meinem, sondern zum Ruhme meines Vaters Omar – eine Pyramide erbauen, die jedem Sturm standhalten soll.)¹⁷³ Минора қурилиши бошланади. Унга биринчи тошни Бобурнинг ўзи, иккинчисини Шайбонийхон қўяди. Уларнинг

¹⁷¹ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 134.

¹⁷² Ўша асар. – Б. 159.

¹⁷³ Ўша асар. – Б. 161-162.

кетидан Шайбонийхоннинг жангчилари, Андижон аҳли ишга киришадилар. Минора тайёр бўлади. минорага сўнгги тошни хаста Қосимбек қўяди ва унинг остонасида жон беради. “Худди шу жойда йил давомида эсиб турадиган шамол ҳам шу кеч тин олди”. (Und auch der Wind, der sich an diesem Platze das ganze Jahr herumtreibt, ruhte an diesem Abend.)¹⁷⁴

Муаллиф Бобурнинг характер хусусиятлари, унинг ҳукмдорлик қобилияти ва шарқнинг ўзига хос томонларини бадий талқин қилишга эришган, лекин шарққа хос менталитетни сақлашга қанчалик уринмасин, асарда маълум камчиликларга йўл қўйган, у ғарб кишиси бўлгани учун бутун матнда шарқона ҳурмат “сиз”ни ўрнига “сен”ни ишлатган, ҳаттоки оддий жангчи ҳам подшоҳга сен деб мурожаат қилган. (фикримзча, бу ҳолат, асарни немис ўқувчисига мўлжаллаб ёзилганидир – А.Т.)

Ғарбликларга хос бўлган яна бир урф-одат: Умаршайх мирзо вафот этганда, Бобурга отаси ўланлиги ҳақида қайғули хабар келади.

Шунда ёш ҳукмдор овози титраб деди: – мотам куйини чалишсин, кейин ..., – секингина қўшиб қўйди: – мени ёлғиз қолдиришлар” (Dies , o Koeneg zadir, ist die traurige Kunde von dem Tode deines Vaters Omar, den du liebtest, wie wir alle ihn geliebt haben!

Da sagte der junge Herrscher, und seine Stimme zitterte: „Setzt die Totentrommel in Bewegung und dann“, fuegte er leiser hin, “lass mich in allein”).¹⁷⁵

Шарқона урф-одатга кўра бирон киши вафот этса, у хоҳ подшоҳ, хоҳ оддий фуқаро бўлсин, куй чалинмайди, балки аза очилади, барча сукут сақлайди. Зеро, “ҳаётдаги ҳар қандай мукаммал шахс ҳам адабиётга олиб кирилганда, ижодкор томонидан унинг образига нимадир қўшилади, ҳаётига оид баъзилари қолдирилади. Шундай қилинганда у ҳаётий қаҳрамонлардан адабий қаҳрамонга айланади”.¹⁷⁶

Ф.Вёртле ўзининг мўъжазгина кичик бир асарида Бобур ҳаётига оид кўплаб маълумотларни бадий ифодалаган. У қиссада Бобурни кейинроқ Ҳиндистонда ҳукмронлик қилишига ҳам ишора қилади. Бобур Ахсига ҳужум қилишдан олдин барчани; юзбошилар, жангчиларни тўплаб кенгаш ўтказди ва шундай дейди: “Ахси ҳужум билан олиниши керак, бунда мен биринчи бўлишим. Чунки подшоҳ бўлиш – биринчи бўлиш дегани, бу нафақат осон, балки оғир дамларда

¹⁷⁴ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 165.

¹⁷⁵ Ўша асар. – Б. 28.

¹⁷⁶ Қўбаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадий маҳорат (60-80 йиллар). Ф.ф. ном... дисс. – Тошкент 2001. – Б. 78.

ҳам. Шунинг учун сизларга айтаман, жангчиларим, эртага мен Ахсида бўлишим шарт. Агар Аллоҳ мени тонгга етказса, Искандарнинг барча ишларида ундан-да ўзиб кетишни, мард қўшиним билан бир юз йигирма беш минг чўққидан ўтиб, Ҳиндистонни олишни истайман... Ахси эртага бизники бўлади!” (Aksi soll im Sturm genommen werden und ich will dabei der erste sein – nicht nur in leichten, auch in schweren Stunden. Darum sage ich euch, meine Krieger, morgen werde ich auf Aksi sein. Und wenn Gott mich den Abend erleben laesst, will ich Iskander weiter nacheifern in allen seinen Taten und mit meinem tapferen Heer ueber das Gebirge der hundertfuenfundzwanzigtausend Gipfel ziehen, in das Land des Segens, in das Land oestlich vom Indus.... Aksi wird morgen unser sein!)¹⁷⁷

Тадқиқотимиз натижаси ўлароқ шуни таъкидламоқчимизки, Ф.Вёртленинг “Babur, der Tiger” қиссаси немисзабон адабиётларда Бобурнинг ўпиринлик даврини ўзида мужассамлаштира олган қизиқарли бадиий асардир. Шу ўринда Ф.Вёртленинг қиссани ёзишда баъзи ўринларда қўпол хатолар ва камчиликларга ҳам йўл қўйганлигини таъкидлаш лозим, деб ўйлаймиз:

1. Адиб анор билан сада-қайрағоч дарахтини адаштириб юборгандек таассурот пайдо бўлади.

2. Бобур томонидан Ахси қўрғонини қамал қилинишида асирларни олдинги сафда ҳайдаб борилиши тарихий ҳақиқатга мутлақо зид. Бобур томонидан жангларда бундай пасткашликка қўл урилмаган ва “Бобурнома”да ҳам таъкидланмаган.

3. Асарнинг “Душман билан юзма-юз” деб номланган қисмида: – Аллоҳ қудратли! – қичқирди ёш подшоҳ янгроқ овоз билан, – жумласи мавжуд. Бу ўринда ҳам икки марта мантиқ бузилган: биринчидан, мусулмон аҳли жангга киришдан олдин – “Аллоҳу акбар!” – деб наъра тортади, қолганлар ҳам унга жавобан “Аллоҳу акбар!” деб такрорлайдилар, иккинчидан, “ёш подшоҳ” бирикмаси ўрнига “ёш шахзода” деб берилганда, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки Бобур ўзини Кобулда “подшоҳ” деб эълон қилади.

4. Муаллиф асар бошида Бобурнинг исмини Заҳириддин Муҳаммад деб таништиради, лекин матн ичида Задир Муҳаммад деб келтиради.

Асарда баъзи камчиликлар бўлишига қарамасдан, бу асар Бобур шахсига қизиққан хар қандай ўқувчини ўзига ром эта олади.

¹⁷⁷ Woertle F. Babur der Tiger. – S. 104.

Хуллас Фритц Вёртленинг “Бобур – Йўлбарс” қиссасида ёш Бобур образи поэтикаси, яъни ёзувчининг образ яратиш маҳорати турли хил бадий воситалар, муаллиф позицияси, тарихий фактлар ва бошқалар орқали очиб берилган.

3.2. М.Правдиннинг “Йўқдан бунёд бўлган салтанат” асарида Бобур ҳаёти ва ижтимоий сиёсий фаолияти талқини

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида немис адиблари томонидан яратилган тарихий-адабий асарлар ичида Михаил Правдиннинг “Йўқдан бунёд бўлган салтанат ёхуд биринчи буюк мўғуллар” (“Das Reich aus dem Nichts, die ersten Grossmoguln”) номли асари алоҳида эътирофга лойиқ. Михайл Правдин асли келиб чиқиши украиналик бўлиб, унинг оиласи рус князлигида яшаган. У 1894 йил 20 январда рус князлигида таваллуд топди. XX аср бошларида Россияда революцион ҳаракатлар бошланиши туфайли унинг оиласи Германияга кўчиб ўтди. Правдин Германияда ўқиди ва бу ерда ёзувчи сифатида маълум ютуқларга эришди. У аввалига немис тилида кичик-кичик бадий ҳикоялар ёза бошлайди ва уларни газета – журналларда эълон қилади. Кейинчалик у Лондонга кўчиб кетади. Бу ерда самарали ижод қилади ва ўзининг ажойиб романлари, фантастик асарларини ёзади. Правдинга шуҳрат келтирган асарларидан бири бу “Чингизхон ва унинг авлодлари” (“Tchingis-Chan und seine Erben”, Berlin 1938) номли романидир. Мазкур асар ўша даврда бир неча бор нашр этилган ва бошқа тилларга таржима қилинган. М.Правдин 1963 йил Лондонда инглиз тилида “Буюк мўғул империясини асосчилари” (“The builders of the Mogul Empire”, London 1963) номли асарини чоп эттиради. Орадан икки йил ўтиб, у мазкур асарни қайта ишлаб немис тилида “Йўқдан бунёд бўлган салтанат ёхуд биринчи буюк мўғуллар” (“Das Reich aus dem Nichts, die ersten Grossmoguln”)¹⁷⁸ номи остида Штутгартда нашр эттирди.

Асар Мовароуннахр тарихи билан бошланиб, Бобурнинг Фарғона тахтига ўтиришидан умрининг охиригача босиб ўтган йўлини қамраб олади. Мазкур асар муаллифнинг кириш сўзи, уч қисм, вақт кўрсаткичлари, библиография ва исмлар изоҳидан иборат бўлиб, кириш сўзи билан бошланади. Муаллиф кириш сўзида Бобур ва бобурийлар салтанатига оид воқеа-ҳодисалар тарихий фактлар асосида баён этилганлигини таъкидлайди.

¹⁷⁸ Prawdin M. Das Reich aus dem Nichts. Die ersten Grossmoguln. – 220 S.

Китобнинг биринчи қисми “Бобур” деб аталади ва бу қисмда Мовароуннахр тарихи, Бобурнинг Фарғона тахтига ўтириши, Ҳиндистонни эгаллаши ва Ҳиндистонда ўрнатган ҳукмронлигигача бўлган воқеалар тасвирланади. Иккинчи қисмда Ҳумоюн даври, учинчи қисмда эса Акбарнинг ҳукмронлик даври тасвирланади.

М.Правдиннинг мазкур асари фактик материалларга бойлиги, келтирилган манбаларнинг тарихий ҳақиқатга мос келиши ва айрим ўринларда Бобур ҳаётига тегишли бўлган янги маълумотлар қайд этилгани билан қимматлидир.

Асар бошдан-охирига қадар ҳикоя тарзида ёзилган бўлиб, унда Бобурнинг саргузаштлари; ёш шаҳзоданинг тахтга ўтириши, Самарқанд ва Андижон учун бўлган жанглар, ғалаба ва мағлубият, бекларнинг содиқлиги ва хоинлиги, дарбадарлик, янги-янги юришлар ҳамда зафарлар ажойиб тарзда ифодаланган. Муаллиф ўз асарида Бобурнинг шахсиятига оид хусусиятларни, яъни унинг метин иродаси, давлатни бошқариши ва ўзи эгаллаган ўлкаларда олиб борган ободонлаштириш ишлари, жумладан, яратган боғлари, барпо этган бинолари, қўшинда ўрнатган тартиб-интизоми хусусида қизиқарли маълумотларни келтирган. Асарда ўрни-ўрни билан Бобур ижодидан намуналарни келтириш орқали унинг бетакрор шоир, буюк қалб эгаси эканлиги китобхонга уқтирилганлигини адибнинг маҳорати деб белгилаш мумкин. Буни муаллифининг қуйидаги фикрларидан ҳам уқиб олиш мумкин; “Бобур ўзининг шоирлик қобилияти, туркий ҳамда форсийда шеърлар бита олиши билан фахрланарди. У донишмандларнинг ҳикматлари ва буюк шоирларнинг шеърятини мукаммал билган. Унинг фикрича, одамийлик ва ахлоқий маданият ҳар қандай ҳолда ҳам инсон турмуш тарзининг бош мезони сифатида сақланиб қолиниши лозимлигини таъкидлаб, бу фазилатларнинг йўқолиши ўлимданда оғирроқ эканлигини эътироф этади”. (Babur war stolz auf seine Faehigkeit, Verse zu schreiben und sich in gewaehlter Sprache auszudruecken, sei es in Tuerkisch oder in Persisch. Er kannte die Aussprueche der weisen Maenner und die Verse der grossen Dichter. Die Freuden und Genuesse eines hochentwickelten Kulturlebens erachtete er als genauso wichtig wie die Kriegskunst, und wenn er seine Zeitgenossen beschrieb, gab er immer eine Schaetzung von ihnen als Fechter, als Bogenschuetzen und als Verseschreiber. Die angemessene Form musste unter allen Umstaenden gewahrt werden als ein Zeichen kulturellen

Verhaltens, und der „Verlust des Gesichtes“ waere schlimmer gewesen als der Tod).¹⁷⁹

М.Правдин Бобурнинг нафақат шоир, балки туркий ва форсий тилларни мукаммал эгаллаган, хаттотлик санъатидан ҳам хабардор тилшунос эканлигини юксак эътироф этади.

Бизнингча, ёзувчи ўз асарида Бобурнинг яратувчанлик хислатларини кенг ёритишга уринган: Кобул ва Ҳиндистонда барпо этган боғларини самимият билан тасвирлай олган. Тарихдан бизга маълумки, Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида кўплаб боғлар барпо қилган ва бу яратувчанлик барча темурийларга мерос бўлиб қолган. Хусусан, Бобур Мирзо ҳам ўзи фатҳ этган ўлкаларда, аввало, ободонлаштириш ишларига катта эътибор қаратган. У Кобулни эгаллаганда у ерда ўзи яхши кўрган “Боғи вафо”ни барпо қилади. Ҳиндистонни забт этганда ҳам боғлар жуда камлигини аниқлаган ва биринчи навбатда шу ишларни амалга оширган. Ҳиндистондаги қисқа ҳукмронлик давридаёқ кўплаб ариқлар, гулзорлар, боғлар ва масжидлар қурдирган.

М.Правдин Бобур Агра атрофида ташландиқ ва хароба жойларни ҳукмронлигининг илк кунларидан ободонлаштиришга киришганлиги, ҳовуз ва қудуқлар қаздирганли, ажойиб қароргоҳлар қурдиргани орқали унинг нечоғлик бунёдкор шахс эканлигини ўқувчига кўрсатиб бера олган ва фикримизча бу орқали Бобурнинг халқпарварлигини далиллаган.

Муаллиф фикрини давом эттириб, бунёдкорлик ишига Бобур тиним билмай ғайрат ва шижоат билан ёндошганини, ҳатто ёмғирлар мавсумида бетоб бўлишига қарамай, олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини назорат қилганини, бунда у янги сув ҳавзалари қаздириш, суғориш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратганини таъкидлайди.

Шуниси аҳамиятлики, мазкур асарда ҳеч бир тарихий манбаларда учрамайдиган мунозарали воқеалар ҳам тасвирланган. Масалан, Шох Бобурнинг Ҳиндистон тахти ворисини белгилаш бўйича ўй-фикрлари фикримиз далилидир. Муаллиф Бобур ўзидан кейин Ҳиндистон тахтини катта ўғли Ҳумоюнга эмас балки, кенжаси Ҳиндолга қолдирмоқчи бўлган, деган фикрни илгари суради ва бу борада қуйидаги фаразларни келтиради:

¹⁷⁹ Prawdin M. Das Reich aus dem Nichts. Die ersten Grossmoguln. – S 27.

Кўплаб тарихчилар Ҳумоюннинг Бадахшондан кетиши ва Аграга келишини турлича ёритганлар. Тарихий манбаларга кўра (“Бобурнома”, “Ҳумоюннома”, “Тарихи Рашидий” асарларида) Ҳумоюн тўсатдан Бадахшонни ташлаб Кобулга келади ва бу ерда укаси Комрон билан кўришиб қолади. Улар иккови бир бўлиб, Бобурнинг энг кичик ўғли ўн ёшли Ҳиндолни Бадахшонга жўнатишади. Ҳумоюн эса тезлик билан Ҳиндистонга йўл олади ва кутилмаганда Аграда пайдо бўлади.

Бу ҳақда “Бобурнома”да шундай ёзилган, “Муҳаммад Ҳумоюн, бир йилдирки, Бадахшонда, дийдоримиздан айро тушган эди. Бизни соғиниб, Бадахшонни куёви Мирзо Сулаймонга топшириб, бир кунда Кобулга келади. Мирзо Камрон ҳам Қандаҳордан Кобулга келган экан. Ийдгоҳда учрашиб қолиб, ҳайрон бўлиб, келишини сабабини сўрабди. Муҳаммад Ҳумоюн ҳам бизни соғинганини айтиб, Мирзо Ҳиндолни Кобулдан Бадахшонга юбориб, бизнинг тарафга келаверибди. Бир неча кунда дорул хилофа – Ограга етиб келади. Биз унинг онаси билан отини айтиб, сўзлашиб ўтирган эдик ҳамки, келиб қолди. Кўнгиллар гул янглиғ очилиб, кўзлар чироғдек ёришди”.¹⁸⁰

М.Правдиннинг фикрича, Ҳумоюннинг Ҳиндистонга келиши тарихчиларда шубҳа уйғотади. Баъзилар “Бобурнома”га таяниб, Ҳумоюн бу вақтда Аграда бўлиши керак эди дейишса, бошқалари уни Аграда тўсатдан пайдо бўлиши мумкин эмас эди, дейишади. Бобурномада келтирилган жумлалар кейинроқ Ҳумоюн ва унинг авлодлари ҳукмронлиги даврида ўзгартириб ёзилган. Ҳумоюнни муҳим аҳамиятга эга бўлган Бадахшонни ташлаб кетиши, Ҳиндолни отасининг буйруғига зид равишда Ҳиндистонга эмас, балки Бадахшонга юбориши Бобурни қаттиқ ранжитган бўлиши керак. Чунки Ҳумоюн Бадахшондан кетиши биланок, мўғул хони Қашқардан Бадахшонга юриш бошлайди.¹⁸¹

“Бобурнома”даги яна бир воқеа тафсилотига М.Правдин юқоридаги каби фикрни илгари суради. Бу Ҳумоюнни касал бўлиб ётиб қолганлиги ва унинг тузалиши воқеалари: “Бобурнома”да: “Менинг кўнглимга келдики, Муҳаммад Ҳумоюнни мендан бошқа азиз яхши нарсаси йўқ. Мен ўзим унга тасаддуқ бўлайин. Худо қабул қилсин, дедим. ...Ундан нима ўтган бўлса, ўзимга оламан, унинг кучига куч, бардошига бардош бўламан. Ўша ҳолатга кириб, уч қатла бошидан айланиб, ҳар қандай дардинг бўлса, мен олдим, – дедим. Ўша

¹⁸⁰ Захриддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Б. 284.

¹⁸¹ Prawdin M. Das Reich aus dem Nichts. Die ersten Grossmoguln. – S. 79.

замон мен оғир бўлдим, у енгил тортди. У соғайиб ўрнидан турди. Мен нохуш бўлиб йиқилдим. Давлат аъёнлари ва мамлакат арбобларини чорлаб, байъат қўлларини Ҳумоюннинг қўлига топшириб, у ўрнимда қоладиган валиаҳд эканлигини тайинладим. Тахтни унга топширдим”.¹⁸²

Муаллиф бу воқеа тафсилотини ҳам ўзгаришга учраган деб ёзади. Унинг фикрича, бу воқеа ҳам Бобур вафотидан сўнг қарийб эллик йилдан кейин Акбарнинг буйруғи билан қоғозга туширилган. Акбар ўз сулоласининг тарихини ёритиш учун, яъни Ҳумоюннинг тахтни эгаллаши Бобурнинг энг катта орзуси эканлигини, бунинг учун у ўз жонидан кечишга ҳам тайёр эканлигини кўрсатиш учун ёзилган.

Тарихдан маълумки, Бобур Ҳумоюн соғайгандан сўнг бир неча ой ўтиб касал бўлиб қолади. У бетоблик пайтида кўп бора Ҳиндолни сўроқлайди. Бобур Сулаймон Мирзони Бадахшонга ҳоким этиб тайинлаб, уни жўнатаётганда Ҳиндолни Ҳиндистонга юбориши ҳақида буйруқ беради. Сулаймон Мирзо Бадахшонга етиб бориши билан Ҳиндол йўлга чиқади ва тез орада Лаҳорга етиб келади, лекин орадан саккиз ой ўтса ҳамки у Аграга етиб келмайди (Ваҳоланки, Ҳумоюн қисқа муддатда етиб келган эди). Бу орада Бобур тўшакка ётиб қолади ва тинмай Ҳиндолни сўроқлайди. Ўлими яқинлашиб қолган кунларда Ҳиндолни Дехлиги етиб келгани ҳақида хабар келади, лекин Аграга кела олмайди. Юқоридаги ҳолатлар “Бобурнома” матнида учрамайди.¹⁸³

Гулбадан бегим бу ҳолатни қуйидагича тасвирлаган: “Шу аснода бир киши келиб: “Мир Хўрдабекнинг ўғли Мир Бердибек ҳузурларига келибдилар”, – деб хабар берди. Отам подшоҳ ҳазратлари шу ондаёқ уларни ҳузурларига тилатиб, бутунлай безовта бўлиб сўрадилар: – “Ҳиндол қаерда? Қачон келади? Нима бало бўлди, нега бунча кутдиради?” – Мир Бердибек жавобан: “Бахтли шахзода Дехлига етиб келдилар. Бугун-эрта хизматларига етиб келса керак”, – деди. Шунда отам подшоҳ ҳазратлари Мир Бердибекка қараб: – “Эй бадбахт кимса, эшитишимча, синглингни Кобулда узатишибдилар, сени Лохурда уйлантиришибди. Мана шу тўйлар туфайли бўлса керак менинг ўғлимни эртароқ олиб келмадинг, интизорлик ҳаддан ошиб кетди-ку!” – дедилар. Ва “Ҳиндол мирзо қанча ўсган, кимга ўхшайди?” – деб сўрардилар”.¹⁸⁴

¹⁸² Заҳриддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Б. 284-285.

¹⁸³ Prawdin M. Das Reich aus dem Nichts. Die ersten Grossmoguln. – S. 84-85.

¹⁸⁴ “Ҳумоюннома”. Форс тилидан Аҳмад Куронбеков таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 15.

Инглиз шарқшунос олимаси Румер Годен Бобурнинг хасталик даврини ёритар экан, у ҳам Бобур Ҳиндолни тинимсиз сўроқлаганини таъкидлайди. “Бемор подшоҳ ўша ҳолатда ҳам “Ҳиндол қаерда? У нима қиляпти?”, – деб сўрарди. Тинимсиз “Эҳ, афсус, минг бор афсус, Ҳиндолни кўра олмадим”, – деб зорланар, ҳузурига кирганлардан: – “Ҳиндол қачон келади?” – деб сўрарди”.¹⁸⁵

Гувоҳи бўлганимиздек, “Ҳумоннома”да Ҳиндолни кечикиши туйлар туфайли эканлиги кўрсатилган, Румер Годенда эса ҳеч қандай сабаб кўрсатилмаган, ҳақиқатан ҳам Ҳиндол туйлар сабаб Аграга етиб кела олмагандир, лекин бунинг сабаби тарихий (“Бобурнома”, “Тарихий Рашидий” каби) асарларда келтирилмаган.

Бизга маълумки, Бобур ўлимидан олдин барча амиру бекларини тўплаб, тожу тахтни Ҳумоюнга топширганини, унга содиқ хизмат қилишларини, Ҳумоюнга эса укаларини ранжитмасликни васият қилади ва 1530 йил 26 декабрда вафот этади.

Правдин Бобур образини яратишда ўзига хос савол жавоб усулини танлайди ва баҳс мунозарали ўринларга ойдинлик киритади. Жумладан, муаллиф Бобур Шоҳ умрининг охириги дамлари, айниқса, касаллиги сабаблари ва тахт ворисини танлаши билан боғлиқ воқеалар тафсилоти ҳақидаги тарихий манбаларда кўплаб чалкашликлар мавжудлигини таъкидлайди ва қуйидагича саволларни қўяди:

1. Нима учун Ҳумоюн тўсатдан Бадахшонни ташлаб кетди?
2. Қандай қилиб Ҳумоюн ва Камрон Кобулда учрашиб қолишди ва ҳали бола бўлган Ҳиндолни отасининг буйруғига қарамай узоқ Бадахшонга ҳоким этиб юборишга қакрор қилишди?
3. Нима учун Ҳумоюн Ҳиндистонда маълум вақт тургандан сўнг Бадахшонга қайтмади?
4. Нимага Ҳумоюн касалликдан тузалгандан сўнг, жонини унга фидо қилган хаста отасини ташлаб, Санбалга қайтди?
5. Ҳиндолни Лаҳорда бунчалик узоқ қолиб кетишининг сабаби нима?
6. Нима сабадан Дехлига етиб келган Ҳиндол отасининг ҳузурига дарҳол келмади. Қизиғи, Ҳумоюн тахтга ўтирган куннинг эртасигаёқ уни қутлаш учун саройда пайдо бўлди?¹⁸⁶

М.Правдин ҳеч бир манбада юқоридаги саволларга деярли жавоб йўқлигини қуйидаги хулосалари орқали асослайди:

¹⁸⁵ Болтабоев Ҳ. Хорижда Бобуршунослик. – Б. 158.

¹⁸⁶ Prawdin M. Das Reich aus dem Nichts. Die ersten Grossmoguln. – S. 86.

– 1528 йил Бобур Кобулга хат юборади. Унда ёзилишича Бобур Бадахшонни Ҳумоюнга, Қандаҳор ва Мултонни Камронга тайин қилгани, Кобулга ҳеч бир ўғли даъво қилмаслиги, уни ўзи учун тайин қилганини айтади. Шу билан бирга ҳарамни Ҳиндистонга кўчириш тўғрисида фармон юборади. Моҳим бегим 1929 йил бошида Кобулдан Ҳиндистонга қараб йўлга чиқади. Тахминан икки ҳафтадан сўнг Ҳожа Калонга Кобулдаги қариндошлар ва аёлларни кўчириш ва Ҳиндолни Ҳиндистонга жўнатиш тўғрисида фармон келади. Фармон етиб келгунга қадар Моҳим бегим Ҳиндистонга яқинлашиб қолган эди. У Бобурнинг саломатлиги ёмонлашганидан хабар топади ва Ҳумоюнга бу ҳақда хабар етказди.

– Бобурнинг нияти Кобулни салтанатнинг марказига, пойтахтга айлантирмоқчи бўлган. Бобурнинг бундай фикрга келиши ва устига-устак Ҳиндолни Ҳиндистонга чақириши Моҳим бегимни ташвишга солиб қўйгани аниқ. Чунки Бобурнинг мақсади шимолий ҳудудларни катта ўғилларига бўлиб берганидек, Ҳиндистонни кичик ўғиллари Аскари ва Ҳиндолга бўлиб бериш бўлган. Бобур бобоси Абу Саид Мирзо каби салтанатини тўрт ўғлига тақсимлаб бермоқчи эди. Лекин Моҳим бегимнинг кирдикорлари ва Ҳумоюннинг ўзбошимчалиги туфайли унинг режаси барбод бўлади. Бадахшонга Сулаймон Мирзо ҳоким этиб тайинлангандан сўнг, ўз-ўзидан бу ҳудуд меросдан чиқиб кетади ва шунчаки тобе ўлкага айланиб қолади.¹⁸⁷

– Моҳим бегимнинг Ҳумоюнни тахтга ўтқазиш истаги, бу йўлда тузган режа ва найранглари ҳақида бошқа тарихчилар асарларида ҳам маълум фикрлар билдирилган. Жумладан, Уильям Эрскин ҳам шунга яқин фикрни билдиради. “Шуни айтиб ўтиш керакки, Ҳумоюннинг бу ер(Агра)га келиши онаси иккисининг режаси бўлиб, соғлиги ёмонлашаётган Бобуршоҳга агар бирор кор-ҳол юз бергудай бўлса, Ҳумоюн отасининг ёнида бўлиши лозим эди. Акс ҳолда, саройдаги вазир Мир Али Халифа бошчилигидаги рақобатчи гуруҳ Ҳумоюнни тахтга яқинлаштирмаслиги мумкин эди”¹⁸⁸

М.Правдин Ҳиндолни Ҳиндистонга чорлаш ва уни кутишнинг сабаби, унинг исми билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкинлигини таъкидлайди, чунки “Ҳиндол” исми “Ҳиндни ол (nimm Hind)” деган маънони билдиради ва бундан ташқари ўша вақтда Ҳиндол, худди Бобур тахтга ўтирган пайтдагидек 12 ёшда эди. Муаллиф Бобур ҳақиқатан ҳам Ҳиндистонни Аскари ва Ҳиндолга, Қандаҳорни

¹⁸⁷ Prawdin M. Das Reich aus dem Nichts. Die ersten Grossmoguln. – S. 88.

¹⁸⁸ Болтабоев Ҳ. Хорижда Бобуршунослик. – Б. 48.

Камронга ва марказ Кобулни Ҳумоюнга беришни истагандир, деб ёзади. Унинг фикрича, Бобур Шоҳ ҳар қандай ҳолатда ҳам атрофидаги найранглардан хабардор бўлгани аниқ. Бобур Шоҳдек теран фикрли, узоқни кўра оладиган ва яқинларига меҳрибон шахс Моҳим бегим ва унинг атрофидаги бекларнинг ҳийлаларидан беҳабар қолиши мумкин эмас эди. Бироқ унинг табиати ва оталик фазилати бунини ошкор қилишга йўл қўймаган бўлиши мумкин. Қолаверса, бунга уни Моҳим бегимга бўлган чуқур муҳаббати ҳам тўсқинлик қилган. Унинг салтанат ишлари-ю, сарой ташвишларидан зерикканлигини қуйидаги фикрлар ҳам тасдиқлайди: Кунларнинг бирида Бобур Моҳим билан боғда сайр қиларкан шундай дейди: – “Мен ҳукмдор бўлишдан ва давлатни бошқаришдан чарчадим, энди тожу тахтни Ҳумоюнга топширсам-да, ўзим эса шу боғаро дарвешликни касб этсам. (Шоҳ Бобурнинг бу иқрори кейинчалик унинг қизи Гулбадан томонидан ёзилган бўлиб, бу сўзларга у олти ёшлик пайтида гувоҳ бўлганлигини айтади.)”¹⁸⁹ Бу борада “Ҳумоюннома”да шундай ёзилган: – Бир неча кундан кейин Зарафшон боғига сайрга чиқдилар. Мазкур боғда таҳоратхона бор эди. Уни кўриб (Бобур) дедилар: – Салтанат ва подшоҳликдан кўнглим олинди. Шу Зарафшон боғида хилватга чекилсам. Хизматкорликка битта Тоҳир офтобачининг ўзи менга етиб ортади. Подшоҳликни Ҳумоюнга топширсам.¹⁹⁰ Гулбадан бегимнинг хотиралари Бобурни салтанат ишидан чарчаганлигини тасдиқлайди, лекин М.Правдиннинг юқоридаги қарашларига қайси тарихий асарлар туртки бўлганлиги бизга маълум эмас.

Бизнинг фикримизча, Бобурнинг нияти қандай бўлишидан қатъи назар умри поёнида тахт учун муносиб номзод Ҳумоюн эканлигига амин бўлган ва барча бекларни тўплаб, Ҳумоюнни тахт вориси эканлигини эълон қилади. Бунини ўз вақтида Гулбаданбегимнинг хотиралари ҳам тасдиқлаган.

М.Правдиннинг юқоридаги маълумотлари тарихий ҳақиқатга қай даражада мос келиши ёки келмаслиги, бугунги кун бобуршунос олимларимизни қизиқтириши табиий ва бу фаразлар бобуршуносликда янги изланишларга туртки бўлиши мумкин.

Ҳар қандай адиб тарихий мавзуда ижод қилар экан, албатта, тарихий манбаларга, солномаларга мурожаат этиши, улардан у ёки бу даражада фойдаланиши ва ўзидан қўшиши табиий. Михайл Правдин ҳам Шарқнинг буюк сиймоси аталмиш Бобур Мирзога мурожаат қилар

¹⁸⁹ Prawdin M. Das Reich aus dem Nichts. Die ersten Grossmoguln. – S. 88-89.

¹⁹⁰ “Ҳумоюннома”, Форс тилидан Аҳмад Куронбеков таржимаси. – Б. 13.

экан, фикримизча, авваламбор, у ўз олдига мазкур тарихий шахс ҳаёт йўлининг ҳали очилмаган саҳифаларини баҳоли қудрат ёритиб беришни мақсад қилиб қўйган.

3.3. Илмий-оммабоп асарларда Бобур Мирзо ижтимоий-сиёсий фаолиятининг талқини

Хорижий бобуршуносликка назар ташлайдиган бўлсак, Ғарбий Европада Бобур ва унинг ижодини ўрганиш, асосан, XIX асрдан бошланган. Бу борада француз ва инглиз шарқшуносларининг хизматлари бекиёс бўлди. Инглиз шарқшунос олимлари Жон Лейден ва Уильям Эрскинларнинг узоқ йиллик меҳнатлари натижасида 1826 йили “Бобурнома” инглиз тилида нашр этилди. 1828 йилда мазкур инглизча таржимадан немис олими А.Кайзер асарни немис тилига қисқартириб таржима қилади ва Лейпцигда нашр эттиради. 1871 йилда эса таниқли француз шарқшунос олими Паве де Куртейл томонидан “Бобурнома” француз тилида нашр этирилди. Мазкур таржималардан сўнг Европада Бобур шахсига қизиқиш ортиб борди ва у ҳақда Европанинг турли тилларида кўплаб асарлар яратилди. Бу асарлар, асосан, Бобур ва бобурийларнинг Ҳиндистонда ўрнатган салтанати ва у ерда амалга оширган ишларига бағишланади. Хорижий адабиётларда фақатгина Бобур шахси ва унинг амалга оширган ишлари эмас, балки бутун бобурийларнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилади. Бунга сабаб Бобур Мирзонинг Ҳиндистонда атиги тўрт йилгина яшаганлигидадир. Масалан, У.Эрскиннинг “Темурийлар сулоласидан бўлмиш Бобуршоҳ ва Ҳумоюн давридаги Ҳиндистон тарихи”, Ф.Бернъенинг “Бобурийлар салтанатининг сўнгги тарихи”, Л.Шарманинг “Мўғуллар салтанати” ва шу каби бошқа кўплаб асарларда Бобур ва бобурийларнинг Ҳиндистонда олиб борган ишлари тасвирланади. Европада Бобур ҳақида яратилган асарларнинг кўпгина қисми тарихий-адабий жанрда ёзилган ва бу асарлар Бобурнинг Ҳиндистонни эгаллашидан, то унинг энг сўнгги ҳукмдор авлоди Баҳодиршоҳ II давригача бўлган воқеаларни ўз ичига олади.

Бизнингча, немис адабиётида ҳам Европадаги мазкур анъана давом этган. Немис адиблари томонидан Бобур ва бобурийлар тарихи ва адабиётини ўрганиш, асосан, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди ва ҳозиргача давом этмоқда. Бу борада Э.Кох, Ф.Вёртле, М.Правдин, К.Хабиҳ, Ш.Конерман, А.Шиммел, К.Шуних, М.Эрдал,

В.Штаммлер каби шарқшунос олимлар самарали ишлар¹⁹¹ олиб бордилар. Улар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ажойиб асарлар яратдилар ва “Бобурнома” бўйича илмий изланишлар, таржималарни амалга оширдилар, бу асарларнинг яратилишига ва мазмун-моҳиятига “Бобурнома”, “Ҳумоюннома”, “Акбарнома”, “Тарихи Рашидий”, “Тарихи Шершоҳи” каби асарларнинг таъсири катта бўлди. Хусусан, Ф.Вёртленинг “Бобур - йўлбарс” (“Babur, der Tiger”, Wien 1947), М.Правдиннинг “Йўқдан бунёд бўлган салтанат ёхуд биринчи буюк мўғуллар” (“Das Reich aus dem Nichts, die ersten Grossmoguln”, Stuttgart 1965), Ш.Конерманнинг “Мўғуллар салтанати” (“Das Mogulreich”, Muenchen 2006), А.Шиммелнинг “Буюк мўғуллар салтанатида” (“Im Reich der Grossmoguln”, Muenchen 2011) каби асарларини шундай асарлар сирасига киритиш мумкин.

Юқорида номлари келтирилган асарларга эътибор берсак, деярли барчасида бобурийларга нисбатан мўғуллар атамаси ишлатилган, лекин асар муаллифлари китоб номларида мўғул сўзидан фойдаланган бўлсалар-да, Бобуршоҳнинг мўғул эмаслигини, балки у туркий эканлигини таъкидлашган. Хусусан, А.Шиммел бу борада шундай фикрни билдиради: “Ҳиндистоннинг мўғул ҳукмдорлари ўзлари учун мўғул деган номни ҳеч қачон ишлатмаганлар. Бу монгол сўзининг арабийлашган шакли. Бобурийлар Ўрта Осиёлик жаҳонгир Темур сулоласидан эдилар. Салтанат асосчиси Бобур Темур авлодидан бўлган. Бобур она томонидангина мўғуллар ҳукмдори Чингизхонга бориб тақалади” (Doch die Mogulherrscher von Indien nannten sich selbst nie mit diesem Namen, der nichts als seine Arabisierung des Stammesnamens “Mongole” ist. Sie waren „Das Haus“ Timurs, des zentralasiatischen Eroberers (gest. 1405), von dem Babur, der Reichgruender, in direkter Linie abstammte, während seine Abstammung von dem Mongolenherrscher Chingiz Khan nur durch die mütterliche Linie ging).¹⁹² Ш.Конерман эса; “...Мўғуллар империяси: европаликлар Ҳиндистондаги буюк империя ҳукмдорларини шундай деб атаганлар. Улар мўғул сўзидан бошқа сўзни топмадилар. Салтанатнинг ҳукмдорлари эса ҳеч қачон бу номни қўлламаганлар. Ҳиндистонда улар ўзларини кўрагонийлар деб аташган. Кўрагоний форсча сўз бўлиб

¹⁹¹ Prawdin M. Das Reich aus dem Nichts. Die ersten grossmoguln. – Stuttgart 1965; W.Stammmler, Babur. Die Erinnerungen des ersten Grossmoguls von Indien. – Zuerich: Manesse Verlag, 1988; Koch E. Mughal Architecture. – Muenchen: 1991; Schimmel A. Im Reich der Grossmoguln. C.H.Beck, - Muenchen: 2011; Conermann S. Das Mogulreich. C.H.Beck, - Muenchen: 2006; K.Schoenig. Finite Prädikationen und Textstruktur im Babur-name: – Berlin: Otto Harrassowitz-Verlag, 2008.

¹⁹² Schimmel A. Im Reich der Grossmoguln. – Muenchen: C.H.Beck 2011. – S. 7.

куёв деган маънони англатади” – дейди (... das Mogulreich. So nannten die Europaer das prachtvolle indische Grossreich, denn sie hielten seine Herrscher fuer Mongolen, was nichts anderes als “Moguln” heist. Die Herrscher selbst haben diesen Begriff allerdings niemals verwendet. In Indien bezeichneten sie sich stets als Gurkani-Dynastie. „Gurkan“ ist die persianisierte Form des mongolischen Wortes „kürägän“ (Schwiegersohn)).¹⁹³

Бобур ва бобурийлар сулоласини нима учун мўғуллар деб аталиб келингани ҳақида илмда кўплаб фикрлар билдирилган ва бу атама нотўғри эканлиги ҳам таъкидланган. Хусусан, бу ҳақда америкалик олим С.Берк шундай дейди: “Бобуршоҳ хотирномасида ўзини ва ўз ҳамроҳларини ҳақли равишда турклар деб атайди. Бироқ XIII-XIV асрлар давомида мўғулларнинг бир неча бор ҳужумларини бошдан кечирган ҳиндистонликлар шимолдан келадиган барча босқинчиларни “мўғуллар” деб атаганлар ва ўз навбатида, бу сўзнинг нафақат талаффузи, балки маъноси ҳам бузилиб Бобуршоҳ қўшинига нисбатан ҳам “мўғуллар” атамаси ишлатилган”.¹⁹⁴ Академик В.Бартольд фикрича: “Европаликлар Темурни ва унинг ўғиллари ҳамда набираларини мўғулдан тарқалган деб ҳисоблаб, Бобур салтанати учун “Буюк мўғуллар” деган ном тўқидилар”, таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғофур ҳам бобурийлар мўғул эмаслар, балки бу ... тарихий англашилмовчилик эканлигини таъкидлаган.¹⁹⁵

Тарихдан маълумки, Бобур она томонидан мўғулларга қариндош саналади. “Бобурнома”да ёзилишича у тоғаларидан, яъни мўғул хонларидан оғир дамларида ёрдам ҳам олади. Бу ҳақда Бобурномада шундай ёзилган: “Менинг онам қошида минг беш юз-икки мингга яқин мўғул улусидан бор эди. Ҳисордан Ҳамза Султон ва Махдий Султон, Муҳаммад Дуғлат билан яна шунча мўғул келган эди”.¹⁹⁶

Бобур ҳамиша ўзининг туркий бўлганлигидан фахрланган ва туркий тилда ижод қилган. М.Правдин Бобурнинг мўғул эмаслигини шундай тасвирлайди. “У (Бобур) турк бўлганидан фахрланарди, лекин ўзи фатҳ этган ерларда уни ва лашкарларини мўғуллар деб аташарди. Бу монгол сўзини афғон ва турк халқлари томонидан томонидан мўғул деб бузиб талаффуз қилиниши таъсиридир. Бобур мўғул номини унчалик хушламас эди” (Er war stolz darauf, ein Tuerke zu sein, und jetzt, in dem Lande, das er erobert hatte, wurden er und seine Truppen niemals

¹⁹³ Conermann S. Das Mogulreich. – Muenchen: C.H.Beck 2006. – S. 7.

¹⁹⁴ Болтабоев Ҳ. Хорижда Бобуршунослик. – Б. 127.

¹⁹⁵ Иброҳимов А. Бобурнома-буюк асар. – Тошкент: 2000. – Б. 5.

¹⁹⁶ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. 2008. – Б. 67.

anders als „Mogulen“ geheissen – verzerrte Aussprache des Namens Mongole, wie sie von tuerkischen und afganischen Voelkern gebraucht wurde. Er fuehlte ihren Hass und ihre Verachtung in diesem Namen).¹⁹⁷

М.Правдин мўғул аскарларининг тартиб-интизоми, очкўзлиги, жангни ташлаб кетиши каби ҳаракатларини асарнинг бир неча жойларида келтириб ўтади ва Бобурнинг уларга нисбатан кучли нафратини қуйидагича тасвирлайди; Мўғулларнинг мунофиқлиги ва тартиб-интизомга бўйсунмаслиги туфайли Бобур уларни ёқтирмас эди. Уларнинг кутилмаганда ғалаён кўтариши натижасида Бобур ҳаёти бир неча бор хавфда қолган.¹⁹⁸

Бугунги кунга келиб кўплаб олим ва адибларимиз саъй-ҳаракатлари сабаб тарихий ҳақиқат тикланди. Бобур ва унинг авлодлари “бобурийлар”, у асос солган давлат эса “Бобурийлар салтанати” деб аталмоқда.

XX асрда немисзабон ўлкаларда Бобур Мирзо ва унинг асарлари кенг қамровда ўрганилди. Бобур ҳақида яратилган асрлардан яна бири Штефан Конерманнинг “Мўғуллар салтанати” (“Das Mogulreich”) номли илмий-оммабоп рисоласидир. Рисола муаллифнинг узоқ йиллар олиб борган илмий изланишлари натижаси бўлиб, ундан қуйидаги саволларга жавоб олишимиз мумкин;

1. Қандай қилиб мўғуллар юқори даражадаги маданиятга эришдилар?

2. Ҳиндлар ва мусулмонлар биргаликда қандай кун кечиран эдилар?

3. Шаҳарларда ва қишлоқларда ҳаёт тарзи қандай эди?

4. Нима учун 18-асрга келиб мўғулларнинг кучли империяси таназзулга юз тутди бошлади?

Мазкур китобда асосан бобурийларнинг Ҳиндистонда ўрнатган улкан салтанати ва уларнинг ҳукмронлик даври тасвирланган. Муаллиф ўз рисоласида улар (бобурийлар) даврида Ҳиндистонда ўрнатилган янги давлат тузилиши, этник гуруҳлар, мусулмон жамиятлари, маданият, илм-фан ва ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумотлар беради.

Ш.Конерманн асарда Бобур Мирзонинг олиб борган ишлари ҳақида камроқ тўхталган, бизнинг фикримизча, бунинг сабаби, Бобурнинг Ҳиндистонда қисқа муддат ҳукмронлик қилганидир. Шундай бўлса-да, муаллиф Бобурнинг буюклигини керакли ўринларда

¹⁹⁷ Prawdin M. Das Reich aus dem Nichts. Die ersten Grossmoguln. – Stuttgart: 1965. – S. 89.

¹⁹⁸ Ўша асар. – Б. 89.

аниқ тасвирлай олган, айниқса, унинг бунёдкор ҳукмдор сифатида Ҳиндистон иқлимида гўзал боғлар яратганини алоҳида эътироф этади.

Бобур 1526 йилнинг феввалида Чагара дарёсининг бўйида кўркам боғ барпо этиш учун қулай масканга дуч келади ва унинг топшириғига биноан боғ қурилиши 1528/1529 йилларда якунига етказилади. Афсуски, бу боғ бугунги кунда сақланиб қолмаган. Жаннатмонанд бу боғ Бобур учун Ҳиндистоннинг ғайритабиий иқлимидан бироз чекинишга ёрдам берган. Боғ ҳудудига олисдаги кудуклардан форс чархпалаклари ёрдамида сув келтирилган, боғ ичида иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган ҳаммомлар қурилган. Шимолий Ҳиндистонда барпо этилган боғларнинг иккитаси айнан Бобур томонидан қурилганлигини ишонч билан айта оламиз. Улардан бири Аграда, иккинчиси эса Боғи Нилуфар Аградан 50 км олисда Долпурда бунёд этилган.”¹⁹⁹

Муаллиф бобурийлар даври маданиятининг Ҳиндистонда шаклланиши ҳақида ёзар экан, Бобурни Марказий Осиёлик темурийлар наслидан эканлигини, шу боис у улғайган муҳит, олган тарбия ва атрофидаги муҳит форс маданияти билан уйғунлашиб кетганини ва бу жиҳатларни Бобурийлар ўзларининг илк ҳукмронлик даврлариданоқ Ҳиндистонда кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратганларини таъкидлайди.²⁰⁰

Муаллиф бобурийлар ҳукмронлиги даврида жамиятдаги ўзгаришлар ҳақида ёзар экан, аҳолининг диний эътиқоди ва диний оқимларга алоҳида эътибор қаратади. У Ҳиндистонда мусулмонлар нақшбандия тарафдорлари эканини, уларни суфийлар деб аталиши ҳақидаги маълумотларни ҳам беради. Бизга маълумки, немис исломшунос олимаси Анна Мария Шиммел Бобур ва бобурийлар адабиёти тўғрисида кўплаб изланишлар олиб борган ва бу борада унинг “Im Reich Groemogulen (Буюк мўғуллар салтанатида)” номли китоби йирик монографик асар бўлиб, асарда у Бобур ва бобурийлар ўрнатган улкан салтанат ва бу даврда Ҳиндистонда юз берган ўзгаришларни кенг кўламда ёритиб берган. Мазкур асар олиманинг бир неча йиллик илмий-ижодий изланишлари самараси эканлиги асар библиографиясида яққол кўзга ташланади. Асарда Бобур барпо этган салтанатнинг кейинги тақдирига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Бобурнинг фаолиятига тарихий нуқтаи назардан тўғри ёндошиб, ул

¹⁹⁹ Conermann S. Das Mogulreich. – S. 34.

²⁰⁰ Ўша асар. – Б. 28.

зотнинг Ҳиндистон олдидаги буюк хизматлари юксак даражада эътироф этилган.

Китоб ўнта катта-кичик бобларни ўз ичига олади. Асар бобурийлар ҳақида яратилган бошқа асарлардан ўзининг ҳажми ва кўлами билан кескин фарқ қилади. Ғарбда бобурийлар ҳақида яратилган асарларнинг аксариятида воқеалар худди “Бобурнома”дагидек йиллар кетма-кетлигида тасвирланади. А.Шиммелда эса, аксинча. Мазкур асар мундарижаси ниҳоятда бой бўлиб, пролог, “Тарихий кириш”, “Буюк мўғуллар саройи”, “Буюк мўғуллар салтанати”, “Диний аҳвол”, “Сарой аёллари”, “Салтанат ва хўжалик ишлари”, “Мирзонинг ҳаёти”, “Тиллар ва адабиётлар”, “Санъатга эътибор”, эпилог, изохлар, хариталар, эслатмалар, библиография ва глоссарийдан иборат.

Муаллиф асарнинг кириш қисмида таъкидлашича, ислом оламида ҳеч бир сулола бобурийлардек ўзлари ҳақида мукаммал ёзма манбалар қолдиришмаган. Уларнинг икки йирик ҳукмдори Бобур ва Жаҳонгир ўз “Вақоъе”ларини ёзиб қолдиришган. Бу китобларда ҳукмдорлар ўз ҳаёт йўллари, бошдан кечирган саргузаштлари ва ўзлари ёқтирган нарсаларни ҳаққоний тасвирлашган. Шиммел мазкур асарда Бобур ва бобурийлар ҳаёти, салтанатига доир воқеа-ҳодисаларни ёритар экан, кичик-кичик деталларга ҳам эътибор беради. У тарихий манбаларга таянган ҳолда бобурийларнинг шахсий ҳаёти, саркардалик маҳорати, давлат бошқаруви, савдо, иқтисодиёт, уларнинг дини, тили, адабиёти, кутубхоналари, сарой аёллари, ҳаттоки, уларнинг кийиниши, овқатланиши, зебу зийнатлар, атир-упа.... ва, умуман, барча жабҳаларни ёритишга, улар ҳақида қизиқарли ва асосли маълумотлар беришга ҳаракат қилган.

Асарнинг “Сарой аёллари” деб номланган бўлимида муаллиф Бобур салтанатида аёлларнинг тутган ўрни ва уларга бўлган муносабатга алоҳида тўхталади ва бу билан Ғарб ўқувчиси кўз ўнгида бобурийлар ёхуд туркий халқларда аёлларнинг қанчалик эъзозланишини тасвирлаб беради. Олима Бобурнинг аҳли-аёлларни эъзозлаши каби фазилатини Амир Темурга бориб тақалишини, Соҳибқирон ўз салтанатидаги ҳар бир малика учун алоҳида боғлар яратгани ва бу фазилати бобурийларга ҳам мерос бўлиб ўтганини, таъкидлайди. Маликаларни давлат ишларида ҳам фаол иштироки, масалан, Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигор хонимнинг сабрли бардошли аёл эканлиги, жанглarda ҳам доим Бобур билан бирга бўлганлиги, катта онаси Эсон Давлат бегимнинг давлатни бошқаришда Бобурга

берган маслаҳатлари, Хонзода бегимнинг жасорати, кейинчалик Ҳумоюнга сиёсий масалаларда берган ёрдами ва маликаларнинг шахзодалар тарбиясидаги роли атрофлича тасвирланган. Шу билан бирга Бобур ҳақида яратилган бошқа асарларда учрамайдиган маълумотлар ҳам келтирилган. Жумладан, муаллиф Бобур хотинлари ҳақида ёзар экан, унинг кичик хотини Муборика (юсуфзай афғонлари шоҳи Мансурнинг қизи²⁰¹) ҳақидаги фикрлари эътиборга молик. “Сиёсий манфаатлар йўлида бирор кимга уйланиш нечоғлик муҳим саналганини, Бобурнинг юсуфзай афғонлари уруғидан бўлмиш Мубарика хонимга уйланганлиги ва бу никоҳ келгусида бобурийлар учун маълум қийинчиликларни юзага келтирганини кўриш мумкин. Бобур Мубарикага 1519 йилда уйланади ва бу орқали афғон диёрида ўз обрў-эътиборини кўтарилишига эришади. Бироқ Мубарика фарзанд кўрмайди, тахминларга кўра унинг кундошлари турли йўллар (ирим-сирим, хаттоки дори воситалари орқали) билан бунга тўсқинлик қилишган, чунки Муборикадан туғилажак бола кейинчалик тахт вориси бўлиши мумкин эди. Аммо шунга қарамасдан у Бобурни жуда қаттиқ севган ва кейинчалик Бобур жасадини Кобулга келтирган аёл ҳам айнан Мубарика эди” (Wie wichtig Heiraten aus politischen Gruenden waren? Zeigt sich bei Baburs Heirat mit Mubarika, einer Frau aus dem Pathanenclan der Yusufzay, der spaeter den Moguln oft Schwierigkeiten bereitete. Er heiratete die, Pathanin 1519, was sein Ansehen im afghanischen Bergland staerkte. Mubarika aber blieb kinderlos, und Geruechte behaupteten, dass eifersuechtige Mitgattinnen ihr Drogen gegeben haetten, damit sie, von Babur sehr geliebt, ihm keinen Erben schenken koenne. Solche Berichte sind nicht selten – schwarze Magie und geheime Mittel wurden manchmal angewendet, um die Geburt eines Knaben zu verhindern, der spaeter vielleicht Ansprueche auf den Thron anmelden koennte. Doch es war Mubarika, die spaeter Baburs Leichnahm nach Kabul brachte, wo er seine letzte Ruhestaette fand).²⁰²

Муаллиф Бобур ва бобурийлар салтанати ва уларнинг ҳукмронлик даврини ёритар экан, у(бобурий)лар даврида тил ва адабиётга бўлган муносабатни алоҳида эътироф этади. Асарнинг “Тиллар ва адабиётлар” номли фаслида олима бобурийлар даврида муомалада бўлган тиллар хусусида маълумотлар келтириб, бадий адабиёт ўша даврда гуллаб яшнаганини таъкидлайди. Унинг фикрича, бобурийлар даври адабиёти форсий, арабий, ҳинди ва туркийда ёритилган.

²⁰¹ Заҳриддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Б. 166.

²⁰² Schimmel A. Im Reich der Grossmoguln. – S. 175.

Салтанатда Бобурнинг она тили бўлмиш туркий тил муҳим роль ўйнаган. Бобур туфайли Марказий Осиёда туркий тил адабий тилга айланган, албатта, олдинроқ туркий тилни адабий тил сифатида шаклланишига унинг қариндоши Ҳирот ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро ва унинг дўсти Алишер Навоийнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Бобур ўз авлодлари тилини мукаммал шаклланиши учун назарий асосларни яратиб берди. Масалан, “Рисола-и-аруз” асарида туркий туркий тил поэтикасини турли усуллари тархони, қошук, туюқ кабиларни исботлаб берган. Бобур мазкур асари ва ёзган кўплаб шеърлари, ғазаллари орқали туркийни форсийдан кам эмаслигини кўрсатиб берди (Unter baburs Ahnen in Zentralasien war das Chigaty-Tuerkisch zur Sprache der Hochliteratur geworden. In seiner *risala-i aruz*, dem “Traktat ueber das Versmass”, behandelt er die verschiedensten Typen der tuerkischer Poetik neben den klassischen persischen Formen und ermoeoglicht dadurch auch modernen Leser einen Ueberblick ueber tuerkische Versformen wie *tarkhani*, *qoshuq* und das beliebteste *tuyugh*.)²⁰³ Олима фикрини давом эттириб яна шундай дейди: – Бобур нафақат шоир, балки яхшигина таржимон ҳам эди. У ўзининг пири саналмиш Хожа Убайдуллоҳнинг “Волидия” асарини форсийдан туркийга назмий таржима қилган. Бобурнинг туркий тилни ривожланишидаги энг катта ҳиссаси бу унинг автобиографик характерда ёзилган “Вақоъе” асариidir. У бу асарни ҳақиқий – жонли туркийда ёзиб қолдирган. Бу асар уни ҳақли равишда қомусий олим эканлигини кўрсатади.²⁰⁴

Олмон олимаси Бобурни Марказий Осиёда туркий тилни адабий тилга айланишида асосий шахс сифатида тасвирлайди, лекин биз биламизки, туркий тилни адабий тил сифатида шаклланишида Бобурнинг катта замондоши буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳиссаси салмоқлидир. Навоий ҳазратлари яратган ғазаллар, дostonлар, шеърлар, айниқса, “Хамса” асари туркий тилни форсийдан кам эмаслигини, туркий тил луғат бойлиги нақадар улкан эканлигини кўрсатиб берган. “Бобурнома”дан аёнки, Бобурнинг ўзи ҳам Навоий ҳазратларини шеърлари ва ғазалларини севиб ўқиган ва Навоийга нисбатан юксак ҳурматда бўлган. “Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўб ва хўб айтқон эмас ...”²⁰⁵

²⁰³ Schimmel A. Im Reich der Grossmoguln. – S. 282.

²⁰⁴ Ўша асар. – Б. 282-283.

²⁰⁵ Заҳриддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Б. 7.

Ш.Конерманнда эса, “ XV асрнинг иккинчи ярмида адабиётда форсийга қараганда туркий тил устунлик қила бошлади. Туркий тилнинг бу даражада ривожланишига Ҳиротда яшаган шоир ва мутафаккир Навоийнинг ҳиссаси каттадир”, деб ёзилади.²⁰⁶

Бизнинг фикримизча, Бобур услубининг соддалиги ва бугунги туркий тилга яқинлиги, уни немис олимлари томонидан туркий адабий тил асосчиси, деб тан олинисига сабаб бўлган. Буни рус шарқшуноси А.Самойловичнинг фикри ҳам тасдиқлайди. Олим Навоий ва Бобур ижодий услубини таққослар экан, Бобурнинг услуби халқ тилига яқин содда, равонлиги ва Навоийнинг мураккаб баён услубидан фарқ қилишини таъкидлаб: “Мен Навоий билан янги давр ижодкорлари, Хива ва Қўқон адабий муҳити вакиллари орасида унинг замондошлари Бобур ва Ҳусайнийга нисбатан ҳамоҳанглик кучлилигини англадим”, – деб ёзади.²⁰⁷

А.Шиммелнинг асари жуда кенг қамровли монографик асар бўлганлиги туфайли, ишимиз характеридан келиб чиқиб, асарни айрим Бобурга оид лавҳаларинигина тадқиқотимиз доирасига жалб қилдик.

Ўйлаймизки, немис адиблари томонидан Бобур ва бобурийлар тарихи ҳақида яратилган мазкур асарлар, улардаги маълумотлар хорижий бобуршунослик ва “Бобурнома” ҳақидаги айрим кемтик жойларни тўлдиришга хизмат қилади ва бобуршунос олимларимизни кейинги тадқиқотларга ундайди.

3.4. “Бобурнома”нинг немисча таржималари

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида гап кетганда, албатта, унинг мемуар асари “Бобурнома”ни тилга олмаслик, у ҳақда фикр юритмаслик мумкин эмас.

Ўзбек адабиётининг нодир асарларидан саналмиш “Бобурнома”га Европа олимлари ҳам жуда кўп бора мурожаат қилишган ва бу асарга ўз муносабатларини билдиришган. Бунга мисол тариқасида “Бобурнома”нинг бир неча бор инглиз, немис, француз тилларига қилинган таржималарини таъкидлаб ўтишнинг ўзи kifоя. Биз ишимизнинг характеридан келиб чиқиб тадқиқотимизда “Бобурнома”нинг немис тилига таржималари хусусида айрим фикрларимизни келтириб ўтмоқчимиз.

²⁰⁶ Conermann S. Das Mogulreich. – S. 29.

²⁰⁷ Халлиева Г. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. – Тошкент: МН, 2018. – Б. 189.

“Бобурнома” илк бор немис тилига немис шарқшунос олими Ю.Клапрот томонидан 1810 йилда таржима қилинган ва Петербургда нашр этилган. Тадқиқотчи Ғ.Хўжаевнинг шоҳидлик беришича, Ю.Клапрот Бобурноманинг фақатгина Фарғона тасвири қисмини таржима қилган. Орадан бир оз вақт ўтиб “Бобурнома”нинг немис тилидаги яна бир таржимаси А.Кайзер томонидан амалга оширилди ва 1828 йил Лейпцигда нашр қилинди. Мазкур таржима Ю.Клапротдан фарқли ўлароқ тўла амалга оширилган эди.

Ю.Клапрот “Бобурнома”ни аслидан таржима қилган бўлса, А.Кайзер уни инглизча (Жон Лейден ва Уильям Эрскин таржимаси) таржима асосида амалга оширди. Ва ниҳоят, “Бобурнома” 1988 йил В.Штаммлер²⁰⁸ томонида учинчи бор француз тилидан немис тилига таржима қилинди. Мазкур таржималар “Бобурнома”нинг олмон диёрида тарқалишида ва немис ўқувчиларининг қалбидан жой олишида муҳим роль ўйнади. “Бобурнома”нинг биринчи ва иккинчи бор амалга оширилган таржималари юзасидан тадқиқотчи Ғ.Хўжаев илмий изланишлар²⁰⁹ олиб борган ва ўз фикрларини билдирган.

XX асрнинг саксонинчи йилларида француз бобуршунос олими, таржимон Жан Луи Бакю Граммон томонидан “Бобурнома” француз тилида нашр этирилди.²¹⁰ Бу таржима форс тилидан француз тилига ўгирилган эди. Таржиманинг нечоғлик мукаммал амалга оширилганлигини уни ЮНЕСКО ҳимоясига олинган нашрлар сирасига киритилганлигидан ҳам билиб олиш мумкин. Мазкур таржима кўплаб Европа мамлакатлари илм аҳли орасида катта қизиқиш уйғотди. Айнан мазкур французча нусхадан таниқли немис туркшунос олими, таржимон Валтер Штаммлер асарнинг олмонча таржимасини яратди. XXI асрга келиб “Бобурнома”нинг яна бир таржимаси немис ўқувчиларига тақдим қилинди. Мазкур таржима ҳозирда Германияда истиқомат қилаётган Ўзбекистонлик таржимон Хамид Далов томонидан амалга оширилди. Ушбу таржима Германиянинг Пфорцхайм шаҳрида фаолият кўрсатаётган ватандошимиз, тарихчи олим Хамид Далов²¹¹ [20] томонидан амалга оширилди. Мазкур таржима “Бобурнома”нинг ўзбек тилида Хамид Сулаймон тайёрлаган 1970 йилдаги наشري, Сабохат Азимжонованинг

²⁰⁸ Stammeler W. Babur. Die Erinnerungen des ersten Grossmoguls von Indien, – Zuerich: Manesse Verlag. 1988.

²⁰⁹ Хўжаев Ғ. “Бобурнома”нинг немисча икки таржимаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент: 1979. №6. – Б. 46-49.

²¹⁰ Le Livre de Babur. Baburnama. Memoires du premier Grand Mogol des Indes 1494-1529, Presente et traduit du turctchaghatay par Jean-Louis Bacque-Grammont. - Paris: 1985.

²¹¹ S.M.Babur. Babur-name. Deutsche Übersetzung von Hamid Dalov. Produktion und Herstellung: Pro-Business GmbH. – Berlin: 2016.

қисқартирилган русча таржимасидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган. Янги немисча нашрга Бобур даврига оид 15та рангли миниатюралар суратлари ҳамда 3 та ўша даврга оид стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим хариталар ҳам киритилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Айтиш керакки, “Бобурнома” немис тилига ўзбекча аслиятдан биринчи мартаба бевосита таржима қилинган. Бу ўзбек-немис таржимачилиги тарихида ўзига хос бир воқеъликдир. Биз ўз ишимизда Хамид Далов таржимасига эмас балки В.Штаммлер таржимасига қисман эътибор қаратдик.

Таъкидлаш жоизки, “Бобурнома”нинг В.Штаммлер талқинидаги таржимаси аввалги таржималардан бир қатор ижобий жиҳатлари билан ажралиб туради. Таржимон асарни тўла қамраб олиш баробарида аслиятни олмон ўқувчисига адекват тарзда етказиб беришга ҳаракат қилган. Бироқ кўплаб таржималарда учраганидек, “Бобурнома”нинг мазкур таржимасида ҳам мутаржим айрим ўринларда аслиятнинг хиралашишига йўл қўйган. Масалан, асардаги тарихий шахс сиймолари таржимасига эътибор қаратайлик:

Маълумки, Алишер Навоий Бобур Мирзонинг катта замондоши бўлган. Ўзбек халқининг бу икки буюк сиймоси бир-бирлари билан мактуб орқали алоқада бўлганлари ҳақида “Бобурнома”да қайд этилган. Шунингдек, “Бобурнома”да ўрни билан Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига оид қимматли маълумотларни самимий баён қилинганлигини кўрамиз. Бобур Андижон шаҳри тасвирида ҳам ушбу халқ адабий тилини бевосита Алишер Навоий шахси билан боғлаб қуйидаги сатрларни ёзади: “Эли турк (ўзбек)дир. Шаҳар аҳолиси ва бозорга кирувчилардан туркийни билмайдиган киши йўқ. Элининг тили адабий тилга мувофиқ. Шунинг учун ҳам Мир Алишер Навоийнинг асарлари гарчанд Ҳирий (Хирот) да шуҳрат қозонган бўлса-да, бу тил билан ёзилган.”²¹²

В.Штаммлерда: “Die Bewohner von Andijan sind Tuerken, und es gibt niemand in der Stadt und auf den Maerkten, der nicht tuerkisch verstuende. Die Sprache, die die Menschen in der Stadt sprechen, entspricht genau der geschriebenen Sprache, deshalb sind viele der Werke von Mir Ali Shir Navai in dieser Sprache verfasst, obwohl er in Herat aufgewachsen und dort erzogen worden ist”.²¹³

Мазмуни: Андижон аҳолиси туркдир, шаҳарда ва бозорларда туркчани тушунмайдиганлар йўқ. Шаҳардагилар сўзлашадиган тил

²¹² Заҳриддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Б. 7.

²¹³ Stammer W. Babur. Die Erinnerungen des ersten Grossmoguls von Indien. – S. 86

адабий тилга мансуб. Шунинг учун ҳам Мир Али Шир Навоийнинг кўплаб асарлари у Ҳиротда ўсган ва тарбияланган бўлишига қарамай, шу тилда чоп этилган.

Немис таржимони В.Штаммлер айти пайтда таржима матнига ёзган махсус шарҳида Алишер Навоийга махсус тўхталади: “*Mir Ali Shir Navai* (1441–Dezember 1500) gilt als groesste Dichter in der Sprache der Tschigatay und wird heute in der Sowjetrepublik Usbekistan als Natioanaldichter verehrt. Sohn eines Begs von Babur Mirza, dem Herscher von Khorasan (gest.1457), begann er seine Laufbahn im Dienst dieses Fuersten und schloss sich danach Sultan Husayn Mirza an, als dieser nach dem Tod von Abu Said im Jahr 1469 Herat einnahm”.²¹⁴

Мазмуни: Мир Али Шир Навоий (1441–1500 нинг декабри) чиғатой тилида ижод қилган энг катта шоир бўлиб, бугунги совет Ўзбекистонининг миллий шоири сифатида эъзозланади. У Хуросон ҳокими Бобур Мирзонинг бекларидан бирининг ўғлидир (1457 йилда вафот этган). У ўз даври подшоси хизматида бўлиб, кейинчалик 1469 йилда Ҳиротда вафот этган Султон Абу Сайид Мирзонинг ўрнига тахтга ўтирган Султон Ҳусайн Бойқаро хизматида бўлади.

В.Штаммлер таржимасида Алишер Навоий талқини масаласида бир қатор баҳсталаб жиҳатлар кўзга ташланади ва буни биз қуйидагича изоҳлашни лозим топдик:

1) Алишер Навоий вафот этган йил Штаммлер айтганидек, 1500 йил декабри эмас, балки 1501 йилдир; Бобур Мирзо деганда пойтахтни Ҳиротдан Машҳадга кўчирган ва 1457 йил вафот этган темурийзода Абулқосим Бобур ҳақида гап кетяпти. Навоий айнан шу мирзо ҳукмдорлиги даврида Машҳадда таҳсил олган.

2) Алишер Навоий Хуросон подшоси саройида хизмат қилганлиги тўғри. Аммо отаси Ғиёсиддин кичкина ҳам Абулқосим Бобур Мирзонинг бекларидан бўлган эди.

3) Алишер Навоий номини Европа тилларида, хусусан, немис ва инглиз тилларида *Mir Ali Shir Navai* тарзида берилади. Штаммалер ҳам ана шунга асосланган. Немис таржимони мазкур асардаги атоқли отлар, тарихий шахслар номларини таржимада турли қисмларга ажратиб ўгириш тамойилини сақлаб қолган. Алишерни *Ali Shir* шаклида транскрипция қилинганлиги бир томондан унчалик тўғри эмас. Чунки аслиятда Алишер қўшиб ёзилади. Иккинчидан, “шер”ни *Shir* тарзида эмас *Sher* шаклида ёзиш мақсадга мувофиқ.

²¹⁴ Stammeler W. Babur. Die Erinnerungen des ersten Grossmoguls von Indien. – S. 910.

Асардаги ўлчов бирликлари таржимасида ҳам айрим хатоликларга йўл қўйилган. Масалан, “Бобурнома”да Марғилон ҳақида шундай ёзилган: “Яна бири Марғинондир. Андижоннинг ғарбида. Андижондан етти йиғочлик йўлда....”²¹⁵

Мазкур ўринни В.Штаммлер қуйидагича талқин этади: “Marghinan liegt sieben Yighatsch westlich von Andijan entfernt...”²¹⁶ Штаммлер аслиятдаги масофа бирлигини ифодаловчи йиғочни Yighatsch тарзида тўғри транскрипция қилади ва қуйидагича изоҳлайди: “Yighatsch ist eine tuerkische Laengenmass und entspricht dem persischen Farsakh, dem Schari dem Koeruh; es umfasst etwa 3,2 Kilometer”²¹⁷. Маъноси: “Йиғоч – турк масофа ўлчов бирлиги бўлиб, форс фарсаҳи, шари ва кўруҳидан келиб чиққан; у тахминан 3,2 километрга тенг.” Ваҳоланки, “Бобурноманинг” ўзбекча табдилида бир йиғоч тахминан саккиз километрга тенг эканлиги кўрсатилган.²¹⁸

Фикримизча, олмон таржимонининг шарҳи ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Чунки бир йиғочни 3,2 километр деб юритадиган бўлсак, Андижондан Марғилонгача бўлган масофа 22, 4 км.га тўғри келади. Бизнингча, бу ерда асарнинг ҳозирги ўзбекча табдилига берилган изоҳ ҳақиқатга яқин. Ўшанда бу масофа 56 км. бўлиб чиқади. Бу эса ҳақиқатга яқинроқ.

Биз юқорида йирик асар таржимасининг айрим жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтдик, холос. Айтиш жоизки, асарнинг Штаммлер таржимаси борасида ўз ечимини кутаётган муаммолар, яъни реалиялар: мева-сабзавот номлари, жой номлари таржимаси каби масалалар талайгина. Мазкур таржима нусхасининг француз тилидаги муқобили ва ўзбек тилидаги табдили билан ўзаро қиёсий аспектда таҳлил этиш мутаржимларга таржима тамойилларини аниқлаш ва таржималарнинг сифатини белгилаш имконини беради. Бобурноманинг немисча таржимасидаги айрим хатоликлар Бобур ҳақидаги фикрларни ўзгартирган, чунки нотўғри таржима нотўғри талқинга олиб келади.

Боб бўйича хулоса

1. Бобур шахсини нафақат бутун Европа, балки бутун дунёга машҳур бўлиши икки омил билан изоҳланади. Биринчиси, Бобурнинг

²¹⁵ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Б. 30.

²¹⁶ Stammer W. Babur. Die Erinnerungen des ersten Grossmoguls von Indien. – S. 87

²¹⁷ Ўша асар. – Б. 910

²¹⁸ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Б. 28.

Ҳиндистонни фатҳ этиши ва у ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатиши, иккинчиси, унинг ижодкорлиги, яъни “Бобурнома” асари ва поэзиясидир.

2. Немис адиблари томонидан Бобур ва бобурийлар тарихи ва адабиётини ўрганиш, асосан, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлиб, Э.Кох, Ф.Вёртле, М.Правдин, К.Хабих, Ш.Конерман, А.Шиммел, К.Шўних, М.Эрдал, В.Штаммлер каби шарқшунос олимларнинг тадқиқотлари мавжуд.

3. Немис адиблари томонидан Бобур Мирзо ва бобурийлар мўғуллар эмас, балки, шубҳасиз, туркий эканликлари аниқ далиллар билан асосланган.

4. Штефан Конерманнинг “Мўғуллар салтанати (Das Mogulreich)”, Анна Мария Шиммелнинг “Буюк мўғуллар салтанатида” номли асарлари дунё бобуршунослигида айрим масалаларни ойдинлаштиришга ёрдам беради.

5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида немис адиблари томонидан яратилган тарихий-адабий асарлар ичида фактик материалларга бойлиги, келтирилган манбаларнинг тарихий ҳақиқатга мос келиши ва айрим ўринларда Бобур ҳаётига тегишли бўлган янги маълумотлар қайд этилганлиги билан Михайл Правдиннинг “Йўқдан бунёд бўлган салтанат” номли тарихий-адабий асари алоҳида эътирофга лойиқ.

6. Ф.Вёртьеленнинг “Бобур – Йўлбарс” номли қиссасида асосан Бобурнинг ёшлиги, эндигина тахтга ўтирган ёш шахзоданинг ҳаёти ва фаолиятининг қисқа даври бадиий талқин қилинган. Муаллиф ўз асарида Бобур шахсиятининг мардлик, жасурлик, кечиримлилиқ ва моҳир саркардалиқ каби нозик томонларини очиқ бера олган.

7. Бобурийлар тарихи, уларнинг маданияти ва адабиётини ўрганиш учун ҳукмдорнинг ўзи яратган асари ҳамиша дастуруламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда. “Бобурнома” ҳозирга қадар немис тилига уч маротаба (Ю.Клапрот томонидан 1810 йил, А.Кайзер томонидан 1828 йил ва В.Штаммлер томонидан 1988 йил) таржима қилинди. Мазкур таржималар Бобурноманинг олмон диёрида тарқалишида ва немис ўқувчиларининг қалбидан жой олишида муҳим роль ўйнади.

8. “Бобурнома”нинг В.Штаммлер талқинидаги таржимаси аввалги таржималардан маълум жиҳатлари билан ажралиб туради. Таржимон асарни тўла қамраб олиш баробарида аслиятни олмон ўқувчисига адекват тарзда етказиб беришга ҳаракат қилган.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Немисзабон адабиётларга Шарқ мавзусининг кириб бориши айнан XII аср охирларидан бошланди. Шарқ маданияти, фалсафаси ва адабиётининг таъсири Франция, трудбадур ва труверлар лирикаси орқали немисзабон адабиётига кириб келди. Миннезанглар шеъриятида куйланган муҳаббат илдизи бевосита Ибн Синонинг “Ишқ рисоласи” таъсирида шаклланган.

2. Немисзабон адабиётда Ибн Сино, Беруний сиймосини ёритиш ва холисона талқин қилиш ҳамда уларнинг илмий меросини ўрганиш натижасида Ғарб илм-фанида юксак ютуқларга эришилди. Бу эса немисзабон ўлкаларда ҳар икки буюк алломага бўлган чуқур ҳурмат ва эътирофнинг ошишига сабаб бўлди.

3. XVI аср инглиз адабиётининг йирик вакили Кристофер Марлонинг машҳур “Буюк Темур” драмасида Амир Темур шафқатсиз ва даҳшатли ҳукмдор сифатида тасвирланди. К.Марлонинг мазкур драмасидаги Амир Темур ҳаётига оид маълумотларга Шарқдаги тарихий манбалар эмас, балки Европа адабиётида буюк Соҳибқирон ҳақидаги турли мавзуда яратилган асарлар асос бўлганлиги, Амир Темурнинг немисзабон адабиётда ҳам айрим ҳолларда салбий образ сифатида гавдаланишига сабаб бўлди.

4. К.Постелнинг “Боязид ва Темур” (“Bajazeth und Tamerlan”, 1690) драмаси, Гулио Цезар Коррадиснинг “Буюк Тамерлан” (Il gran Tamerlano 1689) операси таъсирида ёзилгани сабаб, К.Марлодан фарқли равишда, тарихий ҳақиқатга яқин талқин этилган. Бу билан К.Постел ўз даври эстетикасига Соҳибқирон ҳақидаги янгича қарашларни олиб кирди. У XVII аср Ғарб адабиётида илк бор Амир Темур образининг ижобий тасвирини яратди. Асарда соҳибқирон нафақат буюк фотиҳ, балки бағрикенг инсон экани ҳам очиб берилди.

5. Буюк немис шоири И.Гётенинг “Ғарбу Шарқ” девонида Амир Темур даҳшатли, шафқатсиз ҳукмдор сифатида тасвирланган. Фикримизча, Гёте асаридаги Темур тасвири Наполеон образи билан уйғунлашиб кетган. Чунки Гёте ўз шеърларида Наполеон истилоларини, унинг Германия ва Европа халқлари бошига солган кулфатларини Темур образи орқали тасвирлайди.

6. Замонавий немис бадиий адабиётида (XX-XXI асрлар) Амир Темур образи талқинлари бир мунча ўзгаришларга учради. Энди соҳибқирон образи тасвирлари адабиётнинг роман, детектив, поэзия, хроника, публицистика каби турли жанрларида гавдаланди. Тарихий

адабиётлардан фарқли равишда, замонавий адабиётда Амир Темурнинг нафақат даҳшатли саркарда ва улуғ хукмдор, балки бағрикенг инсон, меҳрибон ота, оқибатли ўғил каби сифатлари ҳам тасвирланди. Замонавий немис адабиётида айрим асарлар сарлавҳаларида Амир Темур номидан шунчаки фойдаланишлар ҳам кўзга ташланади. Кузатишларимиз натижасида, бунинг сабаби, тижорат мақсадлари билан боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

7. Фриц Вёртльенинг “Babur, der Tiger” номли саргузашт қиссаси немис бадиий адабиётида ёш Бобур ҳақидаги ягона бадиий асар ҳисобланади. Муаллиф бу асарида Бобур шахсиятини ҳар томонлама ёритишга ҳаракат қилган. Қиссада Бобурнинг ёшлиги, эндигина Фарғона тахтига ўтирган ёш шахзоданинг ҳаёти ва фаолиятининг қисқа даври бадиий талқин қилинган. Муаллиф ўз асарида Бобур шахсиятининг мардлик, жасурлик, кечиримлилик ва моҳир саркардалик каби томонларини турли бўрттириш, ўхшатиш, метафора каби бадиий санъатлар ёрдамида, бадиий конфликтни эса душманга бўлган олижаноб муносабат асносида очиб бера олган.

8. Немис адиблари томонидан бобурийлар тарихи, адабиётини ўрганиш, асосан, XX асрнинг бошларидан бошланди ва ҳозиргача давом этмоқда. М.Правдин, А.Шиммел, Ш.Конерманн каби шарқшунос олимлар асарларида Бобур образи шоҳ ва шоир сифатида очиб берилган. Адиблар ўз асарларида Бобур асос солган империя Ҳиндистонда янги давлатчилиқни, том маънода уйғониш даврини бошлаб берганлигини, бобурийлар Ҳиндистонда маданият, илм-фан, диний бағрикенглик, бунёдкорлиқни юксак поғонага кўтарганликларини ёритиб беришган. Мазкур асарларнинг мазмун-моҳиятига “Бобурнома”, “Ҳумоюннома”, “Акбарнома”, “Тарихи Рашидий”, “Тарихи Шершоҳи” каби асарлардаги етакчи ғоялар сингдирилган.

9. И.Гёте, П.Хакс, Т.Нагель, Ф Вёртле каби немис ижодкорлари асарларининг айрим ўринларида тарихий ҳақиқатдан ва шарқона тафаккур тарзидан чекиниш, улуғ аجدодларимизга мутлақо хос бўлмаган хусусиятларни бўрттириб тасвирлаш сингари ҳолатларнинг учраши бу каби асарларга холисона ёндашиб, талқин ва таҳлил қилишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1.1. Мирзиёев Ш.М. Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. газ. 04.08.2018.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2018.

1.3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: 1996. – 158 б.1

2. Илмий-назарий адабиётлар

2.1. August G. Kriminalgeschichten. – Hannover: Wehrhahn, 2019. – 384 S.

2.2. Brokelman K. Kaschgaris Wortschatz. – Leiden: 1928. – 236 S.

2.3. Boehm P. Tamerlans Erben. – Berlin: 2005. – 178 S.

2.4. Conermann S. Das Mogulreich. – Muenchen: C.H.Beck, 2011. – 128 S.

2.5. Das Buch von der Genesung der Seele. Eine philosophische Enzyklopädie Avicennas. Übers. und erläutert von Max Horten. – Bonn: 1906.

2.6. Edschmid K. Die fruehen Erzaehlungen; Timur: – Neuwied und Berlin: Luhtherhand, 1965. – 373 S.

2.7. Frings T. Die Entstehung der deutschen Spielmannsepen. 2. Auflage. – Leipzig: 1940. – 156 S.

2.8. Gascoigne B. Die Großmoguln. Glanz und Größe mohammedanischer Fürsten in Indien. Sonderausgabe. Prisma-Verlag. – Gütersloh: 1987. – 360 S.

2.9. Goethe J.W. Gedichte. – Moskau: Progress, 1980. – 247 S.

2.10. Guenter N. In allen Elementen Gottes Gegenwart. Religion in Goethes Dichtung. – Berlin: 2003. – 160 S.

2.11. Halbfass W. Indien und Europa. – Stuttgart: Basel 1981.

2.12. Hacks Peter. Tamerlan in Berlin. – Berlin: Eulenspiegel-Verl, 2002. – 92 S.

2.13. Haendel G.F. Tamerlano. Der Text von Nicola Haym. – Leipzig: Ang. 1.

2.14. Hartmann M. Chagataisches. Materialien zu einer Geschichte der Sprachen und Literaturen des vorderen Orients. – Heidelberg: 1902.

2. 15. Hoffmann D. Arbeitsbuch deutschsprachige Prosa seit 1945. – Tuebingen und Basel: 2006. – 218 S.
- 2.16. Junkers, Herbert. Niederländische Schauspieler und Niederländisches Schauspiel im 17. und 18. Jahrhundert in Deutschland. – Haag: 1936.
- Luhtherhand 1965. – 375 S.
- 2.17. Kienast. Tamerlan und die Familienbande. - Berlin: Verl. Das Neue Berlin, 1989. – 36 S.
- 2.18. Klein W. Abu Rayhan al-Biruni und die Religionen. Eine interkulturelle Perspektive. Bautz, – Nordhausen: 2005. – 230 S.
- 2.19. Konrad G. Avicenna und seine Darstellung der Arzneiwirkungen. Deutscher Wissenschafts-Verlag, – Baden-Baden: 2014. – 156 S.
- 2.20. Kulke, Hermann, und Rothermund, Dietmar: Geschichte Indiens. Von der Induskultur bis heute. C.H. Beck. – München: 2006, – 242 S.
- 2.21. Karl Frank. Ich reite fuer Tamerlan. –Muenchen: 1991. –126 S.
- 2.22. Luethi M. Maerchen. Neuente Auflage. – Stuttgart: J.Metzler. 1996. – 138 S.
- 2.23. Martens K.K, Levinson L.S. Deutsche Literatur. – Moskau: „Proswestschenie“ 1971. – 176 S.
- 2.24. Muthreich M. Theoretische Grundlagen im Gottesbegriff bei Avicenna. Universität Gießen. – Gießen: 1999. – 260 S.
- 2.25. Peter Hacks. Tamerlan in Berlin. 2002. – 94 S.
- 2.26. Pfeifer C.B. Heine und islamische Orient. – Wiesbaden: “Otto Harrasowitz” 1990. – 102 S.
- 2.27. Postel C.H. Bajazeth und Tamerlan. – Hamburg: 1690. – 59 S.
- 2.28. Prawdin M. Das Reich aus dem Nichts. Die ersten Grossmoguln. – Stuttgart: 1965. –220 S.
- 2.29. Roemer H. Biruni in Deutschland. In : The Muslim East: studies in honour of Julius Germanus. – Budapest: 1970.
- 2.30. Roemer H. – Hannover: 1927. XII und 108 Seiten.
- 2.31. Sachau E. Chronologie orientalischer Voelker von Albiruni. – Leipzig: Otto Harrasowitz. 1923. – 490 S.
- 2.32. Schiller F. Ueber Voelkerwanderung, Kreuzzuege und Mittelalter. Bd. XIV. – Leipzig/Wien: 1895. – 208 S.
- 2.33. Schimmel A. Im Reich der Großmoguln. Beck. – Muenchen: 2011. – 459 S.
- 2.34. Schimmel A. Morrgenland und Abendland. Beck, – Muenchen:2011 – 420 S.

- 2.35. Sismondi J.C.L. Histoire des Francais, – Paris: 1823. – 496 P.
- 2.36. Solveig O. Christian Heinrich Postels Beitrag zur deutschen Literatur des spaeten 17. Jahrhunderts. German Text, Dissertation. – Michigan: 1968. – 453 S.
- 2.37. Schoenig K. Finite Prädikationen und Textstruktur im Baburname: – Berlin: Otto Harrassowitz – Verlag, 2008. – 126 S.
- 2.38. Stammler W. Babur. Die Erinnerungen des ersten Grossmoguls von Indien. – Zuerich: Manesse Verlag. 1988. – 1036 S.
- 2.39. Stemmle, Robert A. Tamerlan. – Wien/Leipzig: Alfred Ibach, 1940. – 271 S.
- 2.40. Strebel H. Tamerlans Luft. – Berlin: 2002. – 186 S.
- 2.41. Strohmaier G. Al-Biruni. In den Gaerten der Wissenschaft. – Leipzig: Reclam-Verlag 1991. – 318 S.
- 2.42. Strohmaier G. Avicenna. Broschiertes Buch. Auflage 2. – Muenchen: Beck 2006. – 184 S.
- 2.43. Tilman N. Timur der Eroberer und die islamische Welt des späten Mittelalters. – Muenchen: C.H. Becksche Verlagsbush – Handlung, 1993. – 544 S.
- 2.44. Tomaschek W. Zentralasiatische Studien. – Wien: 1880.
- 2.45. Torma F. Turkestan - Expeditionen. Zur Kulturgeschichte deutscher Forschungsreisen nach Mittelasien (1890-1930). – Berlin: 2011. – 274 S.
- 2.46. Vambéry H. Chagataische Sprachstudien. – Leipzig: 1867.
- 2.47. Wishnovsky R. Avicennas Metaphysics in Context. – London: 2003. – 286 S.
- 2.48. Woolf Christian. Die Barockoper in Hamburg 1678-1738. 1957.
- 2.49. Woertle F. Babur der Tiger. Joergle&Co. – Wien: 1947. – 160 S.
- 2.50. Ziyatdinova E. Vergleichende Untersuchungen Nibelungenlied und zum zentralasiatischen Epos Alpamys. – Bonn: 2005. – 337 S.
- 2.51. Алексеев М. Сравнительное литературоведение. – Москва: Наука 1983. – 448 с.
- 2.52. Амир Темур. “Амир Темур: шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти”. Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум материаллари (Самарқанд, 1996 йил, 27-29 сентябрь). – Тошкент: 1997.
- 2.53. Амир Темур жаҳон тарихида. Масъул муҳаррир Ҳ.Кароматов. “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. – Тошкент: 2001. – 314 б.

- 2.54. Азимжонов С, Государство Бабура в Кабуле и в Индии, – Москва: Наука 1977. – 176 с.
- 2.55. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
- 2.56. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: “Ўзбекистон” 2002. – 560 б.
- 2.57. Болтабоев Ҳ. Хорижда Бобуршунослик. – Тошкент: 2008. Мумтоз сўз қадри. – Тошкент: Адолат 2004. – 228 б.
- 2.58. Вюртле Ф. Андижон шаҳзодаси. Саргузашт қисса. – Тошкент: Ўқитувчи 2011. – 165 б. (Таржимон: Я.Эгамова)
- 2.59. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Ленинград: Наука 1979. – 497 с.
- 2.60. Захириддин Мухаммад Бобур. “Бобурнома” – Тошкент: П.Шамсиев. 1989. – 368 б.
- 2.61. Захириддин Мухаммад Бобур. “Бобурнома” – Тошкент: Ўқитувчи Ҳозирги ўзбек тилига таъдил В.Раҳмон ва К.Муллаҳўжаеваларники. 2008. – 288 б.
- 2.62. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Тошкент: 1992. – 327 б.
- 2.63. Иброҳимов А. Бобурнома – буюк асар. – Тошкент: 2000. – 77 б.
- 2.64. История зарубежной литературы XIX века: Учеб. пособие для студентов пед. ин-тов по спец. № 2101 «Рус. яз. и лит.»/ Под ред. Я. Н. Засурского, С. В. Тураева. Просвещение. – М.: 1982. – 320 с.
- 2.65. Каримов Ш. Немис адабиёти тарихи. – Тошкент: 2010. – 256 б.
- 2.66. Керен Люсьен. Амир Темур салтанати. Ўзбекистон. – Т.: 2016. – 248 б.
- 2.67. Клавихо Руи Гонсалес де. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд. – Санкт-Петербург: 1881. – 461 с.
- 2.68. Койре А.В. Очерки истории философской мысли. (О влиянии философских концепций на развитие научных теорий). – М.: 1985.
- 2.69. Комилов Н. Тафаккур карвонлари, – Тошкент: Маънавият 1999. – 279 б.
- 2.70. Кюн Г. Поэтика. История литературы. Кино. – Москва: Наука 1977.
- 2.71. Менендес Пидаль. Избранные произведения (Испанская литература средних веков и эпохи Возрождения). – Москва: Иностранная литература 1961. – 484 с.
- 2.72. Мирзо Мухаммад Ҳайдар Аъзий. Тарихи Рашидий.

Ўзбекистон. – Т.: 2011. – 704 б.

2.73. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Тарихий роман. 1- китоб. Жаҳонгир Мирзо. Шарқ. – Тошкент: 2002. – 335 б.

2.74. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Тарихий роман. 2 - китоб. Умаршайх Мирзо. Шарқ. – Тошкент: 2006. – 336 б.

2.75. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Тетралогия. 3 - китоб. Мироншоҳ Мирзо. Шарқ. – Тошкент: 2010. – 416 б.

2.76. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996. – 528 б.

2.77. Нурмуродов Й. Ўзбек фольклори немис тилида. – Тошкент: Фан 1987. – 59 б.

2.78. Парфёнов А.Т. Кристофер Марло. // Марло К. Сочинения. – Москва: 1960. – 140 с.

2.79. Рашбрук В. Ўн олтинчи аср бунёдкори. – Тошкент: 2011. – 207 б.

2.80. Расулов А. Бадиийлик безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ 2007. – 280 б.

2.81. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари (Поэзия ва таржима). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1979.

2.82. Султонов Ҳ. Бобурийнома. – Тошкент: Шарқ 1997.

2.83. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 415 б.

2.84. Тоджиходжаев М. Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. – Тошкент: Баёз, 2016. – 180 б.

2.85. Умуров Х. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: 2004. – 264 б.

2.86. Халлиева Г. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. – Тошкент: 2018. – 276 б.

2.87. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: 2003. – 360 б.

2.88. Шокаримов С, Машрабов З. Асрларни бўйлаган Бобур. – Тошкент: 1997. – 174 б.

2.89. Эрматов Б.С. АмирТемур Ғарбий Европа адиблари нигоҳида. – Тошкент: 2017. – 172 б.

2.90. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000-05.

2.91. Қодиров П. Юлдузли тунлар (роман). – Тошкент: 1999. – 304 б.

2.92. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: 2007. – 242 б.

2.92. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – 262 б.

2.93. “Ҳумоюннома”, Форс тилидан Аҳмад Куронбеков таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 60 б.

3. Диссертация ва диссертация авторефератлари

3.1. Абдуллажонов А. Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил қилиш. Фил.фан.ном. дисс... . – Тошкент: 1996. – 136 б.

3.2. Аҳмедов Н. Ўзбек адабиётида А.Навоий сиймосини талқин этиш муаммолари. Фил.фан.док. дисс... – Тошкент: 1994. – 332 б.

3.3. Дадабоев О. Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур образи. Фил.фан.док. дисс... (PhD) – Тошкент: 2019. – 148 б.

3.4. Жўракулов Ф. Абу Райҳон Берунийнинг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросининг ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилиши. Фил.фан.ном. дисс... – Тошкент: 2007. – 140 б.

3.5. Караматов Х. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии Кристофера Марло “Тамерлан Великий”. Автореферат дисс...кан.фил.наук. – Ташкент: 1990. – 24 б.

3.6. Кўбаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат (60-80 йиллар). Фил.фан.ном. дисс... – Тошкент: 2001. – 136 б.

3.7. Носиров А. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадиий талқини (“Юлдузли тунлар” романи мисолида). Фил.фан.ном. дисс... . – Тошкент: 1999. – 127 б.

3.8. Овчаренко Р. “Авиценна, его жизнь, система взглядов и влияние на западную средневековую философию”. Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Сергиев Посад: Россия. 2009. – 23 с.

3.9. Холбеков М. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в аспекте перевода, критки и восприятия). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент: 1991. – 24 б.

3.10. Холманова З. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи. Фил. фан. док. дисс... . – Тошкент: 2009.

3.11. Ҳошимова Д. Бобурнома матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Фил. фан. док. дисс... – Тошкент: 2017. – 34 б.

3.12. Ҳамроева М. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин (Амир Темур образининг насрий талқини). Фил.фан.ном. дис... автореф. – Термиз: 2008. – 26 б.

4. Тўплам, газета ва журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

4.1. Strohmaier G. Al-Biruni ein Gelehrter, den das Abendland uebersah. Spektrum der Wissenschaft. – Bonn: 2001.№3

4.2. Windt F. Künstlerische Inszenierung von Größe. – Berlin: Max Weber Stiftung 2015.

4.3. Абдуллаева Р, Эркаев Э. Германияда туркология мактаблари. Олмоншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари. – Тошкент: 2011.

4.4. Каримов Р. Шарқ маданияти ва олмон алломалари. – Тошкент: Жаҳон адабиёти. 2010. №4.

4.5. Саидов А.Х. Георг Ҳенделнинг “Амир Темур” операси. – Тошкент: Санъат, 2014. №4.

4.6. Сотимов У, Якубов М. Гёте “Темурнома”сининг илҳом манбалари: Олмоншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари. – Тошкент: 2011.

4.7. Турсунов З. Олмон ва ўзбек эртакларидаги ўхшаш мотивлар. Филология ва тилшуносликнинг долзарб муаммолари. – Наманган: 2003.

4.8. Турсунова Р. Образ Амира Темура в сценических произведениях Запада. – Тошкент: Санъат 2006. №2.

4.9. Хўжаев Ғ. “Бобурнома”нинг немисча икки таржимаси. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1979. №6.

4.10. Шиммел А. Мозийдан садо. – Тошкент: 2004. №9.

5. Интернет сайтлари

5.1. <http://www.natlib.uz>

5.2. <http://www.dissercat.com>

5.3. <http://www. www.ziyouz.com>, <http://www.kitobxon.com>

5.4. <http://www.islamic-centre-hamburg.de/al-fadschr>

5.5. <http://www.google.de>, <http://users.erols.com/zenithco/biruni.htm>

5.6. <http://www. www.minnesang.com>

МУНДАРИЖА

Кириш	
I боб. Бадиий адабиётда ғарб ва шарқ муносабатлари генезиси	
1.1. Немисзабон адабиётларда Шарқ адабий анъаналарининг тадрижий такомили	
1.2. Тарихий бадиий прозада Марказий Осиёнинг буюк сиймолари. Боб бўйича хулоса.....	
II боб. Немисзабон адабиётда Амир Темури образи талқинлари	
2.1. К.Постелнинг “Боязид ва Темури” либреттосида Соҳибқирон образи: талқин ва таҳлил.....	
2.2. Немис поэзиясида Амир Темури тасвири.....	
2.3. Замонавий бадиий адабиётда Соҳибқирон образи талқинлари	
2.4. Замонавий-тарихий асарларда Амир Темури ижтимоий-сиёсий фаолиятининг талқини.....	
Боб бўйича хулоса	
III боб. Немисзабон адабиётда Бобури мирзо сиймоси талқини	
3.1. “Бобури – Йўлбарс” қиссасида ёш Бобури образи поэтикаси	
3.2. М.Правдиннинг “Йўқдан бунёд бўлган салтанат” асарида Бобури хаёти ва фаолияти талқини.....	
3.3. Илмий-оммабоп асарларда Бобури Мирзо ижтимоий-сиёсий фаолиятининг талқини.....	
3.4. “Бобуринома”нинг немисча таржималари хусусида.....	
Боб бўйича хулоса	
Умумий хулосалар	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

